

Нуриддин
Муродов

Ота-устоз



Kitob shu erda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart

Ilgarigi berilmalar miqdori _____

--	--

123-41


108 H.

03

821
489

б.о.

Нуриддин
Муродов



Ота-
устоз



Handwritten signature or mark, possibly 'УМА'.



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

Тошкент

2017

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)7

М – 89

Муродов, Нуриддин

Ота – устоз / Нуриддин Муродов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 160 б.

ISBN 978-9943-20-225-2

Чин адабиёт ҳамиша инсоннинг ички маънавий эҳтиёжидан, яъни кўнглидаги ўй-хаёлларини, ҳис-туйғуларини, дардини атрофдагиларга изҳор қилиш, сўз орқали ифодалаш, сўз айтиш баробарида теварак оламини, ўз ҳаётида юз бераётган воқеаларни қалб кўзи билан идрок этиш; мавжуд макон ва замонда ўзини, ўз-лигини кашф этиш орқали муайян ҳаётий хулосаларга келишга, шунингдек, ўз тутган йўлини, шахсий хулосаларини, ўй-хаёлларини шарҳлаб беришга, уларни изчил равишда тарғиб этишга бўлган қалб эҳтиёжидан туғилади. Шу маънода ҳар бир асар муайян шахснинг даврга, замондошларига ва умуман ўзи мансуб ва иштирокчи бўлган ҳаётга нисбатан муносабатидир.


Нуриддин Муродов ҳикоялари баён услубининг равлонлиги, ҳаётийлиги, ўқувчини турмушнинг турли чигал вазиятларида тўғри хулоса чиқара олишга чорлаши, самимийлиги билан эътирофга сазовор. Айнан шу жиҳатларни ижодкорнинг ушбу китобга кирган шеърларида ҳам кузатиш мумкин.

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-20-225-2

© Нуриддин Муродов, «Ота – устоз» Янги аср авлоди», 2017 йил.



СЎЗБОШИ ЎРНИДА

Қоралама маҳсулини имкон қадар ҳаммага манзур бўлишига, кўпчиликнинг кўнглига йўл топишига интиламиз.

Бизни асарнинг туб моҳияти эмас, муаллифга, яъни ўзимизга бериладиган баҳо кўпроқ ташвишга солади. Имкон қадар жимжимадор сўзлар тегишга, воқеликни зураки кенгайтиришга, ҳеч кимга хос бўлмаган сўзларини топишга ҳаракат қиламиз. Бу борада ўзимизни алоҳида йўналишимизни яратаётганлигимиз, адабиётга, бадииятга қандайдир янгилик олиб киритаётганимизга ишонтиргимиз келади. Атрофимизга бизни маъқуллаб эшитгувчи ҳаммаслақларни тўплаб, қораламамиз ҳақида турли ривоятлар тўқиб, оқибат бунга ўзимиз ишониб ҳам қоламиз. Маълум муддат шундай кайфиятда юрамиз. Мукамалликка даъво кайфиятида.

Ҳақчиликдан, соддалик ва самимийликдан йироқлашамиз. Асарни мураккаблаштириш бизни ва ўқувчини мукамаллаштиришга хизмат қилмаслиги, балки ундаги самимийлик, туйғуларнинг софлиги, энг пок ва жўнгина тушунчалар: соддалик ва беғуборлик, яъни аслият бизни комилликка элтувчилигини ҳаммиша ҳам эътибор марказида тутмаймиз.

Бизни қизиқтирар жиҳат – ёзмоқчи бўлганимизнинг камчиликлардан холилиги, демоқчи бўлганларимизни эса унчалик ҳам ошкор бўлмаслиги учун тиришамиз. Жўнгина, шаффоф ва самимий

ифода этишдан қочамиз. Негаки, биз жамиятда бундай жўнлик кўринишига журъат қила олмаймиз. Биз сирли, сервиқор, очилмаган қиралари мўл шахс мисолида гавдаланишимиз даркор-да. Қоралаганларимиз ҳам шу тахлит, дилдагиларни ошкор этмаслиги, биз ҳақимизда керагидан зиёд билишларидан, гўёки, муаллиф билан жамиятдаги муносабат асоси шундан келиб чиқадигандай, асарнинг баҳоси шунга таяниб қолгандай... чўчиймиз.

Сўнг нима бўлади. Биз энг яқинларимизни ва бизга энг яқин бўлган нарсаларни қаламга олар эканмиз, туйғуларимизни ошкор этишни истамаймиз.

Ота-она, уларни ўрнини босувчилар, қон-қариндош, дўст, устоз, ватаң, иймон-инсоф, виждон, эътиқод, меҳру муҳаббат каби энг эзгу тушунчалар баёнида ҳам уларнинг аслиятидан узоқлашамиз.

Шу боис, ёзганларимиз аслият қонуни каби: оддийлик, соддалик, самимиятдан қурилмоғи, биз айтмоқчи бўлганимиз бу гаплар эса моҳиятан китобхон учун маълум бир маънода фойдали ахборот ёки қоғозга кўчирилган самимий, ҳаётий мисол бўлмоғи жоиз...

Эҳтиром ила муаллиф

ОТА – УСТОЗ

*Дунёда отадан улуг устоз йуқ,
Дуст ҳам йуқ отадек суюк...*

Ховли эшигидан чиқишдаёқ мўъжазгина йул бошланган. Гарчи ундан автоуловлар серқатнов бўлмаса-да, аҳён-аҳён бир-иккита ўтиб туради. Йулнинг нарироғида эса анҳор. Ундаги сув гоҳ сокин, гоҳида эса пишқириб, гоҳида мавжланиб, гоҳида «шилдир-шилдир» оқади.

Унга томон биров масофадан сўнг бу йул иккига ажраб, бири анҳор кўпригидан ўтиб катта йулга туташади. Иккинчиси эса туғри мактабга етаклаб боради. Мактабга борар бу йўлни анҳор кузатиб боради, етаклаб боради, елкалаб боради. Анҳордаги сув эса мавжланиб оқаверади. Мен ҳам шу йўлдан мактабга қатнайман.

Сувнинг охирги етар манзилини аниқ билмайман-ку, бироқ шу оқар сув мени уйдан то мактабгача кузатиб боради. Унга қараб шу сув менинг оқиб бораётган умримнинг тимсолимикин, деб ўйлаб қоламан. Вақт қурғур қайтадимми-йўқми, ёки умуман вақт ўтадимми-йўқми – буни аниқ билмайман. Балки у шунчаки ўлчов бирлигига айланиб улгурган тушунчадир?! Балким... Вақт ҳар ҳолда умрни ўлчайди – онаб, сониялаб, дақиқалаб, соатлаб, йиллаб ва.. ҳоказолаб... Билмадим, файласуфликка даъвойим йўғ-у, аммо умрининг ўтиши нақд.

Дарвоқе, ярим асрга яқин умрим шу йўлда ўтди, анҳор ёқалаб ўтди, анҳорга ҳамроҳ бўлиб ўтди. Бу йўл олиб боргувчи мактабда қарийб қирқ йил болаларга сабоқ бердим, шунча муддат мактабга раҳбарлик қилдим.

Шогирдларим катта одам бўлди, катта-катта одамлар бўлди. Фан номзоди бўлди, фан доктори бўлди, профессор бўлдилар. Уларнинг орасидан юртимизнинг олий вакиллик органи аъзоси ҳам, энг юқори суд идораларида ишлайдигани ҳам, шоир ва ёзувчиси, моҳир педагогу қўли энгил шифокори ҳам, катта тадбиркорлари ҳам чиқди...


Мен бундай хушxabарлардан кузимга ёш олдим. Қувондим. Аммо бу кўз ёшимларни ҳеч кимга кўрсатмадим. Кўз ёшларимни яширдим. Лекин, шундай пайтлар касбимдан фахрланиб юришимни яширолмадим. Хурсандлигимни, тақдирдан миннатдорлигимни яширолмадим. Баъзи давраларда шогирдларим эришган ютуқларни қайта-қайта такрорлашни одат қилдим. Йиғилишми, мажлисми, норасмий даврами, мавзуга алоқаси борми-йўқми айтиб ўтдим, айна дамда мен буларни, асосан, ўқувчиларни ҳаваслантириш, уларнинг кўнглига чўғ солиш учун ҳам айтдим...

Энди, нафақага чиқиб, бу йўлдан жуда кам қатнайдиган бўлдим, бу йўлдан хотирамда ўтиб-қайтадиган бўлдим. Эшигим ёнидан мактабга бораётган ўқувчиларни кузатиб туриб, яқин ва олис тарихни эслайдиган, хаёлларга бериладиган бўлдим...

* * *

Ҳозир асосан анҳордан ошиб ўтувчи ва катта йўлга туташувчи йўлдан юраман.

Бундан чамаси, ярим асрча илгари ҳам шу йўлдан юрар эдим. Анҳор устидан ошиб ўтувчи йўлдан. Биринчи синфга борган кунимни яхши



эслайман, аниқ-тиниқ эслайман. Мен ўқиган мактаб бироз узоқда, бошқа қишлоқда жойлашганди. Мактабга Бозор деган журам билан бирга қатнардик. Бозор – синфдошим, у улгудек ювош, ута камгап бола эди. Йиллар ўтиб, сергап ва шўхчан бўлиб кетди. Бизлар мактабга боришимиз учун албатта, катта йўлга чиқишимиз керак бўларди.

Эсимда, онам духобадан тикиб берган латта сумка, қалам-ручка ва ўн икки варақли тўрттагина дафтар. Латта сумкам чарм сумкага айланиши, анҳор устидаги ёлғизоёқ кўприк эса темир-бетон иншоот билан янгиланиши, Бозор синфдошим Бозорбойга айланиши, қолаверса бу йўлда қарийб, йигирматача оёқ кийимим адо бўлиши асносида мен мактабни ҳам битирдим...

Йўлнинг йўналиши ўзгарди, эни ҳам катта бўлиб борди, улуғвор-улуғвор бўлиб кўриनावерди. Бу йўл мени олий таълим муассасига томон етаклади, олий таълим даргоҳни қизғин, яъни қизил диплом билан тамомладим. Дипломни беш йилдан бери эгнимдан туширмай кийганим, йўл-йўл костюмимнинг чап чўнтагига солдим, қаддимни фоз қилдим. Шахдам-шахдам қадам олдим, диплом кўксимга завқ бағишлаб ўрилаверди. Юрагим устидан нур таратиб, шукуҳ бағишлаб ўрилаверди. Юрагимнинг зарби ҳам тезлашди, миямда қон айланиши-да тезлашди, вужудимдаги ғайрат ҳам ўн чандон жушди. Шу ғайратни ҳамроҳ қилиб, анҳор етаклаб борар йўлга қайтдим, йўл ёқалаб бораётган анҳорга қайтдим, анҳор ва йўлга қўшни ўша – қадрдон ҳовлига қайтдим...

Онамага маслаҳат солдим. Онагинам дипломни анчайин ўқигандай бўлиб, тикилиб турдилар-да, сандиқ устига тахланган кўрпалардан бири, шойи кўрпанинг орасига авайлаб солиб қўйдилар. Сўнгра ўзларича узоқ мулоҳаза қилдилар, балки менга

шундай туйилгандир... ҳар ҳолда назаримда анча сукутда қолдилар.


– Болам, билмасам... мен ўқимаган одам бўлсам, қаерда ишлашини менинг ўқиган ўғлимнинг ўзи яхши билади, деб уйлайман. Ана, отанг ҳам шляпасини кийиб, савлат тўкиб юрибди... лекин, осонмас-да халқ билан ишлаш... янаям менинг, унча кўп нарсаларга ақлим етавермайди. – Онам шу гапларни айта туриб мени меҳр билан эркалаб қўйдилар.

Онам раҳматли зуваласи йирик, барваста, икки юзи қип-қизил, нурли, камгап, камсуқум, шу билан бирга сермулоҳаза, дилидагини камдан-кам сиртига чиқарадиган, ҳамиша меҳнат билан ўзини овутадиган, айниқса кўнглидаги армону ҳасратини, дардини бировга айтмайдиган аёл эдилар...

Онамнинг «отанг ҳам шляпасини кийиб, савлат тўкиб юрибди» деган гапларини биринчи бор эшитишим эди ушанда. Туни билан уйлаб чиқдим: «Онам нега бундай дедилар экан?» Балки рўзғор ташвиши, катта ишнинг офирлиги, масъулияти ўша пайтдаги вазият уларга яхши аёндир. Ҳа, айтганча, мен ҳақимда фикр қилиб нега отасига маслаҳат солмаган экан, дейишингиз мумкин дир. Отамнинг яна бир оиласи бўлиб, улар ҳар икки оиласини бирдай кўришга ҳаракат қиларди. Отам басавлат, кийимлари ўзига ярашган, зиёли, салобатли ва истарали киши эдилар. Маслаҳатни онамдан олишимнинг сабаби шундан... Онам доим ёнимда эдилар.

Туни билан уйладим, уйладим, ишни қишлоқ кенгашидан бошласаммикин, колхозданми, маориф бўлимиданми, мактабданми, ё бошқа жойданми – бошим қотди.

Отам илмли киши эди. Китобга меҳр ҳам менга у кишидан ўтган. Шунинг учун болалигимдан кўп китоб мутолаа қилганман.



Мен ўқиган китобларда айтилишича, илм ва илм аҳллариининг даражаси ҳар қайси жамият-да ҳам юқори қўйилган. Илм ва ҳунарнинг барчаси ҳам Яратган томонидан инсонга берилган ҳикмат бўлиб, муқаддас китобларда ёзилишича «У ўзи хоҳлаган кишиларгагина ҳикмат беради. Кимга ҳикмат берилган бўлса, демак, унга кўп яхшилик берилибди. Бундан фақат оқил кишиларгина эслатма олурлар». Ўзидаги билим ва ҳунарни бошқаларга ўргатувчиларга, бобокалонимиз Имом Термизий ривоятича, Яратган, унинг фаришталари, самовот ва ер аҳди, ҳатто қавагидаги чумоли ва денгиздаги балиққача инсонларга яхшиликни ўргатганлари учун салавот айтиб турар экан.

Яна айтилишича, бу дунёдаги орзулар охиратга боғланмаса, улар қанчалар катта бўлмасин, фойдасизлигича қолавераркан.

Вақти келиб, киши ўзи хоҳлаган ишни бошлашига тўғри келади. Севган касбини танларкан, вазифаси юзасидан ишга бориш учун тонгда тараддуланиб қоларкан.

Ана шундай мулоҳаза ва мушоҳадалардан сўнг мен ўз-ўзимга мана бундай дедим:

«Майлига, мен катта одам бўлмасам-да, қишлоқ болаларини катта одам қиламан, ўз болаларимни катта одам қилмасман, аммо уларга сабоқ берман, мактабда ишлайман, мактабни катта қиламан, янгилайман, ҳашаматли қиламан, муҳташам мактаб қиламан, ҳеч бўлмаса туманда битта қиламан. Мактабни ҳашаматли эмас, балки мактабдаги ўқувчиларнинг келажагини муҳташам, мунаввар ва музайян қиламан...»

*Бу икки йўлдир – анҳорга ҳамроҳ,
Уйим, мактаб – умр йўлимга ҳамроҳ.
Анҳорда – вақт, йўлларда – ҳаёт оқар,
Умрим анҳор каби шу йўлда оқар...*

* * *

*Истиқлол шарофати билан пахта
яккаҳокимлигига барҳам берилди.*

Мактаб болаларининг ёзги таътили ниҳояланди. Ўқиш бошланди. Дарс бошланди. Кимлар учун биринчи қўнғироқ, мактабдаги илк сабоқларни бошлаб берди. Юқори синфлар учун бир неча кун давом этган дарс эса якунланди шекилли: навбатдаги таътилга чиқамиз, пахта таътили бошланди, пахта терими бошланди, деган гаплар урчиди.


Мураббийлар учун энг оғир вақт бу, мактаб раҳбари учун эса бундан-да оғир. Мактаб раҳбарига жисмонан оғир эмасдир балки, лекин унинг виждонига оғир: зеро халқнинг боласига таълим-тарбия бериш ўрнига уч ойни чўлда, болаларнинг қадоқ қўлларига қараб ўтказишдан ортиқ азоб борми? Уч ойни мурғак болаларнинг ёрилиб кетган, шўр босган, шўрлаган юзларига қараб ўтказиш осонми? Киртайиб қолган кўзларига қараб ўтказиш-чи? Келажак ёнмаётган кўзларга боқиб ўтказиш ундан-да оғир...

Замона зайли шу эди. Юқорининг хоҳиши шу эди. Тушлик қилиб, энди хонага кирувдим ҳамки, телефон қўнғироғи жиринглади.

– Дарсларни бошлаб юбордингизми, ўртоқ директор. – «Районо»нинг, Мудирбобонинг овози жанранглади. – Соғлиқларингиз яхшими, ўртоқ директор кайфиятлар қалай?

– Яхши раҳмат. Ўзингиз яхшимисиз?

– Бир нави, чидаса бўлади. Тумандаги барча директорлар билан бир-бир гаплашиб чиқяпман. Хўш, сиз ҳам ўқув йилини бошлаб олган бўлсангиз, 6-синфдан бошлаб, юқори синф ўқувчилари билан бирга ўзингиз ҳам пахтага – чўлга жунайсиз. Тайёргарлик куришга вақт оз – эртага жунаш керак...



– Эртага жунаш керак бўлса, бугун тайёр бўлишимиз керак эканда?!

– Ҳа-ҳа, талаб шундай... кўпга келган тўй! Ҳа, айтганча, бошланғич синфлар шу қишлоқдаги бригадага ёрдам қилишсин, ҳар ҳолда ота-оналарининг ёнларида-ку. Келишдикми, сизга ишонаман...

– Албатта, мудирбобо, биринчи йил эмас-ку, ўрганиб қолганмиз. Уч-турт ой чўлқуварлик қилиш нима деган гап.

– Яхши, яхши, ҳечам шу кесатишингиз қолмади-қолмади-да. Эсон-омон бориб келинглар. Қулай фурсатни топиб, ўзим ҳам бораман, ҳай баракалага – хўпми. Болаларнинг тартиб-интизомини қаттиқ назорат қилинг.


Ҳар галгидек, ҳар йилгидек, ўқитувчилар хонасида мажлис чақирдим. Кун тартибидаги масала – пахта теримига боришни ташкил этиш! Тушунарлими? Эшитгандирсиз ҳаммангиз?

– Ҳа, тушунарли. – Бир овоздан бош ирғашди, муаллимлар ҳам.

Аслида уларга ортиқча тушунтириш ҳам шарт эмас, барчага аён бу масала. Шундай қилиб, юқори синф ўқувчиларининг бари тулиқ ва эркак ўқитувчилар пахтага боришадиган бўлишди. Дарвоқе, ўша пайтларда мактабда эркак ўқитувчилар кўпчиликни ташкил этар эди. Аёл ўқитувчиларни эса қишлоқдаги бригада далаларига сафарбар қилдик.

Лекин болаларнинг ота-оналари ҳар галгидек, шунчаки рози бўлаверишмади. Униси – у деди, буниси – бу деди. Пахтага бормасликни сабаб ва асослари мул эди.

– Гап-сўзга ўрин йўқ, барча бориши шарт. Муҳокама тамом. Бу масалада хонамга кирманглар, кириб овора бўлманглар, яхшиси уйингизга бориб тайёргарликларингизни кўринглар... – дейман ким бўлса ҳам...




Ҳа яна бир гап, бу гапни ҳар йили айтаман: оғиз битта – кам гапириш учун, қулоқ иккита – кўпроқ эшитиш учун, тушунарлими?

Шунча гапдан кейин ҳам ўнга яқин ўқитувчи, котибани кўзини шамғалат қилиб, хонага кириб келишди. Яна бошланди «дийдиё»лар. Уларни мен тушунаман-у, лекин мени юқорида ҳеч бир раҳбар тушунишмайди-да. Мен ҳам тушунмасликка мажбурман. Биттаси пахтадан қолса, яна тўрттаси бошлайди: «нега у қолади, менинг ахир шароитим чатоқ-ку, соғлигим яхшимас» ва ҳоказо.

– Нега бунча гала-ғовур қиласизлар, сизларга минг марта айтганман, бекаму-қўст шароитга эга ўқитувчининг ўзи бўлмайди. Соғлик масаласига келсак ҳам худди шундай, ҳозир чиқиб поликлиникага борсак, ҳаммамиздан бирор бир касаллик чиқиши аниқ. Шунинг учун турли баҳоналарни важ қилиб, менинг ҳам, ўзларингизни ҳам ортиқча вақтларингизни олманглар – фойдаси йўқ. Ахир, кўриб-билиб турибсизлар ҳали суяги қотмаган, ўспирин ўқувчилар бораяпти-ку, шуларча бўлмайсизларми? Уларга ким қарайди, ким назорат қилади? Бировнинг болалари, ота-онасига ким жавоб беради? Эртага бирор кор-қол бўлса, жисмоний тарбия ўқитувчиси бормаса, меҳнат ўқитувчиси бормаса... Ашула ўқитувчиси, сенга нима жин урди, сен албатта боришинг керак... Йўқ, пахтага ҳамма боради. Пахта биз учун фронт. Мен ҳам бораяпман раҳбар бўлсам ҳам, «завуч»ни юборсам ҳам бўларди. Пахтадан қолиш мумкин эмас. Мажбурмиз, борамиз, бўйин товлашга, пахтага бормасликка ҳеч кимга рухсат йўқ. Бу сиёсий масала...

Кафтларимни столга ўраман. Гала-ғовур тинади, – сиёсий масала дейилса, мен каби ўқитувчилар ҳам сергак тортиб, чўчиб қолади... Хонага жимлик чўқди, сокинлик чўқди. Бироз ўтиб, ўзим-



ни босиб, секин, оҳиста ва вазмин овоз билан сукутни ўзим буздим.

– Майли, сизларга навбат-навбат билан уйга келиб-кетишларингиз учун тез-тез жавоб бериб тураман, бир-бирингизнинг йўқлигингизни билдирмай турасизлар, ўрнингизни билдирмасангиз бас. Аслида ҳам ҳар йили шу аҳвол: муаллимларга уйларига келиб-кетишларига рухсат берардим. Мавсум охирида эса бирин-кетин бирваракай «қуён» бўлишади... Бу ҳолатларга ҳам эътибор қаратмасликка ҳаракат қиламан.

Мактабнинг яна бир куни ниҳоялаб бормоқда, оқшом тушди. Бошим бугунги ғалвалардан шишиб кетди, кўзим тиниб бормоқда. Анҳор ёқалаб кетган йўл бўйлаб, майин шабада эсади, анҳорнинг икки лабидаги тераклар шоҳида тизилиб олган чумчуқларнинг «чуғир-чуғири» авжида: бу товушлар тобора баландлайди, шум майналар ҳам уларга жўр бўладилар. «Чуғур-чуғур» улкан симфонияга айланиб кетади. Қишлоққа тун чўкаётган маҳал, сершовқин дала кўшлари бу кунни ана шундай кузатиб қўйишади.

Уйимнинг эшиги олдида бир тўда одам, бир тўда аёл-оналар. Аниқ биламан, улар ўз фарзандини чўлдан олиб қолиш мақсадида бу ерга келишган. Ҳа, айнан шундай. Лекин шунча йилдан бери бир нарсага тушунмайман. Улар ҳалиям мени шу ишга қодир раҳбар, катта одам деб ўйлашадими? Аслида менинг аҳволим уларникидан ун чандон, юз чандон вой-ку... эҳ аёллар-а, – ёки булар зерикишдими, дейман. Балки, бир-бирлари билан анчадан бери кўришмагандирлар, яхшиям «пахта» баҳонайи сабаб, бизнинг эшик олдида тўда бўлиб, бир-бирларига анчадан бери йиғилиб қолган арзу дардларини айтишмоқчидирлар. Дардларини бир-бирларига тўкиб солса-ку майлига эди... Бошланди:


– Домлажон, менинг ўғлимни биласиз, нимжонроқ, бир йилдан бери, ўша... ўтган йилги пахта мавсумидан кейин «сарик» бўлувди.

– Домла, айланай домлажон, шу десангиз, менинг қизим шу кунгача уйдан ва мактабдан бошқа жойга чиқмаган. Қандай қилиб, бегона туманга – чўлга юбораман.

– Мени ҳам эшитинг, илтимос. Ёлғиз аёлман. Қўлингизда муаллим бўлиб ишлаётган ўғлимни шу ойда тўйини қилмоқчимиз, уйда ёрдамчим йўқ. Шу ерда қишлоқ бригадасида пахтага ёрдамлашса ҳам, ҳарна эди, уйдаги у-бу камчиликларни тўғрилаб олар эдик, ҳовли-жойни эпақага келтирмасак бўлмайди. Қолган укалари кичик, таъмирлаш ишларини бажара олмайди.

Ҳаммадан кўра, Хосият опанинг гапи қизиқ. Бу опа ҳар йил бўлмаса йил оралаб, фарзанд кўрганми, болалариям нақд ун битта. Деярли ҳар бир синфда Хосият опанинг бир боласи ўқийди. Қизиғи, улар гўё пахтага олиб боришни, менинг хоҳишим билан ўтказиладиган тадбир деб ўйлайдилар чоғи: «Мен боламни пахтага юбормайман! – дея гап бошлайдилар. – Ана нари борса, мактабдан ҳайдаб юборинг, бўлмаса шу қишлоқда теради пахтасини. Мана, ўтган йили, ўғлим яп-янги кўрпа-тушаги, бус-бутун идиш товоғини йўқотиб келди, пахтангиздан...»

– Эй, унақа майда нарсаларни гапирманг-эй, Хосият опа, – дедилар хотинлар жўр бўлишиб. – Бизникилар кўрпа-тушагини қайтариб келган бўлсалар ҳам уларни ташлаб юборганмиз, фойдаланиб бўлмай қолади чўлдан кейин яғири чиқиб. Сиз-ку шундоқ ҳам янги кўрпалар бермайсиз. Ўзи сиз ҳа деганда янги кўрпа тикавермайсиз-да, эринасиз, – кулади аёллар бир овозда, – шунинг учун ҳам эссски кўрпаларингизни бериб юбораве-



расиз, ташлаб келади-да ўғлингиз ҳам, кўрпа эски бўлганидан кейин.

Хосият опа ҳам бўш келмайди:

– Вой, айланай сизларнинг ҳазилингиздан, кўрпани ўзи майлику-я, пахтасини алмаштирса бўларди-да, шунга ичим ачийди. Терган пахтаси ўзи бир кўрпалик бўладими-йўқми. Худо билади.

Хосият опадан биринчи марта шундай ақлли гап эшитгандим ўшанда. Ҳеч хаёлимга келмаган экан, бу гаплар.

Хуллас хотин-халажнинг, бу уюштирилмаган машваратида гап чўзилиб кетди...

– Энди мени эшитинглар, бир ярим соатдан бери тинмай жаврайсизлар. Бу ерда сизлар, мактабда ўқитувчилар, шу бугун роса бошимни қотирдиларинг. Менга қолса ҳеч кимни пахтага юбормас эдим. Кўпга келган тўй экан, сиёсат шундай экан, талаб шундай экан, мен ҳам мажбурман-да. Фақатгина мактабдаги иккита ногирон ўқувчи пахтадан озод этилган, биласизлар гап ким ҳақидалигини, ё билмайсизларми?!

– Биламиз, биламиз. Ҳа, анави...

– Бўлди бас, билсаларингиз яхши ёки сизларнинг болаларингиз ҳам шулардай ногиронми?

– Йўқ, йўғ-эй, Худо сақласин... домлажон...

– Ундай бўлса, гап тамом. Эртароқ бориб болаларингизга керакли нарсаларни шай қилиб беринглар. Бу ерда энди тонггача гап сотишга ҳожат йўқ, узларингиз ҳам кечгача далада ўлиб-тирилиб ишлаган бўлсаларинг... Қани, уйларинга марш...

Кечки овқат маҳали дастурхон атрофида аёллар гапининг чаласини хотиним ҳам давом эттирди.

– Хўжайин, бизнинг каттамиз ҳам яқинда қўлини оловда кўйдириб олган. Уч-тўрт кундан бери мактабга ҳам бора олмаяпти. Болаларга қарашга-ку сизнинг вақтингиз йўқ. Бу боламизнинг

аҳволини бир кўринг, пахта териш тугул қўлига қалам ушласа ҳам қўли жизиллаб оғрийди-ку, ахир. Шусиз ҳам, ҳар куни ярасини боғлатгани тиббий пунктга бориб келади, сизнинг хабарингиз бўлмаса ҳам керак. Мана, кўринг ўғлингизнинг қўлини, ишонмасангиз. Кўрсат дадангга қўлингни.

Мен асабийлашиб ўғлимнинг қўлларига қарайман. Қўллари қизариб кетган. Териси пуфакчалар отиб қолган. Яраси устига тиш пастасига ўхшаш дори сурилиб, боғлаб қўйилган эди.

– Ўғлим, ёмон оғрияптими қўлинг?

– Йўқ, ҳечқиси йўқ. Мен чўлдан қолмайман... боришим керак. Мактабда болалар гапиради, бўлмасам... директорни ўғли бормайдими, унинг шохи борми, дейишади. Битта қўлимда ҳам яхши тераман шу пахтасини.


Онаси яна гапга қўшилди:

– Бир қўлинг билан қандай терасан пахтани? Сен икки қўлда теришга ўргангансан. Газак-пазак олиб кетса, нима бўлади? Сиз-чи, дадаси, ўз болангизга ичингиз ачимайдими?!

– Ачийди, ачийди, кўп ваҳима қилаверма. Ота ўғил-да, ота ўғил, ўзимнинг ўғлим. Ҳеч нарса қилмайди. Авайлаб теради пахтасини, бир қўлида ҳам бошқалардан кўп теради. Эҳтиёт бўлади қўлига, ўзимнинг ўғлим... Қара, мактабдаги маломатларни ҳам ўйлайди бу... ориятли-да, ота ўғил-да, ота ўғил.

Эртасига эрталабки соат етти яримларда йўлга чиқдик. Чўл томон. Бу жойлар бизларга анча яхши таниш бўлиб қолган, ҳар йили келдиган макон бўлгач, бошқача бўлармиди?! Ўқувчилар бу ерларга олдин ҳам келганлар, албатта, б-синфларни ҳисобга олмаганда.

Пахта теримининг иккинчи куни кечқурун... Овқатнинг ёқимли ҳиди димоғимга урилди. Овқат сузилди. Дастурхон бошига ўтирдик.



– Эҳ, бу товуқ қовурдоқ қаердан келди-я?

– Ҳа, энди, қўяверасиз, – деди кўкрагини кериб, жисмоний тарбия ўқитувчиси.

Эртасига билсам, юқори синф ўқувчилари пахта териш учун тарқатилган янги этакларни шу ерлик қишлоқ одамларига, бир нечта товуққа алмаштиришибди. Болаларга уйларидан ўзлари олиб келган эски этаклари ҳам бўлаверармиш. Вой хумпарлар-ей...

Уша куни вақт алламаҳал бўлганда, Хосият опанинг ўғли Шокирнинг, қорни қаттиқ оғриб қолди. Болалар бундан роса кулишди: «текин овқат ёқмади», деб. Мен бениҳоя хавотир олдим. Болаларга жаҳл билан бақариб бердим.

– Бир дўстингизнинг жони оғриб ётса-ю сизларнинг кулишларинг нимаси? Эртага гаплашаман, ҳаммангиз билан. – Шундай деяпману беихтиёр Хосият опанинг гаплари хаёлимдан ўтди...

Меҳнат ўқитувчиси билан бориб, бир амаллаб, бригадирни уйдан олиб келдик. Бригадир машинасини ўт олдиранар экан, кўзларини ўқалаб гап бошлади, гап аралаш эснаб-эснаб олди ҳам.

– Қорни оғриган бўлса, оғрибди, ичоғриқ дори бермайсизларми, шунча ваҳима қилмасдан, келганларингга энди иккинчи кун бўлган бўлса, бу болани қорни оғриб қолганини қаранг, Сарисийёнинг суви эмас-да – бу ернинг сувлари... юрибмиз-ку, элик йилдан бери касал бўлиш нималигини билмай. Ҳей ўлмаган бизнинг жонимиз.

– Бировнинг боласининг жавобгарлиги-чи, билардингиз ўзингиз ҳам сиздан талаб қилишса... Ваҳима, дейсиз-а. Яна кимсан, энг жанжалкаш – Хосият опанинг ўғли-я. Келишимиздан олдин роса жавраганди «боламни қолдиринглар» деб, бирор кор-ҳол бўлса нима қиламиз?! Сизга гапириш

осон. Мен гапни тўхтатишимни кутиб тургандай меҳнат ўқитувиси гапимни давом эттира кетди... Мен унга бас маъносида қараб қўяман. Хуллас, Шокирни бригадирнинг машинасида туман марказий шифохонасига олиб бордик.

Тунги соат иккилар чамаси. Навбатчи дўхтирни зурға уйғотдик. Шокирни палатага олиб кирдик.

– Қаеринг оғрияпти?

– Қорним.


– Қорнингнинг тепа қисмими, мана шу ерими, пастроғими, бу ерими, чапроғими, унроғими?.. – Дўхтир боланинг қорнинига қўлини қўйиб, кафтининг устидан бармоқлари билан уриб кўрди. Дўхтир бахтимизга жарроҳ экан. Ана энди ваҳима бошланди, денг. Қорни оғриси, дори бермайсизларми, эмиш. Яхшиям бригадир техникумни зурға битирган омироқ киши экан. Агар олий маълумотли бўлиб шляпа кийганлардан бўлса бормиди, ўзини авлиё санаб, билиб-билмай Шокирга дори ичиришга бизни кўндирармиди? Бечора болани дўхтирга олиб келмай, бирон кор-ҳол булармиди? Худо сақлагани рост бўлсин. Шу гаплар кўнглимдан ўтди-ю бригадирга қараб қўйдим, у мендан кўзларини олиб қочди. Шундоқ ҳам қисик, чала уйқу ва қизарган кўзларини.

– Нега тезроқ олиб келмадинглар, куричак бўлган экан-ку, бола бечора.

Дўхтирлар, ҳамширалар югургилаб чошиб қолдилар. «Операция хонасини тайёрланглар», болани «наркозга тайёрланглар» буйруқ берди у...

Жарроҳнинг қўли енгил экан. Ҳаммаси яхши ўтди хайрият. Енгил тортдим. Ҳар хил хаёлларга боргандим. Хосият опа, унинг гаплариям миямда чархпалак бўлиб айланиб чиқди то тонггача.

Шокирни ниҳоят палатага олиб чиқишди. Уни кўриб бироз тинчландим. Худога шукр, дедим ичимда.



Оббо, азамат-эй, қорним, деб шунча оғриққа чидаб ётган экансан-да, сени қара-ю. Бир-икки кун шу ерда дам олиб турасан, энди. Кейин мана, ўқитувчинг қишлоққа олиб боради. Бу йил сен учун, Худо хоҳласа, пахта тамом...

Уша йили октябрнинг қоқ ярмигача оқ пахта тердик, ундан кейин чаноқли пахта тердик, кейин эса декабрнинг бешинчи санасигача кўсак чувидик. Ҳар йилгидек, далаларни қор қоплагандан кейин қайтдик.

* * *

Шуро тузумининг талвасаси, қайта қуриш йиллари, шиорбозлик авж олган, юқоридаги сиёсатнинг беқарорлигини намоён этаётган вазият. Кишиларда келажакка ишонч йўқолиб, юракларда қандайдир қўрқув турган пайтлар...

Таълим-тарбия, маънавиятга эътибор ҳаминқадар бўлиб, нафақат ўзимизга иккинчи даражали одамлар деб, балки миллий маънавиятимизга тош отишлар қайта жонланган, мактаблардаги таълим сифати пасайиб, ҳатто ўқитувчилар тирикчилик ташвишида ўзларини бошқа соҳага урадиган, мактаб келажаги, умуман, таълим-тарбия эътиборсиз қолаётган давр эди.

Айниқса, мактабни таъмирлаш хоҳ у жорий таъмир бўлсин, хоҳ капитал таъмир бўлсин, асосан ўзи банкротлик ёқасига келиб қолган, ўзини-ўзи оқламаётган жамоа хўжалиklarининг ҳомийлигига ташлаб қўйилган йиллар.

Юз бор ялиниб борасиз, минг бир миннатлар билан мактабнинг ташқи томонини, узун даҳлизлар ва ҳовлини таъмирлаш учун керак бўладиган баъзи бир ашёларнигина беришарди. Мактаб синф хоналари эса ўқитувчилар ва ўқувчилар кучи билан жорий таъмирдан чиқарди. Ҳатто мактабни

таъмирлаш учун келган усталарнинг овқатини қилиб бериш ҳам биз – ўқитувчиларга малол келиб қолган пайтлар эди-да ушанда. Бугун бу гапларни айтсанг биров ишониб, биров ишонмайди. Аслида бундай савобли ишлар муаллимлар учун малол келмаган, бироқ рўзфордаги шарт-шароит бунга изн бермасди у дамларда.

Энг қизиғи, шундай даврларда келган текширувчилар ҳам, масъуллар ҳам мактабдаги таълим-тарбияни, ўқувчиларнинг билим даражасини эмас, балки мактаб девори оқланганми, шувоқ, бу ёқ қилинганми, шиорлар осилганми – шуни текширарди, холос.

Август ойи эди чамаси. Шундай кунларнинг бирида Халқ маъорифи туман бўлимидан келишди.

– Маорифдан келаётган комиссияни сизнинг мактабингизга бошлаб келамиз, – деди мудир менга жиддий буйруқ оҳангида.


– Мудир бобо, иложи бўлса, бошқа мактабга олиб борсангиз, шу десангиз, айти пайтда аҳволимиз танг, таъмирлаш масаласида ҳам ишни охирга етказолмадик. Ҳар йили ҳам уйда боримизни ишлатамиз, хабарингиз бор. Ойлигимни ҳам уйга олиб бормаётганлигимга ярим йил, бир йил бўлиб қолди-ёв.

– Менга қаранг, дардингизни дастурхон қилманг. Ҳозир мен бошласам биласиз кимни дарди офир эканини. Энди энг ишонганимиз, сиз. Бошқа кимга ҳам ишонай? Ана, томорқангиз бор, ижарага ҳам ер олгансиз...

– Пудрат денг, мудир, пудрат.

– Эй нима фарқи бор, ердан даромадингиз борда ишқилиб.

– Ҳа, даромад меники эмас, болаларимники, болалар ишлайди у ерда. Қолаверса, зиммамда рўзфор, ундан ошиб тушган мактаб деган катта рўзфор ташвишлари ҳам бор.




– Болалар сизникими? Бўлди-да энди.. айтдим-ку дардингизни айтаверманг энди деб, эшитгим йўқ. Бирор йўлини қилинг.

– Ҳай, майли, болалардан яна гапга қоладиган бўлдим-да. Ҳар йили, уйни таъмирлаймиз деб болалар томорқада тинмай ишлашади. Яна биригадан ҳам иккинчи экин мавсумида, пудратга ер олиб, унда меҳнат қилиб у-бу нарса орттиради: Мен бўлсам, доим уларнинг топганини мактабдаги келди-кетдига-ю мактабни таъмирлашга ишла-таман. Бундан ортиқ ноинсофлик борми?!

Мана бу гап ҳам шундай бўляпти... Уйдаги бўёқми, қумми, цементми, тахтами, михми, бошқами, борини яна мактабга олиб келдик. Бошқа иложимиз ҳам йўқ. Ишдан бушай десам, бўшатмайдилар. Нафақага эса ҳали бор. Бу ёғи аёлимнинг гапида ҳам жон бор.

– Бечора, тўғри айтади: «Болаларингиз уззукун ишлаб орттирган нарсаларни қачонгача мактабга ташийсиз? Бир сизга қолганми, шу мактаб?! Топширинг-эй, хўжайин, шу ишингизни... Ана ким қилса, қилаверсин, бир йил эмас, икки йил эмас, доим аҳвол шу, ойлигингизни-ку охирги марта қачон кўрганимни билмайман. Қўйинг энди... шу болалар топганига ҳам мактабингиз шерик бўлиб қолди. Болалар катта бўлаяпти. Катта ейман дейди, уқийман дейди, ҳали уларни уйлаш, чиқариш керак. Сизнинг эса мактабдан бошқа дардингиз йўқ. Мактабни таъмирлашгаям – сиз; унинг устасини ҳожатини чиқаришгаям – сиз, мактаб болаларни мусобақага олиб бориб келиш, уларнинг харажатию сизда. Бу текширувчиларни-ку гапирмай қўя қолай. Сиздан бошқаям ўқитувчи бордир. Сиздан бошқаям одам бордир ахир шу мактабингизда. Қанақа одамсиз ўзи?

Ҳа, унинг тинимсиз жаврашлари, баъзан ўзимга ҳам аччиқ, аммо очиқ ҳақиқатдек туйилади.



– Бошқалар ҳам қияпти, онаси, – дейман унга.

– Кўряпман қилаётганларини. Ҳеч ким сиздай қўли очикмас, одамлар уйига жон тортади ҳозир, сиз эса...

– Қўй энди онаси, шу йил ҳам бир амаллайлик. Янаги йил яхши бўлиб, ҳаммаси изига тушиб кетар.

– Янаги йилингиз тугамайди сизни. Билганингизни қилинг-эй.


Аёлимдан шунча гап эшитиб, яна ҳар йилгидай мактаб таъмирини яқунладик. Текширувчиларни ҳам кўнгилдагидек кутиб олдик. Мудир жаноблари ҳам хурсанд. Мен эса ойлик олмай туриб олдиндан маошимнинг ўзидан икки ойга қарз ҳам бўлдим.

Болаларимнинг онаси бир-икки кун араз қилиб мен билан гаплашмай юрди.

Бир куни хотинимга биология муалимимиз шу мавзуда гап бошлаб, «Раҳмат домлага, мактабнинг кам-қўстини ўзи тўлдириб юради. Бошқа директорларга ўхшаб, ҳаммасини ўқитувчиларга ташлаб қўймайди. Сизниям тушунамиз, опа, шу сабаб рўзгорингизда ҳам баланд-паст кунлар бор экан», дебди.

Болаларимнинг онаси ҳам шу мавзуда гап очилишини кутиб юрган эканми, роса дардини тўкиб солибди. Лекин гапининг охирида майли, нима қилса ҳам мактаб учун қияптилар, савоб бўлар деб, мендан фахрланиб ҳам қўйибди. Буни эшитиб, мен ҳам хурсанд бўлдим. Шундай пайтларда қилаётган ишингдан рози бўлиб кетасан, киши...


Шу куни мен ҳам уйга келиб болаларимнинг онасини кўп мақтадим, ўзиям, мақтамай қўйганимга анча бўлганмикан, дейман. Бир ўзимдан кетиб, унга «совға-повға» қилсаммикин деган ўйга бордим, бироқ яна қарзга олдингизми, деб қолса, нима жавоб қиламан, деб бу фикримдан қайтдим...



* * *


Ғалла мустақиллигига эришилди.
 Халқимизнинг сони қанча кўпаймасин,
 буғдойга бўлган эҳтиёж қондирилди.
 Энди буғдойни четга сотадиган бўлдик.
 Бир пайтлар ҳеч ким бунга ишонмас эди.

Ўтган аср тўқсонинчи йилларининг боши. Баҳор ниҳояланиб, ёзнинг жазирамаси ўзини кўрсата бошлаган маҳаллар эди. Ўша кунлари мактабдаги давомат жуда пасайиб кетди. Битирув имтиҳонлари яқин бўлишига қарамай, битирувчилар деярли кунора дарсга келмай қўйдилар. Сабаби – буғдой ўрими бошланганди. Ўша пайтларда юртимизнинг бошқа ҳудудларидаги каби буғдой ўрими мавсумида биз томондаги одамлар ҳам, ёппасига буғдойзорга ёпирилишади, буғдойга ёпирилишади, конбайнга ёпирилишади. Уйларида ейишга на нони, на буғдойи қолган оиларлардаги, бошлари эгик эрларнинг аёллари, нон сўраётган норасида болаларнинг оналари, имтиҳонга келиши керак бўлган болаларини етаклаб кўчага чиқишган; буғдойзорга чиқишган, буғдой ўрувчи конбайни пойлаган, буғдойни ташигувчи юк машиналарини пойлаган кунлар эди. Раисбобо менга юзланиб, ўқувчиларингизни бу йўлдан қайтаринг, деди. Мени кўрган ўқувчилар конбайн томонга бормай, ортга қайта бошладилар. Уйида буғдойи, нони қолмаганлигини унутишгандек, хижолат тортди улар, мулзам бўлди, болалар. Мен ҳам хижолат тордим: нега келдим ўзи бу ерга? Мен ҳам ерга қараб қолдим, ўқувчиларимнинг кўзларига қарамасликка ҳаракат қилдим. Аёллар, оналар, турли ёшлардаги хотин-халажлар ортга қайтишмади. Улар жонини гаровга қўйиб, чанг-тўзон ичра буғдойзорни забт этиб бораётган конбайн



томон ташланишарди. Буғдойзорни қўриқлаётган милиционерлар нима қиларини билмай қолишди, «Қайтинглар, нима қияпсизлар, буғдойни ўриб олайлик, кейин сизларга тақсимлаб берамиз ишонинглар», дея бақирришарди улар. Тик туриб бақирришди. Қаттиқ резина таёқларини ўйнатиб, бақирришди, важоҳат, жаҳл билан бақирришди, кейин эса тиззалаб-тиззалаб қолиб, йиқилиб қолиб бақирришди. Оломон уларни суриб ўтишгани сабаб, улар «тиззалаб», «ёнбошлаб» қолишди-да. Бригадир ва раисбобо отига қамчи солди. Оломонни йўлига от солди. Оломон тўхтамади. «Ҳой барака топгурлар, буғдойни йиғиб олайлик, барчага бирдай тақсимлаймиз», деди ялиниб раисбобо. Сизнинг уйингизда буғдой бор, бизларнинг болаларимиз оч, бир этак, бир этак оламиз, кўп олмаймиз, – дейишди йиғламсираган оналар. Раисбобонинг жаҳли чикди, шляпасини бошига маҳкам босди. Отига қамчи урди, аёлларга-да қамчи тортгудек бўлди. Оломон ҳам аламини кимдан олишини билмай турган эканми бригадир ва раисбобони кесак отиб қувиб солди. Ортидан ҳақоратлаб қолди. Уларнинг ортларидан аёллар қўлидаги ўроқларини кўтариб қарғаниб қолишди, қўрқитгандек бўлишди. Уларни қувлаб бўлгач, сўнг комбайнни тўхта-тишди. Бир комбайн буғдой билан ярим оломон кифояланишди. Кифояланган ярим оломон катта бойлик топгандай, уй-уйларига қайтишди, юрганча қайтишди, ҳансираб-ҳансираб қайтишди; ортига қараб-қараб қайтишди. Ҳарна бугунимни кўриб турай, – дейишди. Дарвозани энди бригадирга ҳам, милиционерга ҳам очмаймиз, – дейишди, ичкаридан дарвозани маҳкамлаб қўйишди.

—Ярим оломон – буғдой тегмаган оломон, комбайнни яна буғдой ўришга бошлади, бир аёл конбайн ҳайдовчининг ёнига, яна тўрттаси кон-



байн ортига чиқиб олишди. Қолганлари комбайнни ортидан кузатиб боришди. Бу орада раисбобо, ҳоким бобони ва бир автобусда милиционерларни буғдойзорга бошлаб келди.

Ҳоким бобо сўз олди; у ишонч билан гапирди: ҳеч ким оч қолмайди, деди. Барча буғдойни йиғиб олайлик, ҳаммага тенг тақсимлаймиз, ҳосилни биз уйимизга олиб кетмаймиз ахир, деди. Оломон бироз тинчлангандай бўлди, шу гапларга ишонгандай эшитиб, жим тикилиб туришди ҳоким бобога.

Ҳоким бобо қўшиб қўйди:

– Буғдойга талабгорларнинг барчасини рўйхатини тузинглар, деди. – Талабгорлар овора бўлишмасин, буғдойни рўйхат билан уйма-уй юриб тарқатишни ташкил этасизлар, – деди, теваракдаги раҳбару карчалонларга.


Ҳоким бобонинг кўзлари чақнаб кетди, кўзлари катталашди, пешонасидан қуюқ тер юмалади, чўнтагига қўл солди. Дастрўмол чиқмади. Раисбобо эпчиллик билан ўз дастрўмолини олиб ҳоким бобога узатди. Ҳоким бобо дастрўмолни пешонаси узра уч-тўрт бор тортди, эгасига қайтарди. Эгаси дастрўмолни қайтиб олаётиб, ҳоким бобонинг қизариб, буғриқиб кетган юзини яна бир-икки артиб қўйди.

– Раҳмат, раҳмат, – бош силкиди ҳоким бобо.

– Роса терлаб кетибсиз, – шундай, деб раис бригадирга қаради. Совуқ чойинг борми, олиб кел-ей, – деди, кейин жеркиб.

Ҳоким бобо энтикиб нафас олди, чуқур-чуқур нафас олди. Катта-катта нафас олиб-чиқарди. Шу тарзда у беихтиёр оломонга катта гапириб қўйганлигини англаб қолди.

Раисбобонинг дастрўмолини яна бир бор сўраб олди. Дастрўмолни пешонасига қўйиб, чуқур ўйга толди, хаёлланиб, маъюсланиб қолди...



Буғдой тегмаган ярим оломоннинг қони қайнаган, томирлари ҳам совуди. Ўроқ ва этакларини маҳкам ушлаб турган қўллари ҳам бироз юмшади. Ғазабли кўзларига маъно киргандек бўлди. Кўзлари ерга қаради, оёқларига қаради. Оёқлари уларни яна уй-уйларига томон йўлга бошлади. Мен ҳам уларга эргашдим.

Раисбобо менга юзланиб, «Эртага сиз ҳам келиб буғдой бошида тулинг», деб қолди...

– Имтиҳонларчи, аттестат ёзиш керак, – дедим тайсаллаб.

– Улар кейин, кейин ҳам бўлаверади.

Бу пайт қуёш ҳам ҳорган, тафти сўниб, Боботўғнинг бағрига бош қўяётган эди. Буғдойзордан қишлоққа олиб кирувчи йўлда ҳамқишлоқларимни тўхтатдим. Улар ҳовурларидан тушиб, бошсиз оломондан яна ҳамқишлоқларимга айланган эдилар. Негадир шу пайт бир ваъзхонлик қилгим келди. Бошладим, ваъзхонликни-да уддасидан чиқдим.

– Ҳамқишлоқлар! Бу тўс-туполон кимга керак? Бугунингиз ўтиб турибди-ку, сабр-қаноат қаерда қолди? – дедим. Чорак соат гапирдим... – Битирувчилар, болаларингиз эратаёқ мактабга, имтиҳонга борсин. Ота-оналар ва бошқалар уй-уйига, битирувчи ўқувчилар менинг ортимдан дедим...

Битирувчилар билан бирга уйга келдик. Қоройғи тушиб бўлганди. Ҳовлига киришим биланоқ хотинимни чақирдим.


– Онаси, чордоқда қанча маккажўхори бор? – сўрадим шоша-пиша. – Маккажўхори деганда сутаси билан назарда тутаяпман, қўшиб қўйдим кейин.

– Озроқ бор.

– Озроғинг қанча, хотин?

– Йигирма қопча чиқса керак.

– Уларнинг уч қопидан бир қопга яқин маккажўхори уни чиқиши мумкин. Ўтган йили беда-



поядан бўшаган ерларга болаларим макка қадаб яхши ҳосил олганди. Қолгани шу экан.

– Абдулла, Шокир, иккаланг чордоққа чиқ, олти қоп қолсин, қолганини олиб тушинглар.

– Домла, бу ерда кўпроқ экан.

– Яхши, олиб тушаверинглар.

Шимимни камаридан ушлаб кўтариб қўйдим, мақтангандай бўлиб. Хотиним менга бошқача қараб қўйди. Ёмон-ёмон қараб қўйди.

– Фақат маккажўхори унидан нон қилиб ейилса, ичлари қотиб қолади одамни, – деди. Яна бир-икки оғиз нималарнидир гудурлаб илова қилди.

– Унда сен болаларга нима қилиб бераяпсан?

– Озроқ буғдой уни бор, шундан хамирга бир коса, бир коса қўшиб қорияпман.

– Озроқ буғдой унинг қанча?

– Ярим қопга яқин келади.

– Унда ўзимизга етти коса олиб қол-да, ўн кунга етиб турса бўлар, қолганини болалар олиб чиқсин.

Буғдой уни чиндан ҳам кам экан. Беш коса олиб қолдик. Яна ўн бир-ўн икки косача чиқди. Неча кишига етмади, дедим, билиб турган бўлсам ҳам.

– Ўн саккиз кишига.

– Абдулла, Шокир мен билан юринглар, қолганлар ўз уйларига борсин.

Шаҳарчага жўнадик. Соат кечки 22 лардан ошган, автобус қатнови тўхтаган. Яёв жўнадик, пиёда жўнадик, гурунг-гурунг қилиб жўнадик, икки ўқувчим қуршовида, учовлон жўнадик. Икки чақиримдан сал узокроқ масофадаги йўл. Шаҳдам-шаҳдам қадам ташладик, илдам-илдам қадам босдик.

Собиқ ўқувчиларимдан бири – Зокир шаҳарда нон цехини бошқариши ёдимга тушиб қолганди-да. Эргашвой ўғлини уйлантирган тўйида бу ҳақда ўзи айтганди.

— Устоз, хизматлар бўлса биз тайёр, тўй-ҳашамга нонми, пишриқларми, пулни бегона қилманг, — деганди, азамат.

Қишлоқдан чиқаётганимда шуларни эслаб, шахдам-шахдам қадам босиб боравердим. Бироқ манзилга яқинлашганда, цехга яқин келганда, қадамим ўз-ўзидан секинлашди. Қандай бўлар экан, ичимда минг бир хаёл айланди. Яна шундай кунларда, ортиқча ун бормикан, сотишга ун бормикин... бўлмаса-чи, хижолатга қўяман-ку, чўнтакда пул ҳам кам, уйда ҳам мақтанарли аҳвол эмас.

— Домла, етиб келдик, — дейишди Абдулла ва Шокир бир овоздан.

Уларнинг гапини эшитмагандек, цех эшигидан сал нари бориб тўхтадим. Кимнидир кутаётгандек йўл четига чиқиб турдим.

— Келинглар, бироз шу ерда тин олайлик.

Улар ҳам тушунишди шекилли, бироз эмас бир соатга яқин у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирибмиз, чоғи... Оқ тусли жигули машинаси келиб шундоққина цех эшиги рўпарасида тўхтади. Машинанинг тунги чироқлари кўзимизни қамаштирди. Чироқлар ўчди. Жигулидан тушиб келаётган киши биз томон илдамлади. — Ие-ие, домлажон, устоз қайси шамоллар учирди, — Зокир менга томон талпинди. Салом-алиқдан кейин:

— Келинг домла, ичкарига кирайлик, — деди. Мен эса Абдулла ва Шокирга қарадим.


— Келинглар, укалар, сизлар ҳам киринглар, — мулозамат қилди Зокир.

— Йўқ, ака биз шу ерда кутиб турамиз, — дейишди болалар хижолатли овозда.

— Ҳой, киринглар. Тортинманглар! — Мезбоннинг бу гапидан кейин улар ортимдан эргашишди.

— Домла, биз томонларда?...

— Ҳа бир иш билан келувдим... — меровландим, гапимни чайнаб.



Бу орада ҳаммамиз Зокирнинг ортидан цех нонпазлари овқатланадиган хонага кирдик.

– Олим, чой-пой олиб кел, ишчиларидан бирини чақириб, – деди Зокир.

Ҳаш-паш дегунча олдимизда иссиққина кўк чой, иссиқ нон ва кран жўмраги тагида яхлаб турган тарвуз ҳозир бўлди.

– Домлажон, бир келиб қолдингиз, анчадан бери ҳеч суҳбатингизни олмаганман. Мактабдаги дарслардан ташқари, мактабда сиздан еган шапалоғим ҳалиям эсимда. Шу шапалоқ таъсирида институтларни ҳам битириб қайтдим. Оқидан бир пиёла, бир пиёла... кўпмас, домлажон, энди буям бизнинг ҳурматимиз, устоз.

– Шогирдларим олдида... – дедим мен кейин Абдулла ва Шокирга қарадим.

– Олим, болаларга хонангга жой қил, ўзинг яхшилаб қарашгин укаларга.

Келишимнинг мақсадини айтаолмай қийналиб кетдим. Чунки, ҳеч қачон ўз ўқувчиларим олдига бирор илтимос билан бормаган эдим. Эрталабдан бери тановвул қилмагандим. Оқидан оз-оз олдик, газаги тарвуз бўлди. Хижолатдан қотиб турган бошим бироз қизиди. Зокирга, уни йўқлаб келишимдан муддаони дангал айтдим.


– Домлажон, бу гапни рангу рўйингиздан сезгандим. Агар оқидан озгинадан ичмаганимизда ҳеч нарса демай, дардингиз ичингизда қайтиб кетган бўлардингиз, – деди Зокир кулиб.

Ҳа, у чиндан ҳам ҳақ эди.

– Олим, бери кел. Яхши, олий навли ундан бир қопини ол-да, машинага юкла.

– Йўғ-э, ўзимиз. Овора қилмайлик.

– Домлажон. Овораси борми? Сиз – ўзингиз учун бўлса, икки дунёда ҳам келмасдингиз. Сиз



овора бўласизу, мен овора бўлмайми. Мени хижолат қилманг.

– Сен ҳам менга қўшилиб ичдинг, машинани қандай бошқарасан?


– Хавотир олманг, домла... Олим ҳайдайки машинани. – Шундай дея Олимга юзланди. – Ма, калит. Машинани қиздир. Устозимни уйларига олиб бор.

«Жигули»нинг олд ўриндиғига Олим билан ён-ма-ён ўтириб, бир-биримизга қараб бош чайқашиб қўзғалар эканмиз, Зокир ортимиздан икки қўлини кўксига қўйганча, бизларни кузатиб қолди. Йўлга чиқдик. «Жигули»нинг олд чироқлари нури остида атрофни кузатиб боряпман. Тунги йўлни, «катта» йўлни ёритиб бораётган чироқлар, анҳор ёқалаган йўлга қараб жадаллашди, «Жигули» тезлашгани сайин кўксимга майин шабада урила бошлади. Хаёлим аллақасқларгадир сайр этди, кўнглим алланечук мутаасир бўлиб кетди. Ичим тўлиб кетди. Беихтиёр кўзимда ёш қалқиди. Машинага келиб урилаётган шабада кўз ёшларимни силаб ўтди. Кўз ёшларимни кўзимдан артиб ўтди, кўз ёшларимни юзимга ёйиб ўтди. Юзимга ёйилган кўз ёшларим майин шабада таъсирида юзимни намлаб қўйди, кўксимни, кўкайимни намлаб қўйди. Ҳаёт завқини бир он, бир зумча бўлса-да чуқур ҳис этдим, таъсирли-таъсирли ҳис этдим. Шу он негадир умрим самарасиз ўтмаётганлиги ҳақида ўйга толдим, анча вазмин, анча ёқимли хаёл уммонига фарқ бўлдим...

* * *

Ўғилнинг ҳикояси

Биринчи кўнғироқдан сўнг, илк бор синфхонага кирар эканмиз, бизни кутиб олган муаллима салом-аликдан кейин қўлидаги рўйхатга қараб, бирин-кетин исм-шарифимизни ўқий бошлади. Ол-



динги парталарнинг бирида ўтирган ўқувчининг исми-шарифи ўқилмади. У рўйхатда йўқ эди. Ҳеч ёдимдан кўтарилмайди. Ўша исми-шарифи ўқилмаганнинг чиндан ҳам бошқа ўқувчилардан ёши кичикроқ эди. Жумладан, мендан ҳам. У замондаги тартиб-таомилларга кўра, белгиланган синфга рўйхатдан ортиқ ўқувчи қабул қилинмас эди.

Хуллас, бўлди томоша. Ўша исм-шарифи чиқмаган «ўқувчи» ўқийман деб туриб олди. Муаллима уни алдади, авради: кейинроқ келиб ўқийсан, – деди, сенга ота-онанг кўп ва хўп яхши нарсалар олиб беради, деди. Йўқ, у барибир, унамади. Кўлидан етаклаб дарсхонадан чиқаришмоқчи бўлишди уни. У эса шундоққина синфхонанинг партасига ўтириб олди, «чириқ» солганча партани маҳкам ушлаб олди, партага канадай ёпишиб олди.

Кейин бу ишга ота-онаси аралашди. Унинг ота-онаси синфхонада ҳозир бўлди. Ота-она боласидан кўра қайсарроқ экан. «Фарзандимиз ўқиши керак, шу йил, ҳозир ўқиши керак, ҳамманинг боласи ўқир экан, нега бизники ўқимайди?» деб туриб олишди улар. «Болангизнинг ёши етмайди», дейишди. «Ёши етмаса ҳам ақли бутун», дейишди ота-оналар. «Бизнинг боламизни биринчи синфга шу йил қабул қилса, давлатмиз кам бўлиб қолмайди», дейишди. Баланд-баландлаб айтишди, асабийлашиб, газабланиб, жаҳлланиб, терлаб-терлаб, оғзидан тупиги отилиб айтишди бу гапларни.


Муаллима: «Рўйхатдан ортиқча бола қабул қила олмаймиз, бу – мумкин эмас, сизлар тушунмас экансиз, болангиз қандай тушунсин», деди. Асабий ота-она эса терлаб кетган юзларини енгларига артишди. «Бошқа бола кейинги йил ўқисин, менинг болам шу йил ўқийди», дейишди. Ота-она баб-баравар айтишди, бу гапни, жўр бўлиб айтишди. Синфдаги барча ўқувчилар хавотирга

тушиб қолишди. Уларнинг бу иддаосидан қайси биримизни ўрнимизда ўқир экан, деб бир-бирларига қараб олишди. Хуллас, масала тобора жиддийлашди. Масалага мактаб директори аралашадиган бўлди. Мактаб директори менинг отам эди. Мен хотиржам эдим ҳеч бир ота ўз фарзандининг ўрнига бошқа боланинг ўқишини хоҳламайди, деб ўйлардим. (Айниқса, ёши бошқалардан ҳам, мендан ҳам кичикроқ «ўқувчи»ни). Синфхонадагиларни директорнинг салобати босди. Ҳамма жим. Бояги жанжалкаш ота-оналар ҳам.

Директор муаллиманинг жойига бир муддат ўтирди. Масалани эшитди, бироз ўйлаб қолди, ҳаммага бир-бир қараб чиқди, менга узоқроқ қараб қолди. Кейин ўрнидан турди. Синфхонадан чиқиб кетди. Масала ечилди, шекилли, ортидан муаллима ва ота-она чиқиб кетишди. Муаллима қайтиб кирди, исми-шарифи чиқмаган ўша «ўқувчи»га қараб: «Ҳой йиғлоқи, сен ўқийдиган бўлдинг», деди. Кейин муаллима менга маъноли қараб қўйди.

Эртаси кунни эса менинг мактабга чиқмаслигим маълум бўлди. Чунки ўша исми-шарифи чиқмаган «ўқувчи» айнан менинг ўрнимга ўқийдиган бўлибди-да. Мактаб директори ушбу масалани шундай ечган экан...

— Мен қаттиқ ранжидим, жаҳлим чиқди. Чунки ўша «ўқувчи»нинг ёши мендан кичикроқ эди. Мен учун бу қарор мутлақо нотўғри эди. Буни мен улкан ноҳақлик, адолатсизлик, деб қабул қилдим, отам олиб келиб берган чиройли сумкамни ҳам ертўлага улоқтирдим. Онам: Ўқишнинг эрта-кечи йўқ болам, кейинги йил албатта борасан мактабга, отанг сенга бир эркалик қилди-да, лекин ўзи сени жуда яхши кўради, болам, — дея таскин берди. Кейин: — Бор, болам, қўйларни ўтлоққа олиб чиқ, бир йил ана-мана дегунча ўтиб кетади, — дедилар.



Мен, жаҳл билан қўйларни калтаклаб кўча эшикдан олиб чиқдим, шу пайт йўлда исми-шарифи чиқмаган «ўқувчи» мактабга кетиб борар эди. Ўшанда мен уни калтакламоқчи бўлдим. Ортидан бироз югуриб бордим. Тўхтадим. Ортга қайтдим. У қиз бола эди...

Орадан йиллар ўтди мен ўша пайтда адолатсизлик деб ҳисоблаган ҳолатни аслида одиллик асосда қилинган қарор эканлигини англаб етдим. *Зеро, адолатли қарор тўғри ва қонуний қарордан устундир.* Жамиятда ҳар бир қалби пок инсон доим том маънодаги адолатга талпиниб яшашга интилади.

Аслида жамиятда мувозанат, бағри кенглик, ўзгалар манфаатига ўз манфаати каби ҳурмат билан қарашдек, инсоний фазилатлар ноёб бўлиб бораётган бир пайтда, шахсий манфаат, худбинлик, ўзини кўрсатиш, манманлик, ҳар ишдан ўз манфаатини излашдек иллатлар тобора урчиётган замонда бундай адолатни таъминлаш, шунга ҳисса қўшиш асл одабийликка хос энг ёрқин фазилатдир.

Ўша воқеа, мўъжазгина бир ҳаёт йўлимда бугун эришган марраларимга ўзининг беқиёс ҳисасини қўшди. Шу биргина воқеада баён этилган масалани бу тариқа ҳал этиш замирида отамнинг мавжуд вазиятга баҳони бир неча йилларни олдиндан кўра била ҳолда бериши, чуқур мулоҳаза билан, қишлоқни кичкина жамият билиб, ўз манфаатидан ҳамқишлоқлар манфаатини устун қўйишга ўзида куч топа олганлиги – мени ҳамон қойил қолдиради. Бундай қарорга келиш жараёнида отам ўз фарзанди олдидаги бурчини унутмаган бўлса ҳам ўзгалар учун манфаатли йўл тутиши ўринли бўлиб, мустаҳкам ироданинг, эзгуликка қурилган қатъиятнинг маҳсули эди.

Айнан шу фазилатлар менинг вужудимга ҳам сингиб кетишини истаيمان.

Илло, отам шу қишлоқ аҳлига сабоқ берар ва шу қишлоқ мактабининг раҳбари сифатида фаолият юритган экан, аввало барчага намуна бўлиши, ўз фарзандининг кўнгли қандай ўксиб қолишини ҳис этган ҳолда ўзгалар фарзандини ҳам кўнгли ўксиб қолишини англаши лозим эди. Чунки, мураббий нафақат ўқувчилар, балки уларнинг ота-оналари ўртасида ҳам ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиши керак. Ваҳоланки, ҳар бир фарзанд, қайси бир ота-онанинг жигарбанди саналади. Мактаб директори ва мураббий учун ўз фарзандини ҳам барча шогирдлар қаторида бир назар билан кўриш энг улуввор фазилатдир... Отам айти шу ҳолатда тутган йўл билан менга сабр-қаноатни, ҳалолликни, ўзгаларни ҳурмат қилишни, иймон-инсофни, ўз манфаатидан халқ ва ўзгалар манфаатини устун қўя билишни ҳамда буюк адолатни онгу шууримга сингдиришни шу қарори асосида ўргатган...

* * *

Ёшим етмишдан ўтди. Ҳовлимни ҳатлаб кўчага чиқаман. Болаларим кенгайтирган йўл ва ундан нарида анҳор. Анҳор ва йўл ўртасидаги муъжазгина, сўлим, баҳаво жойда боғ қилдик. Боғнинг ўртасига курси ўрнатганмиз. Ҳар кун чиқиб, бир бор шу курсини йўқлайман. Йўл ва анҳор оралигидаги боғ ўртасидаги курсини. Сув сокин шилдираб, баъзан эса мавжланиб оқади. Бу йўлни иккига ажратиб оқадиган анҳор устидаги кўприқдан фарзандларим ва шогирдларим, уларнинг болалари, набиралари, ҳамқишлоқлар ўтиб-қайтавереди...ҳаёт қайнайди, умр ўтавереди...

*Умр мактаб, сабоқдир магар,
У китобдир – ҳаёт битилган.
Умр – хитоб, эшитсанг агар,
Саодат бор унда кутилган...*

ИЛТИЖО

*Жаннат – оналар оёгин остидадир
Ҳадиси шариф*


Ўшанда ё олтинчи, ё еттинчи синфларда ўқир эканман, чоғи. Демак, ўн икки, ё ўн уч ёшларда бўлсам керак. Сизларга ҳикоя қилмоқчи бўлаётганим – ушбу воқеа бир умр хотирамда муҳрланиб қолган.

Ярим тун эди. Қўшни хонадан жажжигина укамнинг бўғилиб-бўғилиб қилаётган хархашаси-ю, акаларимга, опаларимга, ҳатто менга эндиликда эса укачамни катта қилаётган кўҳна бешикнинг «ғичир-ғичир»идан уйғониб кетдим.

Бешикнинг ғичирлаши тезлашгани ва баландлагани сайин укачамнинг ҳам овози бир парда ошиб, баландлана-баландлана, авжига чиқиб борарди. Ора-сира, онажонимнинг «пиқ-пиқ» қилиб йиғлаётганлиги ҳам эшитиларди.

Устимдаги кўрпани бошим узра тортиб олдим. Кўзимни юмиб, қулоғимни ҳам беркитиб олдим. Нафас чиқармасликка уриниб, ўпкамни ҳавога тўлдирдим. Ўзимни ҳеч нарсани эшитмаётганликка олдим. Ухламоқчи бўлдим. Аммо, афсуски, уйқум аллақачоноқ қочиб улгурган экан, уни қайта тута олмадим. Кўрпадан бошимни чиқардим, чуқур-чуқур нафас олдим, хўрсиниб-хўрсиниб нафас олдим. Ўпкам бўшашгандай бўлди, лекин кўнглим тўлиб кетди, ўзим ҳам алланечук бўлиб кетдим.

Аксига олиб, ўша тунда қишлоғимизда чироқ ҳам йўқ. Деразадан тушиб турган ой шуъласини ҳисобга олмасак, зим-зиё қоронғиликни тасаввур қилаверинг...



Отажоним эса юқори синф ўқувчиларини пахтага, чўлга олиб кетган. Ҳа, айтганча, ёдимдан кўтарилай дебди. Отажоним – ўқитувчи, директор, шу сабабли ўша пайтнинг талаб-қоидаларига кўра, деярли ҳар йили куз фаслини, пахта теримида, чўлда ўтказардилар. Кўпга келган тўй эди-да бу. Секин ўрнимдан кўзғалдим. Қоронғи хона деворини пайпаслаганча бориб, укачам ётган хона эшигини товуш чиқармасдан, секингина очишга ҳаракат қилдим. Чунки хона эшиги кўп йиллар давомида очилиб ёпилаверганидан «ғичир»лаб очилганидан, кишини гашига тегадиган бўлиб қолганди-да.


Кирсам, онажоним бошини бешикка суяганча укам ётган бешикни «ғичир-ғичир» тебратар, баъзан бошини аста кўтариб, «пиқ-пиқ» йиғлаб олар, яна нималарнидир йиғламсираб пичирлаганча, бир маромда бешикни тебратарди.

Онажонимнинг мижжаларидан оққан кўз ёш ёноқларидан сизиб, укачамнинг юзига тушди шекилли, у яна авжига олди, йиғи овзи бир пардага кўтарилди.

Ўша пайтларда мен ўзимни қўлидан анча-мунча иш келадиган тап-тайёр дастёр санасам-да, айни дамда онажоним ва айниқса укачамга ҳеч бир нафим тегмаётгандан хижолат тортаётгандим.

Бироқ, жилла қурса онамни юпатишга таскин-тасалли берувчи сўз топишга тиришардим. Улардан кўз узмай боқиб турибман-у, аммо таскинли сўз тополмай қийналаман.

Шундоққина деразадан тушиб турган ой шуъласида ялт этиб онажонимнинг кўз ёшлари укамнинг юзига томганлиги кўриниб кетди. Кўз ёшнинг юзига тушганида мурғак укам чўғдай юзини тириштириб кўзчаларини юмиб оларди. Овози эса баттар авжланарди.



Ахийри ўзимни тутолмадим.

– Онажон, Бобийга нима бўлди? – дедим, уни икки ярим яшар синглим шундай деб чақирарди. – Иситмаси баландми, нима қиламиз? Юринг, дўхтирга олиб борамиз, ё кинна кирдимикин, кинначи кампирни чақириб келайми, а?..

– Содиқжон болам, укангни бадани чуғ, иситмаси баланд, иссиқнинг зуридан ёниб кетяпти. Энди нима қилдим, қай ерга бошимни ураман, энди, қай гўрга борман? – шундай деб, онажоним бошини бешикка қўйганча тебратишда давом этарди.

Мен нима қиларимни билмай, ўз ётоғимга қайтдим.


Бир маҳал онажонимнинг овозидан уйғониб кетдим.

Онажоним бошимда турганча:

– Содиқжон, Содиқжон, тур болам, укангга қараб тур, – дердилар, қўлимдан тортқилаб.

Мен ўрнимдан тургач онажоним ҳовлига чиқдилар. Бешикни тебрата туриб, секингина деразадан ташқарига қарадим. Онажоним ҳовлимизнинг бир четидаги стулчага ўтириб олган, қўлларини фотиҳага очганча, осмонга қараб неларнидир илтижо қилиб сўрардилар. Осмонда ой ярқираб шуъла сочиб турарди. Онажонимнинг озгингина жуссаси стулчага ҳамоҳанг тебранар, унинг лаблари эса тинмай пичирлаб, титраб, бутун вужуди билан илтижога эгиларди. Эгилган вужуд тебранишдан тўхтади, ва ниҳоят, қўллар дуога очилди, дуога очилган қўллар юзга тортилди. Мен эса ҳеч нарса билмагандек зўр бериб, бешикни тебратардим.

Эртаси куни туш ҳам бўлмай туриб укачамнинг ҳарорати тушиб, чеҳраси очилди, мийиғида куладиган бўлди, кўзларида учкун пайдо бўлди, кўзларини ўйнатадиган бўлди. Яратганга шукр, укачам соғайди.



Мен шу тобда онажонимнинг нима деб илтижо қилганларини билгим келарди.

Шу воқеадан роппа-роса бир йилча ўтди-ёв, яна пахта терими бошланган эди. Адашмасам, октябрнинг биринчи ўн кунлиги. Ҳа, аниқ эсимда, чунки ўша воқеанинг эртасига отажоним чўлдан бир кунга жавоб олиб уйга келганди, шуни аниқ эслайман.

Ярим тунда мен ётадиган хонанинг эшиги секингина, қия очилди. Уйғоқ эдим. Онажоним ҳовлига чиқдилар. Уларнинг ётоғи ичкари хонада бўлиб, у ерга мен ётадиган хона орқали кириларди. Шунинг учун бўлса керак, онажоним бизни уйғотиб юбормаслик учун эшикни секингина очиб, ҳовлига чиқдилар.

Мен деразадан ҳовлининг бир четига, ўша кичик стулча томон қарадим. Ҳа, ўйлаганимдек, хавотирим бежиз эмас экан. Онажоним яна қўллари фотиҳага очганча, осмонга қараб неларнидир илтижо қилардилар.

Мен ҳеч нарсани кўрмаётгандай кўрпага кириб олдим. Бир муддат ўтиб, ухлаб қолибман. Эртаси куни саҳарда туриб юз-қўлимни ювиб, уйга кирсам, билдимки, отажоним ҳам тонг маҳали етиб келган эканлар. Буни айвонимизда турган бир нечта тарвуз-қовунларни кўриб англадим. Ахир улар чўлнинг тарвуз-қовунлари эди-да.

Ҳовлимизнинг марказидаги меҳмонхонада ота-онам нонушта қилиб ўтиришарди. Мен отажонимга секин яқинлашдим. Улар менга қўл бериб сўрашдилар. Отажоним билан бир-биримизга туйғуларимизни кўпам ошкор қилмас эдик. Уларга ҳеч қачон, эркалик қилмасдим, уларнинг ҳузурда ўзимни катталардек тутишга ҳаракат қилардим. Лекин отажонимнинг кайфияти йўқ пайтларини ички сезгим билан дарров илғаб олардим.



Бугун ҳам буни англашим учун кўп вақт талаб қилинмади. Лекин уларнинг ўзларига ҳеч нарса демадим.

Куртовани яхши кўраман. Онажоним бундан айни шу овқатни хўроз қичқирмасдан пиширганлар шекилли, дастурхонга қараб қувониб кетдим, кейин иссиқина чойни хўплаб, нонуштага киришдим.

Онажоним билан гурунгларидан шуни билиб олдимки, отажоним кеча чўлдан қўшни туманга бориш зарурати билан келган.

Ўзи ўқийдиган техникумдан пахта теримига, қўшни туманга жалб этилган акам кеча кечки соат 9 ларда шифохонага тушган экан. «Кўричаги ёрилиб кетибди», дебди дўхтирлар. Лекин, жарроҳликдан кейин ичаги буралиб кетган экан деб, қўшиб қўйишганмиш. Шунинг учун жарроҳлик ҳам офир кечганмиш, акам роса қийналибди.

Ҳозир эса аҳволи яхши экан, отажоним шундай дедилар.


Онажоним эса Яратганга шукроналар айтдилар. Вужуди тебранди. Лаблари пичирлади. Қўллари фотиҳага тортилди.

Отажоним ҳам энди ҳаммаси ортда қолгани, акамнинг бақувват эканини бот-бот таъкидлаб, Яратганга шукуронасини биздан яширмади.

Онажонимнинг кечаги илтижоси кўз ўнгимга келиб-кетди. Хаёлга берилибман. Онажонимнинг кўнгли сезган экан. Фарзандлари бошига иш тушса, оналарнинг кўнгли сезишини эшитган эдим-ку, аммо ушбу воқеа сабаб бунга яна бир бор тўла ишондим.

Лекин улар бу ҳақда отажонимга ҳам менга ҳам ҳеч нарса демадилар.

Ўша воқеалардан кейин орадан қанча вақт, неча йил ўтганини билмайман-ку, аммо мен мактабни битириш арафасида синфдошларим билан



битириш кечасига тайёргарлик кўриб, кечки соат саккизларда уйга қайтган эдим.

Дарвозадан киришим билан яна ўша кичик стулга кўзим тушди. Яна ўша манзара: стулчага ўтириб олган, онажоним кўлларини фотиҳага очганча, осмонга қараб неларнидир илтижо қилиб сўрардилар.

Осмондаги ярим ой тўлишиб бормоқда гуё. «Яна нима бўлди экан», деб ўйладим, юрагим жизиллаб кетди, этим увиша бошлади.

Билсам, ўша куни отам тўсатдан шифохонага тушиб қолган эканлар. Айтганча, отамнинг аҳён-аҳён қон босими кўтарилиб турса-да, лекин шу кунга қадар ҳеч қачон шифохонага тушмаган эдилар.


Мен шундан хавотирда эдим. Ҳар хил хаёлларга бордим, ёмон-ёмон хаёлларга бордим. Бироқ кўнглимнинг бир четида алланечук хотиржамликни ҳам туйдим. Чунки, менинг фаришта онажонимнинг илтижосини албатта, Яратган эшитади, отажоним, албатта, шифо топади, – деб ўйладим.

Орадан бир-икки кун ўтди. Отажонимни кўргани шифохонага бордим. Отажонимнинг чеҳраси очиқ эди. Кўшни аёлнинг беҳосият гапи рост чиқмади, Худога шукр.

Ўша йил сентябр ойининг учинчи куни, мен талаба бўлдим, катта шаҳарда ўқишни бошлавордим. Кўп қаватли уйнинг, энг баланд қаватида, онажонимнинг гапига кўра, «худога яқин қавати»даги хонадонларнинг бирида ёлғиз ўзим тураман.

Бир куни шом маҳали, қозонга овқатнинг массалиқларини солдим, кейин унинг пишишини кута бошладим.

Ташқарида ёмғир шитир-шитирлаб, майда-майдалаб, эзиб-эзиғилаб, чироқ нурларида ўйноқлаб ёғмоқда эди. Кўнглим қаърида алақандай нурли туйғулар жунбишга келди. Чамамда, бу



соғинч туйғуси бўлса керак. Ҳа, шубҳасиз бу соғинч эди. Шу пайтгача узоқроқ жойга сафарда бўлмаганлигим учун, балки умуман сафарда бўлмаганлигим учунми, билмадим юрагим хапқириб кетди.

Қишлоғимни, болалигим ўтган сўқмоқларни эсладим. Ҳовлимизни, яқинларимни, айниқса, онажонимни соғинганман, бу аниқ...

Дераза ойнасидаги буғдан ҳосил бўлган пардага хаёлан онажонимнинг суратини тушира бошладим.

Ўхшамади, ўчириб ташладим. Бошқа ойнада яна қайта чиздим, ўхшамади. Ўзи мендан рассом чиқмайди, буни яхши биламан...

Аммо шу тобда мени хаёллар комига тортган эканки, аллапайтгача улардан узилолмадим, бир пайт қозоннинг «варақ-варақ» қайнашидан ўзимга келдим. Онажоним бериб юборган дастурхончамни стол узра ёздим, овқатни сузиб, совушини кутиб, китоб варақлай бошладим.

Бу менинг доимий одатим. Илло, кечки овқат маҳали китобми, газета ёки журналми варақлама-сам кўнглим жойига тушмайди.


Варақлаб ўтирган китобим саҳифаларида беихтиёр мозий гавдаланди.

Буюк шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур саройи...

Негадир ҳамма безовта кўринади. Табибларнинг боши қотган. Ҳумоюн Мирзо оғир бетоб.

Бобур шоҳ чуқур қайғуга толган. У нималарнидир маҳзун ўйламоқда... Балки, фарзанд меҳри қаршисида бу дунёда барча эришганлари: унга берилган мартаба, инъом ҳеч нарса эмаслиги ҳақида ғамгин ўй сураётгандир?!

Ҳа, зурриёдлари ярим дунёни уч юз йил ларзага солган буюк саркарда ва давлат арбоби, шеърлари ва насрий асарлари доврўғи бутун оламга



кетган гўзал ва нафис қалб соҳиби шоҳ ва шоир Бобур ҳазратлари фарзандининг дардига шифо излаб ночор аҳволда қолган. Хаёлидан нималар кечмоқда. Шоҳ бунчалар маҳзун бўлмаса?

Ва ниҳоят, ана, Бобур ўрнидан туриб, хаста бўлиб ётган Ҳумоюн Мирзо атрофида айланди-да, қатъият билан «Сенинг дардингга мен кафил, жигарбандим, жоним сенга садқа, эй, карами кенг Парвардигорим, ўзинг меҳрибон ва раҳмдилсан, жон керак бўлса менинг жонимни олгин», – дейди...

Шу лаҳзада дафъатан онажонимнинг ўша стулчага ўтирганча кўкка қараб илтижо қилётганлиги, ёлбораётганлиги кўз ўнгимда намоён бўлди.

Нега онажонимнинг чап қўли тез-тез увишиб, юраги тез-тез безовта қилиб туриши боисини ногоҳон фаҳмлаб қолдим.

Кўзларим қай маҳал ёшга тўлганини пайқамабман. Овқат ҳам совуб улгарган эди. Мен бунга эътибор бермасдим. Учқур соғинч хаёллари яна мени ўз доимига тортганди.

1997 йил

ВАТАН


«Ватан нима?» – деган саволнинг жавобини узоқ ўйладим. Кунлар, ойлар, йиллар ўйладим.

Яёв, автомобилда, поездда, самолётда, неки уловга чиқар бўлсам, шунда кетар чоғим, ўтгиздан ошиб қирққа етаётган умр йўлларимда Ватаннинг таърифига тугал сўз тополмай ўйларга толдим.

Тонг саҳар турар чоғим, нонуштада, ишга келарда, тушлик қиларда, ишдан қайтарда, кечки овқат, ойнайи жаҳон қаршисида ўтириб ҳам, ётар чоғим, кўздан уйқу қочганда, тунлар узун бўлганда, хаёл сурарда, тонг отарда, қуёш ботарда ўйладим Ватан нелигин... хуллас, кўп ва хўп ўйладим...

Ватанни нелигин «Авесто»дан изладим, Спитамен суратига термулиб, чуқур ўй сурдим, Қултегин ва Билгахоқон битигига кўз югуртирдим, Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг»идан, Вухорийнинг «Ал-Жомеъ-ас саҳиҳ»и-ю Термизийнинг «Суннан Термизий»идан. Фаробийнинг «Фозил одамлар шаҳри»дан, Верунийнинг глобуси-ю «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлари»дан, Ибн Синонинг «Тиб қонунлари»дан, Марфилонийнинг «Ал-Ҳидояси»дан, Хоразмийнинг «Ал-жабр вал-муқобала»си ҳамда «Китоб сурат ул-арз»идан, Фарғонийнинг «Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум»идан изладим.

От чоптириб борар шерюрак баҳодир Мангубердидан сўрадим, сафдоши Темурмалик ҳам чуқур ўйга толди, кекса Кубро эса отга қамчи солди, «Ё Ватан, ё шарофатли ўлим», – деб қолди.



Ватанни ҳамон таърифлолмай, Амир Темурнинг мозий салтанатига термулдим, «Темур тузуклари»ни варақладим, Улуғбекнинг «юлдузлари»дан, Навоийнинг ғазалидан, «Хамса»си, бари-бари асаридан, Бобурнинг кўз ёшидан томган рубоийлари, «Бобурнома»сидан, Авлониининг «Алифбосидан», Фитратдан, Беҳбудийдан, Чўлпоннинг «Кеча ва кундузи» ва «халқидан», Қодирийнинг «Ўтган кунлар»идан, Усмон Носирнинг хотиротидан, Ислом бобомнинг «Келажаги буюк Ўзбекистон»идан, Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим»идан, Абдулла Ориповнинг «Ўзбекистон»идан изладим.


Улар Ватанга берган таърифлар турли-туман, чек-чегараси йўқ, ўхшаши ҳам қиёси ҳам йўқ, лекин уларнинг барчаси ҳақдирлар. Зеро, ҳар бир инсоннинг қалбида ўз дунёси, Ватани бор.

Яна айтишдики, Ватан – ҳеч кимга берилмас маъводир, душманнинг оёғи қирқиладиган табарук тупроқ.

Ватан Она экан, шундай бағри кенг, қадамларингни кўксига қўйсанг, суяб яшаркан сени. Яхши-ю ёмон боласин тишида тишлаб ўтар экан Ватан. Субҳидамда, тол тушда, уззукун, узун тун тараладиган Она алласи экан Ватан!

Ватан – ота юрт, аждодларинг кўмилган қабристон, мунғайган пастаккина томли уй экан... Ота-онанг излари қолган кўчалар, биринчи бор қорни кўрган, ўйноқи қорга ҳайратланиб термулган жойинг экан Ватан. Ватан – биринчи бор баҳорни таниган, илк бор варрак учирган, биринчи марта ҳайитлик олган еринг, биринчи муаллимингни, биринчи муҳаббатингни таниган макон экан – Ватан.

Дейдиларки, Ватан – ордир, номусдир, қомусдир, шарафдир-шондир. Ватан – опа-сингил, ака-ука, қариндош-уруғим... Ватан жигаргўшаларим юрти, отамни, мени ва фарзандимни тебрат-



ган бешик, ана шу табаррук бешик излари чизилган замин, ана шу муқаддас бешикнинг ғичирлаган куйи экан – Ватан! Акам билан пойга ўйнаб кирар эшик экан – Ватан. Ҳа, чиндан ҳам ўхшаши йўқ экан Ватаннинг, илоҳий тушунча экан Ватан, Ватан – саждагоҳ экан, онам каби қиблагоҳ, отам каби тоғ экан – Ватан.

Мурғак синглимни асраган каби муҳофаза қилинадиган, акамдан ғурурланган сингари ғурурланадиган, укамдан фахрлангандек фахрланадиган, она ва опамнинг ибосидай пок хилқат экан – Ватан!

Фақат одамларигина эмас, бир сиқим тупроғининг иси ҳам азиз экан Ватаннинг.

Ватан – шарқироқ жилғаларга бой водий, теп-текис қумликлардан иборат чўлу биёбон – бетакрор манзаралар, сўлим боғлар, анҳору сойлар, тўрт фаслининг беқиёс об-ҳавоси билан мўътадил, серқуёш макон экан. Ватан – шириндан-шакар мевалари, шифобахш ўсимликлари-ю, зилол булоқлари бисёр Тангрининг инояти экан.


— Аллалхусус, Ватан шундай илоҳий нозанин эканки, ижодкор ҳам, санъаткор ҳам унинг севгисига мушараф бўлишни ўзига саодат деб биларкан.

Берилган жамики таърифлар хаёлим қатларида бир-бир гавдаланди, садо бериб изма-из ўта бошлади. Бир неча йиллар давомида тафаккуримда чархланган жўнгина ўз таърифим ҳам Ватан борасидаги тавсифларга қўшилиб, чархпалак мисоли онгу шууримда айлана кетди.

Ҳар бир таърифнинг ўзи бир олам, маъноси бир олам, кишилар қалбидаги Ватанлар жам бўлган олам эди.

Ватанга тенг келадиган тушунча недир? – деб ўзимга қўйган саволимга ниҳоят жавоб топгандай бўлдим!

Пешонам тиришиб, кўзларим қисилди, жиддийлашдим. Айтдимки, ҳар ҳолда Ватан нелигини



англадим-ку, таърифлай билдим-ку, бундан жуда қувондим, кўзларим катталашди, пешонамдаги чизиқлар ортга чекинди. Қўлларим керишиб олди, кўлларимга, билакларимга қувват инди, қаддим алифдек тик бўлди, оёқларимга ҳам ғайрат қўшилгандек туйилди. Хона бўйлаб, гурурланиб қадам боса кетдим.


Бироқ, кўксимни, кўкайимни увиштирган қайсар кўнглим, бағрига Ватан жо бўлган кўнглим, Ватанга берилган барча таърифларни ҳали тугал эмас, деб қолди. Тугал жавобни топа олмадинг, – деб туриб олди...

Ногаҳон «Агар сўз қалбдан чиқса – қалбга бориб жойлашади. Борди-ю у фақат тилдан чиқса – қулоқдан нарига ўтмайди!» – деган ҳикмат ёдимга тушди. Тағин Басрийнинг «Мўминнинг тили қалбининг ортида бўлади. Агар бирор нарсани гапиришни хоҳласа, уни қалби билан тадаббур қилади, сўнг тилига чиқаради», – деган ривоятини эсладим.

Шуларни ўйлаб, кўнглимдан қаттиқ ранжидим. Ўзимни тили қалбининг ортида бўлган инсонлар тоифасиданман, деб санар эдим, ҳар он кўнглим ва тилим бир гапни дер эди. Лекин, Ватан таърифидан кўнглим тўлмади. Тилим кўнгилдаги тафсирга рози бўлмади. Ночор қолдим, нима қиларимни билмай, ахийри ўзимга айтдим: бутун ўз кўнглим билан тортишмоқдан ўзга чорам йўқ...

Умрим давомида Ватанни англаш учун кўрган-билганларим, эшитган-ўқиганларим, йиққан маълумотлар, далиллар, улар асосида ёзилган ҳамда уни англаб етиш ва таърифлаш учун сарфлаган меҳнатларим камми дедим? Ватанни англаш, бу тушунчага изоҳ бериш учун умрим ҳам камлик қилар дедим?!

Тап тортмай: «Албатта камлик қилади», – деди кўнглим.



Ундан баттар ранжидим, жаҳлим чиқди, овозим қалтиради, қошим учиб-учиб қўйди. Кўз остимда титроқ чизиқлар тез-тез югура бошлади...

Мен ўзимни, ўз юрти тарихни яхши ўзлаштирган, ўзлигини англаган ва айниқса, Ватанини тўла англаган, севадиган ҳамда севганини жуда яхши биладиган, юртининг ҳар бир қарич ерини беш қўлдай биладиган, тугал биладиган инсон дея баҳолаб юрувдим...

Бироқ, кўнглимнинг эътирози бошимни ҳам қилди, мени уялтириб қўйди. Юзим алвонланди, қизариб кетдим, кўнглим буни сезди. Ўзим ҳам сездим кейин кўнглимни жеркиб бериб, унинг ўзини саволга тутдим.

– Эй, кўнглим, қани айтгин, менинг тилим сенинг ортингда эмасми? Сен билан эмасми? Сен билан тилим ҳаммаслак эмасми?! Унда ўзинг айт, Ватан сенинг наздингда недир?

Ниҳоят, кўнглим менга тавозеъ билан юзланиб:

– Ватан ҳеч бир таърифга, ҳеч бир ташбеҳга сифмайди, уни изоҳлаб берадиган тушунча йўқ – Ватан изоҳ доирасида эмас! Ватан бу – менинг мулким, – деди. – Сен эса ҳақиқатан, тили менинг ортимдаги мўмин инсонсан. Лекин сенга ўхшаш, сендан-да минг карра зиёдроқ кишилар ҳам бу заминга келган ва келурлар, уларнинг сон-саноғи, адоғи бўлмагай.

Улар ҳам Ватанга, яъниким менинг мулкимга тугал таъриф топмаган ва топмаслар, бунинг учун сен асло ранжима!

Шуни билгинки, менинг мулким – Ватан илоҳийдир, англагинки, шунинг учун бандаси бу сирли маъвога тугал таъриф бера олмайди...

Мен кўнглим қаъридан отилиб чиққан бу садoga сўзсиз бош эгдим. Илло, кўнглим айни ҳақиқатни айтган эди.

АЁЛ

Ожиза деманг аёлни...

Ундан яна қарз сўраб келишди. Қарз эмас, тўғрироғи, пул сўраб келишди. Чунки, ундан қарз олганларнинг бирортаси ҳам шу пайтгача қайтармаган. Истиснолар бўлиши мумкин, биронтаси эҳтимол қайтарган чиқар, лекин шунда ҳам у ҳеч бўлмаганда олган пулларининг чорак қисмини қайтармаган.

Ҳа, Сумбула опа шундай аёл. Ҳар гал эшик қўнғироғи жирингласа: «Ким келди экан, ким бўлса ҳам пул сўраб келмаган бўлсин-да», – дея юраги жизиллайди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Эшикнинг тирқишидан қаради, танимади.

– Ким у? – сўради, кейин ўзидан-ўзи хавотир билан.

– Мен, мен, бизлар ҳалиги... ҳамқишлоқларингмиз, Сумбулажон.

– Ким, ким?


– Биз, биз, қишлоқдан келдик.

Сумбула опа эшикни очса, қорачадан келган эликлардан ошган аёл, ёнида йигирма-йигирма беш ёшлардаги қизи билан турибди (Қизи деб ўйлайди-да, чехраси ўша аёлга ўхшагандан кейин).

– Танимадингиз-а, Сумбулажон, бу мен Ойсаатман, бу қизим Шарофат. Сўраш опанг билан, Шарофат...

– Тўғриси, танимайроқ турибман. Шаҳарга келганимгаям ўттиз йилча бўлиб қолди-да.

– Ҳой ўлай, эсингизда йўқми, қишлоғимиздаги магазин ёнидаги кўчада яшардик, эй астафирил-



ло, ҳозир ҳам яшаймиз, ўша Ойсаатман, Баҳром-бойди хотини.

Меҳмон аёл шу чоғда: «Ҳа сизми, кўшни», – дейишини кутди. Сумбула опа ҳайрон бўлиб, эслай олмаётган туриверганди. Аёл яна давом этди:

– Эсладингизми, сиз учинчида ўқиётганингизда, мен ўнинчи синфда ўқирдим, мактабда, шу Ойсаатман-да.

– Ҳа, ҳа, эсладим, эсладим. Келинлар, кининлар ичкарига. Дарров таниёлмаганим учун айбга буюрмайсизлар.

– Ҳечқиси йўқ, айланай. Сиз қишлоққа бормай кетганингизга анча бўлиб эди-да. Мана, қизим Шарофатгаям айтдим: сени опанг билан таништириб келаман деб, булар ёшда, сизни танимади. Қишлоқдан чиқиб кетганингизда бола бўлган-да. – Аёл қизнинг елкасига туртиб қўйди. – Таниш Шарофат, Сумбула опанг билан.

– Қизингиз чиройли экан, Ойсаат опа, – шундай дея қизга юзланди, – Шарофат ўқийсанми, ишлайсанми, шаҳарда юрган қизларга ўхшайсан-а?

– Ҳа, анчадан бери шаҳардаман, ўқишни битириб, ишлаб юрибман...

– Ҳали турмушга чиқмадингми?

– Чиққан, чиққан опаси, болалариям бор бунимди, эри билан ижарага туриб ишлайди қайсидир корхонада.

Кейин у қизининг жуда меҳнаткашлигини, ўқимишли, уйим-жойим, ота-онам дейишлигини, бу ергаям шу қизи учун келганлигини кўшиб қўйди.

– Ҳали ёш кўринади қизингиз, Ойсаат опа, мен ўқийдими деб ўйлабман.

– Ҳамма шундай дейди денг, Сумбулажон, бизнинг ўзи палагимиз шундаймикин, зотимиз ўзи ёш кўринадиган хилиданми, дейман-да, мениям ҳеч ким олтмишга боряпти, демайди.

Меҳмон аёл тилло тишларини атай кўрсатаётгандай оғзини катта очиб кулди. Қизи бу ҳолатдан хижолат торди. Буни сезган Сумбула опа, майли сизлар бемалол ўтириб туринглар мен ҳозир чой-пой келтирай, деди-да қўшни хонага чиқди.

– Йўқ, йўқ, овора бўлманг, овора бўлманг. Биз қайтамиз ҳалиги қизимни... Сизга таништирай, деб келувдим...

– Йўғ-е, қуруқ оғиз билан кузатсам, қандай бўлар экан...

Меҳмони шунчаки қизини таништиришга келмаганлигини англаган Сумбула опа чой қўйиш ҳамда агар пул сўраб келган бўлса, нима деб жавоб қайтаришни ўйлаб олиш учун ошхонага чиқди.

– Айланай, Сумбулажон, овора бўлманг-а.

– Ҳозир, ҳозир. Ҳеч бўлмаса, бир пиёла чой қўяй.

Чойни дамлаб келган Сумбула опа, чой қайтара туриб, гап бошлади:

– Хуш келибсизлар, танимабман-а қаранг. Жуда хижолатда қолдим, – деди кулиб. – Кейин умрининг ўтишини қаранг, шаҳарга келганимга ҳам-анча мунча бўлиб қолибди-я.

– Эй, нимасини айтасиз. Биз яхши эслаймиз, сиз мактабда яхши ўқигансиз, мана, шаҳарга ўқишга келдингиз, кам бўлмадингиз. Энди шаҳар, шаҳарда вақт тез ўтсаям, барибир, шаҳар яхши-да, Сумбулажон. Бизниям денг, келганимиз асли шу. Шаҳарда сиздан бошқа ҳеч кимимиз йўқ. Шарофатжон хўжайини билан анча-мунча пул йиққан, бу квартира қурғур ҳам кун сайин қимматлаб бора-япти. Пулни топиш ҳам ўзимас эканда. Уч йилдан бери шу шаҳардан квартира оламиз, дейди. Озгина етмайди, қолиб кетади, озгина етмайди, қолиб кетади. Ахири, мана сизнинг олдингизга бошлаб келдим Шарофатимни, Сумбулажон. Агар бу йил ҳам ололмаса, қолиб кетади. Пул қурғурам турарми-



ди, қўлнинг кири-да... кетиб қолади. Шу десангиз, қарз сўраб келдик, икки ойгинага, кўпгамас, Сумбулажон. Биламан, биздан бошқа ҳам сиздан қарз сўрайдиганлар кўп, нима қилай, мен ҳам умид қилиб келдим-да. Шу қизим уйли бўлиб олса, қарзингизни-ку қайтаради. Синглингиз бўлиб, ёнингизга кириб, хизматингизни ҳам қилади, сизни бир умр опам дейди, дуо қилиб юради-да, ўргилай.

– Тўғриси айтсам, агар шундай пулим бўлса, жоним билан берардим. Ҳозир ўзимдаям йўқ, сиз айтган шу қарз олганлар ҳам олганларини қайтармаяпти. Агар бирортаси қайтарганда ҳам бериб турардим. Етмаса, бир хонали олинглар, аста-аста икки хонали қилиб оласизлар.

– Шу ўзи, олмоқчи бўлганимиз ҳам бир хонали-да, Сумбулажон, бир хонали... икки хоналига шароит қайда дейсиз?!

Ойсаат опа ярим соатча гапи-гапидан узилмай, ора-орада иссиқ чойдан, иссиқ-иссиқ хўплаганча, дардини дастурхон қилди. Аёл боши билан кўп ишлар қилганлигини, эри унчалик ҳам рўзғорга киришиб кетмаслигини, беғамроқ эканлигини ҳам қистириб ўтишни унутмади. Сумбула опа эса меҳмонининг эри Баҳром акани хаёлига келтирди. Баҳром ака бир умр яхши ишда обрўли ишлаганлигини биларди, тузуккина рўзғор қилишини ҳам эшитганди.

- Қанча етмаяпти ўзи?
- Бир минг икки юз.
- Бир хоналигами.
- Ҳа, бир хоналига.
- Ўзи қанча экан.
- Икки минг олти юз.
- Унда озгина эмас, деярли ярми етмаётган экан-да.
- Ҳа, шундай десаям бўлади, айланай.

Сумбула опа бир оз ўйланиб қолди, қатъиятлилик қила олмади, юмшаб қолди. Қишлоқдошларига кўз қири билан бир-бир қараб олди. Улар бошини қуйи солганча, ўтирардилар.

– Майли, агар қарз олганларнинг бирортаси қайтарса, бериб турарман. Лекин вақтида қайтарасизлар. Бир-икки кундан кейин хабар олинглар. Мабода, қарз олганлар шу кунлар ичида қайтаришмаса, мендан хафа бўлиш йўқ.

– Хўп, Сумбулажон, яна бир ўйлаб кўринг, шаҳарда таниш-билишингиз кўп, бир ёрдам қилинг, айтган вақтингизда қайтарамиз... жон синглим.

Ойсаат опа ўйнинг йўлагидан туша-тушгунча қуллуқ қилиб кетди.


Икки кундан кейин шом маҳали эшик жиринглаб, Шарофат кириб келди. Бир муддат ўтирган Шарофатнинг пулни олгач оғзи қулоғига етиб, қайта-қайта раҳмат айтди. Кейин қарзни вақтида қайтаришини такрорлаб чиқиб кетди. Кўчада кутиб турган хўжайинига пулни узатар экан, Шарофат Сумбула опадан кўп миннадорлигини, пулни вақтида қайтариш кераклигини тушунтирди. Хўжайини ҳам унинг гапларини маъқуллади. Шу тарзда эр-хотин ижарахонага қандай етиб келганликларини ҳам билмай қолишди. Ижарахонага кирибоқ, телефонга ёпишган Шарофат квартирасини сотувчига сим қоқди; салом-аликни-да унутди.

– Нотариус тайёрни? Айтувдим-ку, гаплашиб қўйинг, деб, вақтини эртага соат ўн бир яримга белгиланг, – деди.

Хўжайини, унинг гапини бўлиб:

– Ўн бирни ярмини нима қиласан, ўн бир деявер-да, – деди.

– Ўн бир ярим яхши-да, дадаси, бирдан тушлик қилиб нишонлаймиз уйимизни. Хўжайини хотини



«дадаси» деб манзират қилганига хурсанд бўлиб кетди. Бу сўзни эшитмаганига анча бўлганди-да.


«Яхши қизга ўхшайди. Ҳай майлига, қайтарар, савоб бўлади қишлоқдошим шаҳардан уйли бўляпти-ку», дея қувонди Сумбула опа ҳам. Қачон қайтараман деди, икки ойгина дедими, ҳа шундай, деди у ўзига-ўзи гапиргандай.

* * *

Сумбула мактабни битиргач, катта-катта мақсадларни кўнглига солди. Шаҳарга отланаркан катта сумкага яхши кўрган сигирининг сутига қилинган ширмой кўлчаларни, яна бир сумкага гўшт-у мойни, бир-икки кийим-кечагини авайлаб солди. Ота-онасидан калтагина оқ фотиҳани олди. Катта шаҳарга қараб отланаркан, поездга чипта олиш асносида, ўзига ўхшаш яна икки қиз билан танишиб қолди. Улар ҳам катта шаҳарга ўқишни мақсад қилиб, «катта» одам бўлиш орзусини дилига тутиб олган қизлар экан. Бир-бирлари билан шуларни гаплашиб, тезда яқин дугона ҳам бўлиб олишди.

Шу пайт поезд ҳам бир қаттиқ силкиниб олди, бир қаттиқ «нафас» олди. Бу – жўнаймиз, дегани эди, қизлар ўз жойларига маҳкам ўтириб олди. Поезд филдираклари айлана кетди: «тақир-туқур»... Бу бир текис аллаловчи овоз жўр бўлиб, қизлар шаҳарга ҳам етдилар. Шунда улар бир-бирлари билан яна учрашиб туришга келишишди.

Шу йили уч қизнинг иккиси талаба бўлди. Сумбула эса тайёрлов бўлимида қолди. Кўнгли ўксимади, ўқишга кейинги йил албатта киришига ишонди, умид қилди, икки қиз уни юпатди. Бу икки қиз колхоз раисларининг қизи экан-да, шу сабаб улар тайёрлов бўлими қилиб ўтирмабди, ўқишга бирдан кириб қўя қолишибди.




Кейинги йил Сумбула ҳам уларнинг сафига қўшилди. Бир орзусига етди, талаба бўлди. Дипломни қўлига олган Сумбуланинг қишлоққа қайтгиси келмади. Ана энди кейинги орзуларига эришиш мушкуллаша борди. Унинг орзуси бисёр эди-да. Шу боис у шаҳарда қолишга қарор қилди. Шаҳарда турмуш қурди, рўзғор тиклади, катта шаҳарда катта орзуларга эришишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Шунга яраша яшашга интилиш, шунга яраша меҳнат қилиш керак эди.

Сумбула ҳам шундай қилди, у кўп ишлади, тер тўкди. Оилавий шароитларини ҳар жиҳатдан бадастир қилди. Шароитларини яхшилади, яхшилаб-яхшилаб олди. Бу шароитлардан ўзигина эмас, балки ака-ука, опа-сингил, амма-хола, тоға-жиян дегандай, барча яқинлар беминнат фойдаланишадиган бўлди. Бирининг ўғли, бирининг қизи катта шаҳарда ўқийман, дейди, шу ерда ишлаб қоламан дейди.

Укалари ҳам ҳали уйланмаган, уларни уйлаш керак, сингилни узатиш бор. Сумбула ана шу ташвишлар билан яшади. Сумбуласиз оиланинг бирор иши битмай қолди. Сумбуланинг кўмаги ҳаммага беминнат бўлиб қолди. Беминнат кўмак оила аъзолари учун ҳам одатий ҳолга айланиб қолди.

Аввалига у, укаларини ўқитди, уйлади. Секин-аста уларга уй-жой ҳам қилди, майлига, мана машина ҳам ўзимизда бўлса маъқул, деб бирин-кетин ҳар бирига машина ҳам олиб берди.

Энди ўқийман деган қариндошларнинг ҳам кети узилмайдиган бўлди. Бири ўқишни битириб жойи совимай, салом билан иккинчиси келиб туради, денг. Буям майли, бора-бора икки-учта бўлиб келадиган бўлди, бу – абитуриентлар. Битиргани ҳам кетмай, шаҳарда қолишни одат қилиб олди. (Битирдингми кет, жойни бўшат, – дейди,



Ўқиётгани бўлса, ўзларига-ўзлари. Қарабсизки, шу гапни айтганлар ҳам ўқишни битириши билан ўз гапларини унутишади-қўйишади, шаҳарда кўламан дейди...) Ўқишни битириб, ўзини эплаб кетса-ку хўп-хўп, лекин аксарият ҳолларда уларнинг оёққа туриши учун Сумбула балогардон.

Буларга-да, ўзида куч топган Сумбулага энди қариндошлар ичида, шу жиянинг учун биргина уй олиб бериб тур, аста-аста пулини ҳам қилиб берармиз, дегувчилар кўпайди. Бири келди, иккинчиси келди. Ишларини битиришди. Энг «ноумид» кетдим дегани, ҳам уй-жойнинг маълум қисмига яраша пулни қарз баҳона олиб кетди.


Сумбула ҳаммасига чидади, нафақат яқин қариндошлари, жигарларини қўллаб-қувватлаш, балки ўзига мутлақо нотаниш ҳамқишлоқларини ҳам жонига ора кириш унинг касби-корига, ҳатто турмуш-тарзига айланди. Бу ишлардан у ҳеч чарчамади, толмади.

Лекин, баъзи-баъзида уйдаги абитуриенту, талабаларга ҳам, хўжайинига ҳам билдирмай, уйнинг бирор кунжида бекитиқча кўз ёш қиладиган бўлди. Кўнглини бўшатадиган бўлди. Тез-тез бўшатилаётган кўнглининг, ўзи ҳам бўш идиш каби, ҳувиллаган ҳиссиз масканга айлана борди. Унинг кўнгли бўш бўлиб қолди. Чунки унда бунга асос бор эди. Асоски, у узоқ йиллар фарзанд кутди. Худодан сўради.

Худо ҳам унга фарзанд бериш ўрнига нуқул яқинларининг фарзандларига ғамхўрлик қилишни юклагандек, гўё...

Сумбула яқинларининг бир фарзандини асраб олди. Шундан сўнг бир оз кўнгли таскин топди. Лекин шунда ҳам у яқинларига ёрдамни бардавон қилаверди.

Илло, у пешонамга битилгани шу экан, деб ўзини ишонтира олди. Яқинларига ёрдам кўрсатишни бир




умр гарданига олди. Шу сабабдан-да, ўзини ишга кўпроқ урди. «Иш, иш ва яна иш унинг бош шиори-га айланиб улгурди. Сумбула ўзини иш билан овута-диган, иш билан чалғитадиган бўлиб қолди.

Яратган унга ишлагани сайин, топганини қариндошларининг эҳтиёжига сарф қилгани сайин, давлатини зиёда қилиб бераверди. У чин маънода давлатманд бўлди...

Сумбула опа қўлаб-қувватлаган қариндошлар-нинг икки-учтаси оқибатли чиқди. Ҳеч бўлмаган-да, улар оғзаки бўлса-да меҳр кўрсатишга ури-нишар, аҳён-аҳён келиб опанинг ҳолидан хабар оладиган, «бизнинг ютуғимиз ҳаммаси сиз туфай-ли опа, сиз бўлмасангиз шуларга эришармидик», дейдиган бўлишди. «Дам олинг энди, кўп ишла-дингиз, мана энди биз бормиз... санаторийлар-га боринг, саёҳатга чиқинг, ҳажга боринг, ҳали кўрасиз, сизга уни қиламиз, буни қиламиз, қила-миз қотирамиз»лашиб қолишди.

Сумбула опа бундай пайтларда мийиғида кулиб кўярди-да, шундай дерди:

– Мен ишламасам бўлмайди, зерикиб қоламан, касал бўлиб қоламан. Санаторийларингаям улгурарман ҳали. Қиладиган ишларим кўп, мана, ҳаде-май, сизлар ҳам болаларингизнинг ташвишига ту-шиб қоласизлар. Менга ўзларингизни эплаб-сеплаб юрсаларингиз шунинг ўзи катта санаторий. Мени санаторийга, ҳажга юбордиган маблағларингга, ана Йўлдошнинг ўғли контрактда ўқияпти, шунга қарашинглар, Насибанинг қизи тўй бўляпти, ёр-дам сўраб келган... ёрдам қилинглар. Турсунпўлат аканинг бу йил ҳажга навбати келар экан, у ки-шига қарашинглар, кунора менга телефон қилади, беш ой қолди, тўрт ой қолди атаганингни бер, деб...



Менга ёрдам беришни истасангиз ана шу инсонларга кўмак қўлини чўзинглар...

Ҳол-аҳвол сўраб, санаторий-ю сайёҳатга юборувчилар бу гаплардан, бир оз хижолат тортдилар, юзлари қизаргандек бўлди, бошларини ҳам қилишди. Бир оз сукутдан кейин ўзларини тиклаб яна гапга тушдилар:


– Опажон, умр бўйи бировлар учун ишлайсиз, ўзингиз учун ҳам яшанг-да энди. Бизга уларнинг қизиғи йўқ. Биз фақат – сизни биламиз...

– Мени билганларинг учун айтаяпман-да, бу гапларни. Уларга ёрдам қилсаларингиз менга ёрдам қилган бўласизлар. Агар мен ҳам фақат ўзим учун ишлаганимда, сизларга ким ёрдамлашарди? Улар ҳам худди сиздек умидвор, уларга ҳам кимдир қарашиши керак.

– Ўзларининг шароитлари яхши, қўйинг, уларни ўйламанг... биз фақат сиз учун ҳамма нарсага тайёрмиз. Улар бизга бирор марта ҳам ёрдам беришмаган, ахир.

Опалари олдидаги бир умр қарздориклари, уларга қанча қилсалар ҳам кам эканлиги ҳақидаги узоқ суҳбатдан сўнг «оқибатли» қариндошлар уйларига қайтишди. Хайрлашув пайти тез-тез келиб туришларини ҳам айтишди, албатта.

Меҳмонларни кузатган Сумбула опа, беихтиёр узун ўйга толди. Алланечук маҳзун хаёллар уни чулғаб олди. Хаёллари уни яқин ва узоқ ўтмишга етаклади, бугунги меҳмонларнинг, абитуриентликлари-ю талабалик йиллари, ишга жойлашишлари, уй-жой қилишлари ҳамда ўзининг уларни деб елиб-югурганликлари бир-бир кўз ўнгидан ўтди. Шунисига ҳам шукр, деди, оғир хўрсиниб ҳаётдан бир қадар мамнун бўлди. Телевизорни у каналдан, бу каналга олди. Тайинли гап йўқ... Кўнгли қадрдон мусиқани тусаб қолди. Замонавий му-



сиқавий марказ мурватини босди, хонага мумтоз наво оқиб кира бошлади. Диванга чўзилди.

Чарчоқлари чиқибми-чиқмай, уйғотувчи соат ҳам ўз куйини бошлади. Яна янги тонг отди, яна иш, яна янги ташвишлар бошланди...

* * *

Сумбула опа асраб олган фарзандига астойдил, чин оналарча меҳр қўйди. Бола ҳам меҳрли бўлди. Меҳрибон бўлди. Шуларни ўйларкан, Сумбула опанинг кўзига беихтиёр ёш қалқийди.


Кунларнинг бирида автоҳалокатга учраганида, у бир муддат ётиб қолганди. Ўшанда ўзидан баҳра олган барча яқинлари қочиб қолган кезлари, жигарбанди унга кўп меҳр кўрсатди. Ўз ўғлидек қаради. Шунданми, Сумбула опа тутинган фарзандига чексиз меҳр кўрсатди.

Фарзанд ҳам рисоладагидек ўсди. Ўқиди. Оила қурди. Бола-чақа кўрди. Яхши касбнинг эгаси бўлди. Катта касбнинг соҳибига айланиб, мансаб пиллапояларини бирин-кетин забт эта борди. Катта-катта давраларда юрадиган бўлди.

Сумбула опа ўғлини мақтайдиган, тез-тез мақтайдиган бўлди. Телевизор каналларини тез-тез айлантирадиган бўлди. Ўғлини телевизорда кўпроқ кўрадиган бўлди. Катта-катта давраларда вақт ўтказаётган ўғли энди тобора камнамо бўлиб қолганди-да, кўнғироқлари ҳам камайиб борар, онаизорнинг соғинчидан беҳабардек эди.

Буни яхшиликка йўйиб, Сумбула опа атрофдагиларга: «Ўғлимни вақти йўқ, уни кўп безовта қилманглар, ишини қилаверсин. Керак бўлса ўзи келади, шунда гаплашасизлар, дейдиган бўлди. Ўғлининг барча ютуқларидан қувониб юрди, фахрланиб юрди, унга шу кифоя эди, гўё...

Гоҳ-гоҳида атрофни яна яқин-узоқ қариндошлардан иборат, абитуриенту талаба қуршаб қолса,



ўғлининг ўрни билиниб-билиниб қоларди. Шунда у байрам ва туғилган кунларни интизорлик билан кутарди. Ойлар, йиллар шу зайл ўтадиган бўла борди.

Йиллар ўтар, ўтаётган бу йиллар ўзи билан онаизор жисми-жонидаги куч ғайратни ҳам ҳамроҳ этиб олиб кетаётгандек эди.

Сумбула опанинг ҳам энди шашти пастлаб борар, кўнгилдаги ёлғизлик бу ёшдаги аксарият кишилар каби унга ҳам таъсир этмай қолмаётганди. Энди унинг ўзи ҳам тез-тез оғриб қолар, дардини ҳеч кимга айтмас, касалликни иш, қолаверса, майда ташвишларни ҳал этиш билан енгаверарди.

Баъзида ишдан қайтгач, ўғли ва невараларини кўргиси келиб неча бор шайланар, лекин «яқинда байрам, яқинда туғилган кун-ку, ўзлари кеп қолар, дея бу фикридан қайтарди. Эртага яна барвақт ишга чиқиши керак, ишлаши ва ишлаш шарт...


Ниҳоят кутилган дийдор пайти келди, бугун унинг туғилган куни. «Бошқалар келмаса ҳам ўғлим, албатта, келади», дея ўйларди у. Дастурхон тузаб қўйди. Бир соатга қараб қўйди, бир қозонга қараб қўйди.

Мана, эшик кўнғироғи босилди. Унинг ўғли келди. Невараларининг қий-чуви уйни тўлдирди. Сумбула опанинг кўнгли осмон бўлди. Шу куни у келинини ҳам кўмаклашгани қўймади. Ўзи хизмат қилди. Туғилган кун ўзиники бўлса-да, ушбу кунда ҳам ўғлини кўп мақтади. Телевизорда бот-бот кўраётганлигини, радиодан овозини эшитаётганлигини, кўшнилар ҳам шу ҳақда гапираётганлигини тўлиб-тошиб гапирди. Туғилган кун ўғлиники эди гўё...

Келин неварасини ўйнатаётганда, секингина ўғлидан сўради:

– Тинчликми, нега кайфиятинг йўқдек.

– Тинчлик, тинчлик, ҳаммаси жойида. Ўзингиз яхшимисиз, мен ҳам кўп келаолмаяпман...



– Сен энди ўзингга яраша раҳбарсан, масъулиятининг бор, ишинг кўп ишингни қилавер. Бизлар керак бўлса, ўзимиз бораверамиз. Асосийси, ишинг яхши, ўзинг тинч бўлсанг бўлгани, болам.

Сумбула опа ўша кун илтижонинг кайфиятида нимадир ўзгариш сездими, йўқми буниси қоронғу, лекин бир фалокат юз беришини оналик қалби сезган экан. Кўп ўтмай шу фалокат содир бўлди.

Сумбула опанинг бормаган жойи қолмади. Бошини не-не эшикларга урди. Ҳатто ночорликдан фолбинларнинг ҳам эшигини қоқиб кўрди, бечора...

То фалокат аримагунча уйқусини топмади, бедор бўлди, шўрлик. Игна устида юргандек беҳаловат, азобда юрди. Ўз дардини тамоман унутди, касаллигини-да унутди. Туну кун Худога илтижо қилди, Яратганга ёлборди. Нажоткорим ўзингсан, деди, битта ўтинчим шу, деди, қайта-қайта айтди, кеча-кундуз айтди, кундуз-кеча такрорлади илтижоларини.

Сумбула опанинг илтижоси Яратганга етди. Ўғлининг бошидан фалокат ариди. Сумбула опа кўзларига ёш олди, кўз ёшларини артди. Бу қувонч кўз ёшлари эди. Кўнглини ажиб бир туйғулар чулғаб олди, у ўз ҳаётидан мамнун бўлди. Ҳаёт кўзига яна аввалгидек яхши кўриниб кетди, янги ҳаваслар уйғотди. Ҳаётдан у рози бўлди.

Ушбу ҳаёт йўлида, англагани шу бўлди ва ўзига-ўзи шундай деди: «Қилган яхшиликларинг қолиб кетмас экан, Яратганнинг ўзи ҳар бир эзгуликнинг ажрини, баҳосини бериши муқаррар...»

БҮЙНОҚ

*Уни ўлдиришиди. Бўйноқни ўлдиришиди,
болаликдаги дўстимни ўлдиришиди.
Болалигимни ўлдиришиди. Шу-шу
болаликда бошқа дўст орттиролмадим.
Жуда эрта улгайиб қолдим.
Балогатга етгандан сўнг дўст топим...*

Жазирама саратон маҳали эди, ёз чилласининг қоқ ўртаси, ялангоёқ юрсанг оёқ куядиган пайт. Биласиз, қишлоқда бу пайтларда оёқ яланг юришади. Пешин маҳали, оиламиз жамулжам уйимизнинг орқа томонидаги ёнғоқ соясида, супада тушлик қилиб ўтирган эдик. Супа шундоққина ҳовлимиздан оқиб ўтадиган ариқ устига ўрнатилган.

Ариқнинг супа қисми бетон қилинган, қолган қисми эса очиқ. Тўрхалтага солинган катта тарвуз яхлаб туриши учун ариққа ташлаб қўйилган. Тўрхалтанинг тутқичи катта тош остига бостириб қўйилган.


– Супага чиқсанг, бир йўла, тарвузни ҳам олиб, чиқ ўғлим, – дедилар онам.

Почамни шимариб, ариққа тушдим. Бир маҳал ариқдаги сув тўлқинланди, мавжланиб кетди, тарвуз қалқий бошлади.

– Синглим, сув кўпайди, – деди.

– Мен эса, қўшнимиз пиёз пайкалига боғлаган сувни очиб юборди, – дедим.


– Онамлар эса, тарвузни олиб кел, оқиб кетмасин, яхлагандир ахир, – деди.



Ариқ кўшнининг девори остидан ўтиб келади. Деворнинг нариги томонида сувнинг шалоп-шалоплагани эшитилди, «шалоп-шалоп» товуш баландлашди, тезлашди, яқинлашди, деворнинг бу томонига кўчди. Қарасам Бўйноқ ариқ ичидан ўқдек учиб келарди – у бирпасда, супанинг тагидан ўтди, тарвузнинг устидан ўтди, кейин эса кўшнининг девори тагидан ҳам ўтиб кетди... Орадан 2-3 дақиқача ўтди, ортига қайтди, сув ҳам ортга қараб тўлқинланди. Тарвузни олмоқчи эдим, Бўйноқ мени туртиб ўтиб кетди, учиб ўтиб кетди... ариққа йиқилдим, усти-бошим жиққа шалаббо бўлди. Ҳовлида юрган, ўтирган, турган борки кулди, роса кулди, танамдаги қон бошим томонга югургандек туйилди. Юзим қизариб, ўзим уялиб кетдим. Бўйноқ яна ортга қайтди... унинг олдини тўсдим, бироқ у яна мени йиқитиб ўтиб кетди. Кулгу бўлди, яна мазах бўлди... Азиз китобхон, менинг ҳолатимни англагандирсиз. Кулгидан ёки мазахдан бунчалик қизармадим. Бўйноқнинг гапимга кирмаганидан, менинг олдимга югуриб келмаганидан, айтганимни қилмаганидан, илк марта шундай бўлганидан қизардим. Чунки, Бўйноқ ҳамиша, ҳар қандай шароитда ҳам ҳаммадан кўра менга кўпроқ қулоқ соларди-да.

* * *

Бўйноқ менинг итим эди, уни мен кўзи энди очилганида, уйга олиб келгандим. Биласиз, кучукваччанинг кўзи у туғилгандан кейин бир ҳафта ўтгач очилади. Демак, уни уйга туғилганининг саккиз-тўққизинчи кунлари олиб келганман. Ўшанда бобомни зотдор кучуги болалаганди. Бу воқеа бундан уч-тўрт йил олдин, аниқроғи, уч ярим йил илгари қиш ойлари содир бўлганди... Қор-қировли кунлар. Ўшанда олтига кучуквачча



ичидан айнан шунисини танлагандим: ўзи ранги қора-ю бўйни ва пешонаси оқини.

Тоғам, бошқасини танла, буниси ўзимизда қолади, ҳали боқа оласанми йўқми, дея бир оз тайсаллаб турганди.

– Мен шунисини оламан, – деб қатъий туриб олдим. – Бобомга ҳам айтдим, шунисини оламан. Ўтган куни уларнинг олдида шуни танлаб кетувдим...

Бобом айвонда гапимизни эшитиб турган эканми ёнимизга келдилар:

– Олиб кетавер, – дедилар. – Анчадан бери айтиб юрибсан...

Шундан сўнг тоғам ҳам кўп қайсарлик қилмади.


Ўзининг ранги қоп-қора-ю бўйни ва пешонаси оқлиги учун кучукчамга Бўйноқ дея ном бердим. Бўйноқ деб чақирадиган бўлдики уни. У ҳам буни маъқуллагандек, чақирганимизда думини ликиллаптиб қўядиган бўлди. Шундан бери унга меҳрим тушди, унга ўрганиб қолдим. У ҳам менга ўрганиб қолди...

Боғчага бораримда, кейинчалик мактабга ҳам мени кузатиб қўяр эди, бу содиқ дўстим... Мактаб дарвозасига бориб етганимизда синфдошларимга итимни кўрсатиб, мақтанадиган бўлдим.

Билардимки, Бўйноқнинг кўпчиликка ҳуши йўқ эди. Шунинг учун ҳам мактаб дарвозасига етиб келганимизда жойида таппа тўхтаб ўтириб оларди. Думини бежо ликиллаштига тушарди, тилини осилтириб оларди, бошини сарак-сарак қилиб турарди. Шу заҳоти: «Бўйноқ, бор энди уйга жўна!» дердим атайлаб. Бўйноқ ҳам гапимга кириб, секин қўзғаларди, ортга қайтарди...

Синфдошларим буни кўриб:

– Қандай қилиб ўргатиб олгансан Бўйноқни? – дея қизиқишарди.



– Эй, Бўйноқни мен ҳеч нарсага ўргатганим йўқ, унинг зоти ўзи шунақа ақлли, – дердим.

– Ол-а, ҳечам бўлиши мумкин эмас, ўргатмасанг орқангдан келмайди шу ергача. Бирор нарса бериб келиб ўргатиб олган бўлсанг керак-да. Сумкангни кўрсат-чи...

Мен уларга жавобан сумкамни очиб кўрсатардим. Аслида-ку уларнинг гапида ҳам бир оз жон бор эди. Уни бирор нарса бериб ўргатмаган бўлсам-да, Бўйноқни жуда яхши боқардим, рисоладагидек овқат билан таъминлардим, шаҳарликлар итига қандай иззат кўрсатса, мен ҳам улардан кам қилмасдим иззатини... Шундан бўлса керак, Бўйноқ ортимдан қолмасди.

Мактабдан уйга боришим билан дарвозанинг олдида мени Бўйноқ кутиб оларди. Мен унга атайлаб: «Ҳой, Бўйноқ ҳалиям кутиб ўтирибсанми, ёнғоқнинг тагига ўтиб, сояда мазза қилиб ётмайсанми», дердим. Бўйноқ – бу гапларимни эшитиб, думини ликиллатиб келиб, оёғимга суйкаларди.


– Эй, бор жойингга, бор, эркаланма, – деб қўярдим, хурсандлигимдан ўзимни қўярга жой тополмай.

Уйларига бизнинг кўчадан қайтгувчи синфдошларим, Бўйноқ ҳақида, итинг ҳар куни мактабга сени кузатиб бориб, кейин дарвозаларинг тагида қайтишингни кутиб ўтиради-а, дея ҳайрон эдилар.

– Ҳа, ўзи шунақа, унга бу ишни ҳеч ким ўргатмаган, – дердим.

– Бобонгнинг ити яна болаласа, бизга ҳам боласидан олиб бер, илтимос, олиб берасан-а, олиб бераман, де, – ялинарди ўртоқларим.

Мени уларни роса ялинтирардим. Кейин катта одамлардек салмоқланиб: билмадим, ўзи бу сафар нечта болалар экан. Уларни ҳам олдиндан айтиб қўйишади. Эркагини олиш қийин, чунки ҳамма эр-



кагини танлайди, урғочиси қолиб кетаверади, урғочисини олсаларинг, майли, олиб бераман, – дердим.

– Эй, урғочисини бизнинг уйдагилар ҳам қўйишмайди-да. Эркагидан олиб бер, жўра, мана ўзингга олгансан-ку.

– Менга бобомлар набираси бўлганлигим учун берганлар-да... Майли, битта урғочи, битта эркак қилиб олсаларинг, олиб беришим мумкин, – розилик берардим мен...

– Биз икаламиз ҳам қанриндошмиз-ку, ана отангдан сўра ишонмасанг, – дейди гина аралаш, Шодивой...

– Яхши-яхши сўрамасам ҳам биламан қариндошлигимизни. Бобомнинг ити болаласин, жуфт қилиб олиб бераман дедим-ку, олиб бераман... Сенга ҳам.

Қиш охирлаб қолди. Февраль тугаш арафасида. Бу орада синфдошларим тинч қўйишмади, мени ҳам роса эговлашди. Бобонгнинг ити қачон болалайди? Болаладимми? Менга олиб берасанми? Ва ҳоказо, ва ҳоказо...

Бобомнинг ити қачон болалашини мен қайдан билай, ҳар йили шу вақтда болаларди. Айтдим-ку, олиб бераман, деб, – жиғибийрон бўлардим мен.

Қарийб беш-олти ой мобайнида икки синфдошим бизникига кун ора қатнади. Шу баҳонада улар менинг уйдаги анча-мунча ишларимга қарашворишди.

Охирлаб бораётган февраль кунларининг бирида ниҳоят бобомнинг ити болалади. «Сиртлон болалади», дедилар бобом, уйимизга келганда.

– Кечагина борганимда ҳали болаламаганди-ку?

– Йўқ, у болалаган, бугун – учинчи кун.

– Унда тоғам атай айтмабди-да, менга... – хафа бўлдим.

– Ҳа, тоғанг қизганган-да, сендан.

— Ҳар куни икки бор бобомникига қатнай-қатнай, синфдошларимга бир жуфтдан кучукваччаларни олиб бердим. Ўзиям шу кундан бошлаб, бўш қолдик, дегунча синфда шу мавзу асосий суҳбатимиз мазмунига айланди. Бамисоли ҳаммамиз зоология фанида ўтирибмизу, унда итлар мавзусида мунозара денг. Синфдош ошнам ҳам кўпайиб, кейинги йилга буюртмаям ошгандан-ошиб борарди.

Шунга яраша мен ҳам бўш келмасдим.

– Ўйлаб кўрамиз дердим, – катталардай жиддийлашиб, совуққон оҳангда.

* * *

Бўйноқнинг бу бетамизлигидан кўп хижолат тортдим, шалаббо устимни қуритиш учун ҳовлининг олдига, кунгайга ўтдим.

Шунда онам, «болам, кел, овқатингни еб ол», деб мени чақириб қолдилар.

– Кейинроқ ейман, – дедим эринчоқ овозда.

Бўйноқдан ёмон жаҳлим чиққанди. Агар у ҳовлининг олд томонига ўтса, калтак билан яхшилаб адабини бермоқчи эдим. Лекин Бўйноқ ёнимга келмади. Қайтанга ариқда чопишга ҳам қаноат қилмай, дарвозадан чиқиб, шундоққина йўлдан наридаги анҳорга тушиб олди. Шу куни анҳорда кечгача изғиган, анҳор кечган – Бўйноқ уйга томон дарвоза ҳатламади. Уйга кирмади. Мен ҳам уни йўқламадим...


Эртасига саҳар маҳал бир қизил жигули дарвозамиз тагида тўхтади.

– Ким экан, чиқиб қара-чи! – деди, акам.

Чиқсам, кўчанинг бошидаги қўшнимиз экан.

– Акангни чақир, – деди, у муҳим гапи бордек, жиддий.

– Қўшнимиз Саттор ака сизни чақиряпти.



– Нима иши бор экан эрталабдан, – акам тўнғиллаганча дарвозадан чиқди. Сал ўтмай, уйга қайтиб кирди. Оғилнинг ёнидаги бостирмадан арава-ни олдида, физиллатиб кўчага чиқиб кетди.

Мен бунга ҳангу манг бўлиб қолдим. Бироқ, шу тарзда хаёлимга: «Магазинда нимадир тарқатишаётгандир-да, дедим-да, эрталабки чойга ўтирдим. Ярим соатлар ўтгандан кейин, акам аравани гириллатганча дарвозадан кирди ва шоша-пиша, дарвозани беркитди. Нима олиб келди экан, – деб унинг олдида чопиб бордим... қарасам... аравада Бўйноқ ётарди. Аниқроғи Бўйноқ эмас... унинг жасади...

Кеча ариқдан чиқмай ўзини у ёқдан бу ёққа ургани бежиз эмас экан-да. Мен бўлсам, уни кун иссиқлигига шундай қияпти, деб ўйлабман. Уни кимдир заҳарлабди. Кимдир унга дори берибди, – деди акам маъюсланиб.


Мен нима қиларимни билмай қолдим. – Ким? – дея олдим холос.

– Билмайман.

Кеча Бўйноқдан ранжигандим. Қаттиқ хафа бўлгандим ундан. Бугун айни дамда эса, аҳволим кечагидан юз карра ёмонроқ эди.

– Бўйноғинг барибир ақлли экан, ўз ҳовлимизда жон бермай, далага бориб жон берибди. Аслида итларни заҳарлашганда, яхши итлар ўз ҳовлисида ўлмайди. Улар ўлигини эгасига кўрсатмайди деб эшитганман. Бўйноқ шундай яхши ит, сенга ҳақиқий дўст экан, – деди акам тасалли бериб. – Тағин хафа бўлма. Худди шундай, Бўйноққа ўхшайдиганидан кучукча олиб келиб бераман, – дея қўшиб қўйди.

– Бўйноққа ўхшайдигани бўлмайди. Унинг ўзи битта эди. Уни ҳам ўлдиришди... Дўстимни ўлдиришди. Энди мен ҳеч қачон кучукча асраб олмайман... – Кўзимга ёш қалқиди.



– Қўй энди, йиғлама... Келган бало шунга урсин, истасанг итингни шу яқин орага томорқанинг четига, шафтолининг остига кўмамиз, – деди.

Акамнинг бу гапига қўшилмадим, жудаям ғашим келди. «Келган бало» деган гапни ноўрин қўллади. «Бўйноқ тасодиф билан ўлганида айтса, бўларди. Ё фалокат бўлиб, машина ўриб кетганда ҳам айтса бўларди, ахир уни заҳарлашди, уни ўлдиришди-ку!»

Илойим, итга заҳар берганлар, содиқ дўстга зор бўлсин!

Акам менинг овоз чиқариб айтган бу гапимга ўзича кулиб қўйди.

Ҳадиси шарифда келтирилишича: «Жаннатга кирадиган ўн нафар ҳайвоннинг бири вафодор итдир». Шундай деб ўзимга тасалли бермоқ бўлдим, бироқ айти дамда бунинг сира иложи йўқ эди.

Бўйноқни кўмдик, болаликдаги содиқ ва вафодор дўстимни кўмдик...

1996 йил

ШЕЪРЛАР

ВАТАН


Пастаккина лойшувоқ томдир,
Менинг момом айтган Ватани.
Панжа изи пахса девордир –
Менинг бобом айтган Ватани...
Менинг момом, бобом сен, Ватан!

Тол ёғочдан бешик ҳам алла –
Менинг онам айтган Ватани.
Боботоғсан, қалқонгинам, тоғ
Менинг отам айтган Ватани...
Менинг онам, отам сен, Ватан!

Суянчиғу ҳам мададкори –
Менинг акам айтган Ватани.
Меҳрибони, опамдаин ой –
Менинг опам айтган Ватани...
Менинг опам, акам сен, Ватан!

Ҳаё, ибо каби пок хилқат –
Менинг синглим айтган Ватани,
Жасур ўғлон каби бир жўмард –
Менинг укам айтган Ватани...
Менинг синглим, укам сен, Ватан!


Болалик уй – бозор гўшасан,
Аёлимнинг айтган Ватани.
Оламда не тансиқ, ўтасан –
Фарзандларим айтган Ватани...
Менинг ўзим, оилам – Ватан!



Сўлим – Сурхон, Ўзбекистоним!
Менинг халқим суйган Ватани...
Ўзбекистон, Ўзбекистонсан!
Сайроқ дилим суйган чамани,
Менинг жоним, таним сен, Ватан.


ЙИГИТ БЎЛСА

Беҳудага шон-шараф бекор,
Йигит бўлса, ори бўлсин.
Керак эмас ҳурлиқо ҳам,
Садоқатли ёри бўлсин.
Йигит бўлса бургут бўлсин,
Сор-лочиндек баланд парвоз,
Қадамига тўлсин ҳавас.
Ё пирим, деб ёқа тортса
Рақиб кўкси ерни кўрсин.
Юлдузларга камон отса,
Нишонга бехато урсин.
Йигит бўлса, дўстга содиқ,
Душманга-да мард бўлсин.
Зинҳор фирром қўл олмасин,
Шерюрак деб ном ололсин...
Йигит бўлса,
 ўз яйлови,
 ўз ўтови,
 тоғи бўлсин,
Самоларга тенглашгудек
Эл ичра ардоғи бўлсин...
Йигит бўлса,
Санамларнинг ақлин олар
Сеҳри бўлсин.
Энг аввало,
Она юрти,
Ватанига
Меҳри бўлсин...




АНГЛАБ ЕТАРМИКИН?

Нега ҳаволанар,
Ўттиз ёшида –
Қайдин билар экан
Фалак гардиши
Не синовлар битган
Ҳали бошига...
Нега ҳаволанар,
Қирқдан ошибок,
Эликнинг қошида
Ўтгаймикин кунлар.
Шундай чоғ
Нега ҳаволанар
Эликдан ўтиб,
Падарин қадди дол,
Етмишга етиб,
Она ҳам қолган-ку
Мункайиб ночор,
Айни иззат-икром
Кўрар ёшида,
Алифдек ғоз турмоқ
Айтинг не даркор?!
Сени деб букилган зотлар қошида?..
Нега ҳаволанар,
Бола қурғурлар,
Олтмишга боряпти ўзлари,
Англаб етармикан
Нега бунча дадил
Айтар сўзлари...
Ҳолбуки. Уларнинг
Кўкрагин кериб юришин сири –
асл мазмуни-ю
асл маъноси –
Отасининг розилиги,
Онасининг дуоси...



СЕВГИ ЭЛЕГИЯСИ

Мен сени шунчалар севаман,
Унинг тафтида,
чароғон бўлғуси
қора сукунат.
Зим-зиё қабрим ҳам нурларга тўлиб,
устида қип-қизил
қизғалдоқлар кулғуси...
Қизғалдоқлар, қирмиз қонимдан,
Ранг олар,
Олар мендан жон...
Ишон, ишон...
Мен сени шунчалар севаман...
Севги тафтида,
кул бўлғуси,
дўзах ҳам куйиб,
Арсат кўприги ҳам
ёнар бу тафтда,
Алалхусус,
Жаннат қолар
иккимизга ва
Қиёматга қолар ундаги дийдор...
Ишон, ишон...
Мен сени шунчалар севаман...



ҚИШ ҰЙЛАРИ


Баҳор билан мени алдама,
Гарчи суюк ёзнинг чилласи.
Ўзига хос хазонрезги ҳам,
Оппоқ қорни қўмсаганман мен.

Ёғаверсин паға-паға қор,
Ойдинликка чўлғансин олам,
Кўнгилларда барқ урсин изҳор,
Қўмсаганман оқкўнгилни ҳам.

Кўнгил, кўнгил қорга айлангин,
Эриб, майли жилға бўл зилол.
Обихаёт бўлиб шайлангин,
Ҳаёт шавқин қўмсаганман мен.

Қор биландир қишнинг файзи ҳам,
Қишда ёққан ёмғир бегона.
Қаҳратонда тансиқ қуёш ҳам,
Онамдайин мушфиқ парвона.

Олда ёмғир, рангин камалак,
Қуёш порлар, кўчар саратон.
Олтин кузак – тўкин ризқ, демак,
Ҳолбуки қиш ҳали ҳукмрон.




ҲАВАСМАНД БЎЛ

Ғаламиснинг асл касби шу –
Ҳасад билан йўғрилган кори.
Бор бисотин очса ҳамки, у
Тирноқчалик топилмас ори.
Бир балони бошламаса гар,
Тинч юролмас, кўнгли тўлмайди,
Ҳатто ҳасад қон бўлиб оқар,
То тирикдир ҳасад ўлмайди...
Ҳавасмандни хушламайди у
Шунданмикин боғи кўкармас,
Бахиллик-ла солади қутқу,
Эзгуликка қилганича қасд.
Айтишарку, илат ва ҳикмат
Орасида мудом борар жанг.
Одамийлик бўлса гар одат, –
Ҳасадгўйнинг ҳоли бўлар танг.

ДЎСТЛИК

Ёмғир ёғса, эҳтиёж бор соябонга,
Мушкулотда, мусибатда дўст керакдир.
Дўстлик ҳисси фазилатдир ҳар инсонга
Дўсти кўпни ҳар жабҳада сийлар тақдир.
Садоқат ва вафо зинҳор рўе этмас,
Минг йилларки дўстлик қадри баланд туйғу.
Дўсти йўқни одил киши одам демас,
Садоқатга ёр бўлганлар яшар мангу...




КЎНГЛИМ АРО БИР МАСКАН

Кўнглим аро
Бир маскан
Бунёд этгум
Шубҳасиз,
Унда адолат
ҳакам
Иймон қадрин
кўрасиз...
Не иш қилсам
ҳаётда
Эзгулик деб
қилгайман,
Инсонийликни
дилга
Шараф-шон
деб билгайман.
Адолату ҳалоллик,
ҳамда ор-номус, иймон,
Инсонга олий
бойлик,
бахт гарови
Бегумон...

ИШҚ

Ғамдан зимистон ясаб,
Бошимга бало этма.
Мен зулматдан қўрқаман
Ваҳшатни раво этма.
Чин бўлмаса майлига,
Севаман де, эй жонон...
Шугина бир сўзингдан
Умрим бўлсин чароғон.
Хаётбахш бу сўзингни,
Яшириб юрма дилда,
Бу сир қийнар ўзингни,
Олам ошиқ маҳфилда...
Севаман деган бир сўз
Ажални ҳам ўлдирар.
Жон таслим қилар чоғда,
Қалбга ҳаёт тўлдирар.
Аслида бу оламни
Тутиб тургай муҳаббат,
Севги билмас одамни
Йўқлик кутади албат.
Қалбида ишқи йўқлар,
Яшамайди, кун кўрар,
Шул боисдан инсонлик
Шаънидан йироқ улар.
Мен-чи севдим, сен-севдинг,
Иккимиз ҳам инсонмиз,
Одамийлик шевасин
Ишқдан топган қўш жонмиз...



КЎНГИЛ

Мен билмасман ўзим кимлигим,
Билганларим барчаси – ёлғон,
Сен ўргатма менга менлигим,
Табиатим – отамдан қолғон.

Мен билмасман ўзим кимлигим,
Ўз отамдан мерос қондирман.
Ўзингга боқ, ўзингни билгин,
Мен онамга жондай жондирман.


Мен билмасман ўзим кимлигим,
Аё кўнглим, дил очганмисан
Ўзганимас, мени англагин,
Ёхуд мендан воз кечганмисан?!

Мен билмасман ўзим кимлигим,
Кўнглим, мени эшитганмисан,
Ўзга бир ишқ сени кўйдирар
Жисми жондан ҳол сўрганмисан?!

Мен билмайман ўзим кимлигим,
Кўнглим менга билдирганмисан?
Шодланасан ўзга шодланса –
Ҳеч бир мени кулдирганмисан?!

Мен билмасман ўзим кимлигим,
Кўнглим мени суйдирганмисан,
Кўз ёшимни артгандинг қачон,
Ишқ тотига тўйдирганмисан?!

Мен билмасман ўзим кимлигим,
Ошкор айла энди сен юрак,
Барбод этсин сукут, жимлигим,
Мен ўзлигим топишим керак...




ЛАЙЛИМ АЙТГИН...

Соғинч фақат менга пайвандми
Фақат менинг кўзимда дардми,
Фақат менинг юрагим кемтик,
Дилим ғубор, дунё бегардми?

Оташ ёқар юракларимни,
Вужудимни кўйдиради ўт,
Соғинч сиқар куракларимни,
Ёлвораман, гуноҳимдан ўт.

Важоҳати ортар зулматнинг
Тугамайди изи кулфатнинг
Ҳаётимнинг файзи кетдими,
Ёруғ кунлар эриб битдими?
Кечирсанг гар не бўлади, айт,
Юрак-бағрим тавба қилган, қайт?!

Мени қийнар бир аччиқ савол,
Фақат менми Мажнуни беҳол
Жавоб топмоқ бўлди кўп маҳол
Лайлим, айтгин вафо рўёми,
Бевафолик – рамзи дунёми?
Ё, ишқимиз ёлғон маъвоми?



СЕВГИ

Севги ҳисси ҳар бир юракда
Ошён қурмас дегани ёлғон.
Ишқ аслида ҳар бир тилакда,
Орзуларда эрур намоён.

Кимнинг агар кўксида қалби,
Туйғулар-ла тугён ургайдир.
Унинг севги бўлар матлаби,
Ҳатто ёрин тушда кўргайдир.


Инсонни ҳеч ким Ватансиз,
Бехонумон тасаввур қилмас.
Булбул бўлмагандек чамансиз,
Одам қалби севгисиз бўлмас.

ЛОЛА

Лола, юзинг бунчалар қизил,
Юрагимдан ўтар шундай қон.
Сен ўзингга мени қондош бил,
Вужудимда сенинг каби жон.

Лола, қалбинг ичра кўрдим доғ,
Худди менинг армоним мисол.
Сен ҳам мендек туриб саҳар чоғ,
Ҳаётингга тилайсан иқбол...

Бобо қуёш сахий, бокарам,
Иккимизга бахт бергай ҳали.
Бир-биримиз қутлаймиз, эркам,
Дилдан шодлик тошган маҳали.



СЕВИБ КЎР


Сен ҳам мендек севиб кўр,
Ишқ заҳрини сезиб кўр.
Мендек хаста қалб бўлиб,
Ғам даштини кезиб кўр.

Сен ҳам мендек бедор кут,
Соғиниб, интизор кут.
Хаёл сургин маст бўлиб,
Афтодаҳол бемор кут.

Соғинч кўзингга ботсин,
Тонглар отсин юзингда.
Тўзим тилаб ўзингга,
Севган ёринг хумор кут.


Шунда балким сезарсан,
Муҳаббатнинг қудратин.
Ишқ зари-ла безарсан,
Ҳаёт деган неъматинг...

Инсонлигингни англаб,
Оташ севги туфайли.
Ёрингни Мажнун айлаб,
Ўзинг бўлгайсан Лайли...



МЕН БИЛГАН ҲИКМАТ

Китобни хўп ўқидим,
Қанча шеърлар тўқидим,
Ҳикмат қидириб бедор,
Илҳомга мен интизор.
Ўзимни ўтга урдим,
Аччиқ-чучукни кўрдим,
Баъзан келди дўппи тор
Топмай дилга бир мадор
Йиллар сабоғин олдим,
Ҳаёт дарсида толдим.
Билсам шудир ҳақиқат:
Асл ҳикматдир – отам,
Улуғ неъматдир – онам.



ҚАЛТИС САВОЛ

Яна бир бор ўйла, ушбу саволни,
Нечун адолатни тўсмоқ бўласан?
Ўз бошингга чорламагин заволни,
Бир кун адоватга маҳкум бўласан!

Наҳот, фаҳминг шунчалар калта,
Ўзингни ким дея идрок этасан?
Агар билсан-ки, сен – ожиз бир банда,
Нега авлиёлик даъво этасан?!

Доно халқда бор қадим ҳикмат,
«Эчки, қўй осилгай ўз оёғидан»,
Ҳолбуки, сен – одам, онгли мавжудот,
Қўрқмайсанми ахир Ҳақ сўроғидан?

Нафсга ботиб токи қулоғинггача,
Унинг йўриғига юргайсан нечун?
Булганган меҳрингнинг булоғигача,
Ҳирс-ҳавас кўрсатар жисмингга кучин!

Кошки, нафсдан тониб, одам бўлсайдинг,
Афсус, тузалмасдир нафсга қул бўлган.
Агар Яссавийни ўқиб кўрсайдинг,
У айтар: «Нафс қули – тириклай ўлгай!»

OTA - USTOZ




OTA – USTOZ

Hovli eshigidan chiqishdayoq mo'jazgina yo'l boshlangan. Garchi undan avtoulovlar serqatnov bo'lmasa-da, ahyon-ahyon bir-ikkita o'tib turadi. Yo'lning narirog'ida esa anhor. Undagi suv goh sokin, gohida esa pishqirib, gohida mavjlanib, gohida «shildir-shildir» oqadi.

O'ngga tomon biroz masofadan so'ng bu yo'l ikkiga ajrab, biri anhor ko'prigidan o'tib katta yo'lga tutashadi. Ikkinchisi esa to'g'ri maktabga yetaklab boradi. Maktabga borar bu yo'lni anhor kuzatib boradi, yetaklab boradi, yelkalab boradi. Anhordagi suv esa mavjlanib oqaveradi. Men ham shu yo'ldan maktabga qatnayman.

Suvning oxirgi yetar manzilini aniq bilmayman-ku, biroq shu oqar suv meni uydan to maktabgacha kuzatib boradi. Unga qarab shu suv mening oqib borayotgan umrimning timsolimikin, deb o'ylab qolaman. Vaqt qurg'ur qaytadimi-yo'qmi, yoki umuman vaqt o'tadimi-yo'qmi – buni aniq bilmayman. Balki u shunchaki o'lchov birligiga aylanib ulgurgan tushunchadir?! Balkim... Vaqt har holda umrni o'lchaydi – onlab, soniyalab, daqiqalab, soatlab, yillab va hokazolab... Bilmadim, faylasuflikka da'vo yim yo'g'-u, ammo umrning o'tishi naqd.

Darvoqe, yarim asrga yaqin umrim shu yo'lda o'tdi, anhor yoqalab o'tdi, anhora hamroh bo'lib o'tdi. Bu yo'l olib borguvchi maktabda qariyb qirq yil bolalarga saboq berdim, shuncha muddat maktabga rahbarlik qildim.



Shogirdlarim katta odam bo'ldi, katta-katta odamlar bo'ldi. Fan nomzodi bo'ldi, fan doktori bo'ldi, professor bo'ldilar. Ularning orasidan yurtimizning oliy vakillik organi a'zosi ham, eng yuqori sud idoralarida ishlaydigani ham, shoir va yozuvchisi, mohir pedagog-u qo'li yengil shifokori ham, katta tadbirkorlari ham chiqdi...


Men bunday xushxabarlardan ko'zimga yosh oldim. Quvondim. Ammo bu ko'z yoshimlarni hech kimga ko'rsatmadim. Ko'z yoshlarimni yashirdim. Lekin shunday paytlar kasbimdan faxrlanib yurishimni yashirolmadim. Xursandligimni, taqdir-dan minnatdorligimni yashirolmadim. Ba'zi davralarda shogirdlarim erishgan yutuqlarni qayta-qayta takrorlashni odat qildim. Yig'ilishmi, majlismi, norasmiy davrami, mavzuga aloqasi bormi-yo'qmi aytib o'tdim, ayni damda men bularni, asosan, o'quvchilarni havaslantirish, ularning ko'ngliga cho'g' solish uchun ham aytdim...

Endi, nafaqaga chiqib, bu yo'ldan juda kam qatnaydigan bo'ldim, bu yo'ldan xotiramda o'tib-qaytadigan bo'ldim. Eshigim yonidan maktabga borayotgan o'quvchilarni kuzatib turib, yaqin va olis tarixni eslaydigan, xayollarga beriladigan bo'ldim...

* * *

Hozir asosan anhordan oshib o'tuvchi va katta yo'lga tutashuvchi yo'ldan yuraman.

Bundan chamasi, yarim asrcha ilgari ham shu yo'ldan yurar edim. Anhor ustidan oshib o'tuvchi yo'ldan. Birinchi sinfga borgan kunimni yaxshi eslayman, aniq-tiniq eslayman. Men o'qigan maktab biroz uzoqda, boshqa qishloqda joylashgandi. Maktabga Bozor degan jo'ram bilan birga qatnardik. Bozor – sinfdoshim, u o'lgudek yuvosh, o'ta kamgap bola edi. Yillar o'tib, sergap va sho'xchan bo'lib




ketdi. Bizlar maktabga borishimiz uchun albatta, katta yo'lga chiqishimiz kerak bo'lardi.

Esimda, onam duxobadan tikib bergan latta sumka, qalam-ruchka va o'n ikki varaqli to'rttagina daftar. Latta sumkam charm sumkaga aylanishi, anhor ustidagi yolg'izoyoq ko'prik esa temir-beton inshoot bilan yangilanishi, Bozor sinfdoshim Bozorboyga aylanishi, qolaversa bu yo'lda qariyb, yigirmatacha oyoq kiyimim ado bo'lishi asnosida men maktabni ham bitirdim...

Yo'ning yo'nalishi o'zgardi, eni ham katta bo'lib bordi, ulug'vor-ulug'vor bo'lib ko'rinaverdi. Bu yo'l meni oliy ta'lim muassasiga tomon yetakladi, oliy ta'lim dargohni qizg'in, ya'ni qizil diplom bilan tamomladim. Diplomni besh yildan beri egnimdan tushirmay kiyganim, yo'l-yo'l kostyumimning chap cho'ntagiga soldim, qaddimni g'oz qildim. Shaxdam-shaxdam qadam oldim, diplom ko'ksimga zavq bag'ishlab o'rilaverdi. Yuragim ustidan nur taratib, shukuh bag'ishlab o'rilaverdi. Yuragimning zarbi ham tezlashdi, miyamda qon aylanishi-da tezlashdi, vujudimdagi g'ayrat ham o'n chandon jo'shdi. Shu g'ayratni hamroh qilib, anhor yetaklab borar yo'lga qaytdim, yo'l yoqalab borayotgan anhora qaytdim, anhor va yo'lga qo'shni o'sha - qadrdon hovliga qaytdim...

Onamga maslahat soldim. Onaginam diplomni anchayin o'qiganday bo'lib, tikilib turdilar-da, sandiq ustiga taxlangan ko'rpalardan biri, shoyi ko'rpaning orasiga avaylab solib qo'ydilar. So'ng-ra o'zlaricha uzoq mulohaza qildilar, balki menga shunday tuyilgandir... har holda nazarimda ancha sukutda qoldilar.

- Bolam, bilmasam... men o'qimagan odam bo'lsam, qayerda ishlashini mening o'qigan o'g'limning o'zi yaxshi biladi, deb o'ylayman. Ana, otang ham shlyapasini kiyib, savlat to'kib yuribdi...



lekin, osonmas-da xalq bilan ishlash... yanayam mening, uncha ko'p narsalarga aqlim yetavermaydi. – Onam shu gaplarni ayta turib meni mehr bilan erkalab qo'ydilar.


Onam rahmatli zuvalasi yirik, barvasta, ikki yuzi qip-qizil, nurli, kamgap, kamsuqum, shu bilan birga sermulohaza, dilidagini kamdan-kam sirtiga chiqaradigan, hamisha mehnat bilan o'zini ovutadigan, ayniqsa ko'nglidagi armon-u hasratini, dardini birovga aytmaydigan ayol edilar...

Onamning «otang ham shlyapasini kiyib, savlat to'kib yuribdi» degan gaplarini birinchi bor eshitishim edi o'shanda. Tuni bilan o'ylab chiqdim: «Onam nega bunday dedilar ekan?» Balki ro'zg'or tashvishi, katta ishning og'irligi, mas'uliyati o'sha paytdagi vaziyat ularga yaxshi ayondir. Ha, aytgancha, men haqimda fikr qilib nega otasiga maslahat solmagan ekan, deyishingiz mumkindir. Otamning yana bir oilasi bo'lib, ular har ikki oilasini birday ko'rishga harakat qilardi. Otam basavlat, kiyimlari o'ziga yarashgan, ziyoli, salobatli va istarali kishi edilar. Maslahatni onamdan olishimning sababi shundan... Onam doim yonimda edilar.

Tuni bilan o'yladim, o'yladim, ishni qishloq kengashidan boshlasammikin, kolxozdanmi, maorif bo'limidanmi, maktabdanmi, yo boshqa joydanmi – boshim qotdi.

Otam ilmli kishi edi. Kitobga mehr ham menga u kishidan o'tgan. Shuning uchun bolaligimdan ko'p kitob mutolaa qilganman.

Men o'qigan kitoblarda aytilishicha, ilm va ilm ahllarining darajasi har qaysi jamiyatda ham yuqori qo'yilgan. Ilm va hunarning barchasi ham Yaratgan tomonidan insonga berilgan hikmat bo'lib, muqaddas kitoblarda yozilishicha «U o'zi xohlagan kishilargagina hikmat beradi. Kimga hikmat berilgan bo'lsa, demak,




unga ko'p yaxshilik berilibdi. Bundan faqat oqil kishilargina eslatma olurlar». O'zidagi bilim va hunarni boshqalarga o'rgatuvchilarga, bobokalonimiz Imom Termiziy rivoyaticha, Yaratgan, uning farishtalari, samovot va yer ahli, hatto kavagidagi chumoli va dengizdagi baliqqacha insonlarga yaxshilikni o'rgatganlari uchun salavot aytib turar ekan.

Yana aytilishicha, bu dunyodagi orzular oxiratga bog'lanmasa, ular qanchalar katta bo'lmasin, foydasizligicha qolaverarkan.

Vaqt kelib, kishi o'zi xohlagan ishni boshlashiga to'g'ri keladi. Sevgan kasbini tanlarkan, vazifasi yuzasidan ishga borish uchun tongda taraddudlanib qolarkan.

Ana shunday mulohaza va mushohadalardan so'ng men o'z-o'zimga mana bunday dedim: «Mayliga, men katta odam bo'lmasam-da, qishloq bolalarini katta odam qilaman, o'z bolalarimni katta odam qilmasman, ammo ularga saboq beraman, maktabda ishlayman, maktabni katta qilaman, yangilayman, hashamatli qilaman, muhtasham maktab qilaman, hech bo'lmasa tumanda bitta qilaman. Maktabni hashamatli emas, balki maktabdagi o'quvchilarning kelajagini muhtasham, munavvar va muzayyan qilaman...»

*Bu ikki yo'ldir – anhorga hamroh,
Uyim, maktab – umr yo'limga hamroh.
Anhorda – vaqt, yo'llarda – hayot oqar,
Umrin anhor kabi shu yo'lda oqar...*



* * *

*Istiqlol sharofati bilan
paxta yakkahokimligiga barham berildi.*

Maktab bolalarining yozgi ta'tili nihoyalandi. O'qish boshlandi. Dars boshlandi. Kimlar uchun birinchi qo'ng'iroq, maktabdagi ilk saboqlarni boshlab berdi. Yuqori sinflar uchun bir necha kun davom etgan dars esa yakunlandi shekilli, navbatdagi ta'tilga chiqamiz, paxta ta'tili boshlandi, paxta terimi boshlandi, degan gaplar urchidi.

Murabbiylar uchun eng og'ir vaqt bu, maktab rahbari uchun esa bundan-da og'ir. Maktab rahbariga jismonan og'ir emasdir balki, lekin uning vijdoniga og'ir: zero xalqning bolasiga ta'lim-tarbiya berish o'rniga uch oyni cho'lida, bolalarning qadoq qo'llariga qarab o'tkazishdan ortiq azob bormi? Uch oyni murg'ak bolalarning yorilib ketgan, sho'r bosgan, sho'rlagan yuzlariga qarab o'tkazish osonmi? Kirtayib qolgan ko'zlariga qarab o'tkazish-chi? Kelajak yonmayotgan ko'zlarga boqib o'tkazish undan-da og'ir...

Zamona zayli shu edi. Yuqorining xohishi shu edi. Tushlik qilib, endi xonaga kiruvdim hamki, telefon qo'ng'irog'i jiringladi.

– Darzlarni boshlab yubordingizmi, o'rtoq direktor. – «Rayono»ning, Mudirboboning ovozi jarangladi. – Sog'liqlaringiz yaxshimi, o'rtoq director, kayfiyatlar qalay?

– Yaxshi rahmat. O'zingiz yaxshimisiz?

– Bir navi, chidasa bo'ladi. Tumandagi barcha direktorlar bilan bir-bir gaplashib chiqyapman. Xo'sh, siz ham o'quv yilini boshlab olgan bo'lsangiz, 6-sinfdan boshlab, yuqori sinf o'quvchilari bilan birga o'zingiz ham paxtaga – cho'lga jo'naysiz. Tayyorgarlik ko'rishga vaqt oz – ertaga jo'nash kerak...

– Ertaga jo'nash kerak bo'lsa, bugun tayyor bo'lishimiz kerak ekanda?!

– Ha-ha, talab shunday... ko'pga kelgan to'y! Ha, aytgancha, boshlang'ich sinflar shu qishloqdagi brigadaga yordam qilishsin, har holda ota-onalarining yonlarida-ku. Kelishdikmi, sizga ishonaman...

– Albatta, mudirbobo, birinchi yil emas-ku, o'rganib qolganmiz. Uch-to'rt oy cho'lquvarlik qilish nima degan gap.

– Yaxshi, yaxshi, hecham shu kesatishingiz qolmadi-qolmadi-da. Eson-omon borib kelinglar. Qulay fursatni topib, o'zim ham boraman, hay barakallaga, xo'pmi. Bolalarning tartib-intizomini qattiq nazorat qiling.

Har galgidek, har yilgidek, o'qituvchilar xonasida majlis chaqirdim. Kun tartibidagi masala – paxta terimiga borishni tashkil etish!


– Tushunarlimi? Eshitgandirsiz hammangiz?

– Ha, tushunarli, – bir ovozdan bosh irg'ashdi, muallimlar ham.

Aslida ularga ortiqcha tushuntirish ham shart emas, barchaga ayon bu masala. Shunday qilib, yuqori sinf o'quvchilarining bari to'liq va erkak o'qituvchilar paxtaga borishadigan bo'lishdi. Darvoqe, o'sha paytlarda maktabda erkak o'qituvchilar ko'pchilikni tashkil etar edi. Ayol o'qituvchilarni esa qishloqdagi brigada dalalariga safarbar qildik.

Lekin bolalarning ota-onalari har galgidek, shunchaki rozi bo'laverishmadi. Unisi – u dedi, bunisi – bu dedi. Paxtaga bormaslikni sabab va asoslari mo'l edi.

– Gap-so'zga o'rin yo'q, barcha borishi shart. Muhokama tamom. Bu masalada xonamga kirmanglar, kirib ovora bo'lmanglar, yaxshisi uyingizga borib tayyorgarliklaringizni ko'ringlar...




– deyman kim bo'lsa ham... – Ha yana bir gap, bu gapni har yili aytaman: og'iz bitta – kam gapirish uchun, quloq ikkita – ko'proq eshitish uchun, tushunarlimi?

Shuncha gapdan keyin ham o'ngayaqin o'qituvchi, kotibani ko'zini shamg'alat qilib, xonaga kirib kelishdi. Yana boshlandi «diydiyo»lar. Ularni men tushunaman-u, lekin meni yuqorida hech bir rahbar tushunishmaydi-da. Men ham tushunmaslikka majburman. Bittasi paxtadan qolsa, yana to'rttasi boshlaydi: «nega u qoladi, mening axir sharoitim chatoq-ku, sog'ligim yaxshimas» va hokazo.

– Nega buncha g'ala-g'ovur qilaszlar, sizlarga ming marta aytganman, bekam-u ko'st sharoitga ega o'qituvchining o'zi bo'lmaydi. Sog'lik masalasiga kelsak ham xuddi shunday, hozir chiqib poliklinikaga borsak, hammamizdan biror bir kasallik chiqishi aniq. Shuning uchun turli bahonalarni vaj qilib, mening ham, o'z'laringizni ham vaqtlaringizni olmanglar – foydasi yo'q. Axir, ko'rib-bilib turibsizlar, hali suyagi qotmagan, o'spirin o'quvchilar borayaptiku, shularcha bo'lolmaysizlarmi? Ularga kim qaraydi, kim nazorat qiladi? Birovning bolalari, ota-onasiga kim javob beradi? Ertaga biror kor-hol bo'lsa, jismoniy tarbiya o'qituvchisi bormasa, mehnat o'qituvchisi bormasa... Ashula o'qituvchisi, senga nima jin urdi, sen albatta borishing kerak... Yo'q, paxtaga hamma boradi. Paxta biz uchun front. Men ham borayapman rahbar bo'lsam ham, «zavuch»ni yuborsam ham bo'lardi. Paxtadan qolish mumkin emas. Majburmiz, boramiz, bo'yin tovlashga, paxtaga bormaslikka hech kimga ruxsat yo'q. Bu siyosiy masala... – Kaftlarimni stolga uraman. G'ala-g'ovur tinadi.

Siyosiy masala deyilsa, men kabi o'qituvchilar ham sergak tortib, cho'chib qoladi... Xonaga jimlik cho'kdi, sokinlik cho'kdi. Biroz o'tib, o'zimni bosib,




sekin, ohista va vazmin ovoz bilan sukutni o'zim buzdim.

– Mayli, sizlarga navbat-navbat bilan uyga kelib-ketishlaringiz uchun tez-tez javob berib turaman, bir-biringizning yo'qligingizni bildirmay turasizlar, o'ringizni bildirmasangiz bas. Aslida ham har yili shu ahvol: muallimlarga uylariga kelib-ketishlariga ruxsat berardim. Mavsum oxirida esa birin-ketin birvarakay «quyon» bo'lishadi... Bu holatlarga ham e'tibor qaratmaslikka harakat qilaman.

Maktabning yana bir kuni nihoyalab bormoqda, oqshom tushdi. Boshim bugungi g'alvalardan shishib ketdi, ko'zim tinib bormoqda. Anhor yoqalab ketgan yo'l bo'ylab, mayin shabada esadi, anhorning ikki labidagi teraklar shoxida tizilib olgan chumchuqlarning «chug'ir-chug'iri» avjida: bu tovushlar tobora balandlaydi, shum maynalar ham ularga jo'r bo'ladilar. «Chug'ur-chug'ur» ulkan simfoniyaga aylanib ketadi. Qishloqqa tun cho'kayotgan mahal, sershovqin dala qo'shlari bu kunni ana shunday kuzatib qo'yishadi.

Uyimning eshigi oldida bir to'da odam, bir to'da ayol-onalar. Aniq bilaman, ular o'z farzandini cho'ldan olib qolish maqsadida bu yerga kelishgan. Ha, aynan shunday. Lekin shuncha yildan beri bir narsaga tushunmayman. Ular haliyam meni shu ishga qodir rahbar, katta odam deb o'ylashadimi? Aslida mening ahvolim ularnikidan o'n chandon, yuz chandon voy-ku... eh ayollar-a, yoki bular zerikishdimi, deyman. Balki, bir-birlari bilan anchadan beri ko'rishmagandirlar, yaxshiyam «paxta» bahonayi sabab, bizning eshik oldida to'da bo'lib, bir-birlariga anchadan beri yig'ilib qolgan arz-u dardlarini aytishmoqchidirlar. Dardlarini bir-birlariga to'kib solsa-ku mayliga edi... Boshlandi:



– Domlajon, mening o‘g‘limni bilasiz, nimjonroq, bir yildan beri, o‘sha... o‘tgan yilgi paxta mavsumidan keyin «sariq» bo‘luvdi.

– Domla, aylanay domlajon, shu desangiz, mening qizim shu kungacha uydan va maktabdan boshqa joyga chiqmagan. Qanday qilib, begona tumanga – cho‘lga yuboraman.

– Meni ham eshiting, iltimos. Yolg‘iz ayolman. Qo‘lingizda muallim bo‘lib ishlayotgan o‘g‘limni shu oyda to‘yini qilmoqchimiz, uyda yordamchim yo‘q. Shu yerda qishloq brigadasida paxtaga yordamlashsa ham, harna edi, uydagi u-bu kamchiliklarni to‘g‘rilab olar edik, hovli-joyni epaqaga keltirmasak bo‘lmaydi. Qolgan ukalari kichik, ta‘mirlash ishlarini bajara olmaydi.

Hammadan ko‘ra, Xosiyat opaning gapi qiziq. Bu opa har yil bo‘lmasa yil oralab, farzand ko‘rganmi, bolalariyam naqd o‘n bitta. Deyarli har bir sinfda Xosiyat opaning bir bolasi o‘qiydi. Qizig‘i, ular go‘yo paxtaga olib borishni, mening xohishim bilan o‘tkaziladigan tadbir deb o‘ylaydilar chog‘i: «Men bolamni paxtaga yubormayman! – deya gap boshlaydilar. – Ana, nari borsa, maktabdan haydab yuboring, bo‘lmasa shu qishloqda teradi paxtasini. Mana, o‘tgan yili, o‘g‘lim yap-yangi ko‘rpa-to‘shagi, bus-butun idish tovog‘ini yo‘qotib keldi, paxtangizdan... »

– Ey, unaqa mayda narsalarni gapirmang-ey, Xosiyat opa, – dedilar xotinlar jo‘r bo‘lishib. – Biznikilar ko‘rpa-to‘shagini qaytarib kelgan bo‘lsalar ham ularni tashlab yuborganmiz, foydalanib bo‘lmay qoladi cho‘ldan keyin yag‘iri chiqib. Siz-ku shundoq ham yangi ko‘rpalar bermaysiz. O‘zi siz hadeganda yangi ko‘rpa tikavermaysiz-da, erinasiz, – kuladi ayollar bir ovozda, – shuning uchun ham eski ko‘rpalarigizini berib yuboraverasiz, tashlab keladi-da o‘g‘lingiz ham, ko‘rpa eski bo‘lganidan keyin.

Xosiyat opa ham bo'sh kelmaydi:

– Voy, aylanay sizlarning hazilingizdan, ko'rpani o'zi mayliku-ya, paxtasini almashtirsa bo'lardida, shunga ichim achiydi. Tergan paxtasi o'zi bir ko'rpalik bo'ladimi-yo'qmi. Xudo biladi. – Xosiyat opadan birinchi marta shunday aqlli gap eshitgandim o'shanda. Hech xayolinga kelmagan ekan, bu gaplar.

Xullas, xotin-xalajning, bu uyushtirilmagan mashvaratida gap cho'zilib ketdi...

– Endi meni eshitinglar, bir yarim soatdan beri tinmay javraysizlar. Bu yerda sizlar, maktabda o'qituvchilar, shu bugun rosa boshimni qotirdilaring. Menga qolsa hech kimni paxtaga yubormas edim. Ko'pga kelgan to'y ekan, siyosat shunday ekan, talab shunday ekan, men ham majburman-da. Faqatgina maktabdagi ikkita nogiron o'quvchi paxtadan ozod etilgan, bilasizlar gap kim haqidaligini, yo bilmaysizlarmi?!

– Bilamiz, bilamiz. Ha, anavi...


– Bo'ldi bas, bilsalaringiz yaxshi, yoki sizlarning bolalaringiz ham shularday nogironmi?

– Yo'q, yo'g'-ey, Xudo saqlasin, domlajon...

– Unday bo'lsa, gap tamom. Ertaroq borib bolalaringizga kerakli narsalarni shay qilib beringlar. Bu yerda endi tonggacha gap sotishga foyda yo'q, o'zlaringiz ham kechgacha dalada o'lib-tirilib ishlagan bo'lsalaring... Qani, uylaringa marsh...

Kechki ovqat mahali dasturxon atrofida ayollar gapining chalasini xotinim davom ettirdi:

– Xo'jayin, bizning kattamiz ham yaqinda qo'lini olovda ko'ydirib olgan. Uch-to'rt kundan beri maktabga ham bora olmayapti. Bolalarga qarashga-ku sizning vaqtingiz yo'q. Bu bolamizning ahvolini bir ko'ring, paxta terish tugul qo'liga qalam ushlasa ham qo'li jizillab og'riydi-ku, axir. Shusiz ham, har



kuni yarasini bog'latgani tibbiy punktga borib keladi, sizning xabaringiz bo'lmasa ham kerak. Mana, ko'ring o'g'lingizning qo'lini, ishonmasangiz. Ko'rsat dadangga qo'lingni.

Men asabiylashib o'g'limning qo'llariga qarayman. Qo'llari qizarib ketgan. Terisi pufakchalar otib qolgan. Yarasi ustiga tish pastasiga o'xshash dori surilib, bog'lab qo'yilgan edi.

– O'g'lim, yomon og'riyaptimi qo'ling?

– Yo'q, hechqisi yo'q. Men cho'ldan qolmayman... borishim kerak. Maktabda bolalar gapiradi, bo'lmasam... direktorni o'g'li bormaydimi, uning shoxi bormi, deyishadi. Bitta qo'limda ham yaxshi teraman shu paxtasini.

Onasi yana gapga qo'shildi:

– Bir qo'ling bilan qanday terasan paxtani? Sen ikki qo'lda terishga o'rgangansan. Gazak-pazak olib ketsa, nima bo'ladi? Siz-chi, dadasi, o'z bolangizga ichingiz achimaydimi?!

– Achiydi, achiydi, ko'p vahima qilaverma. Ota o'g'il-da, ota o'g'il, o'zimning o'g'lim. Hech narsa qilmaydi. Avaylab teradi paxtasini, bir qo'lida ham boshqalardan ko'p teradi. Ehtiyot bo'ladi qo'lga, o'zimning o'g'lim... Qara, maktabdagi malomatlarni ham o'ylaydi bu... oriyatli-da, ota o'g'il-da, ota o'g'il.

Ertasiga ertalabki soat yetti yarimlarda yo'lga chiqdik. Cho'l tomon. Bu joylar bizlarga ancha yaxshi tanish bo'lib qolgan, har yili keldigan makon bo'lgach, boshqacha bo'larmidi?! O'quvchilar bu yerlarga oldin ham kelganlar, albatta, 6-sinflarni hisobga olmaganda.

Paxta terimining ikkinchi kuni kechqurun... Ovqatning yoqimli hidi dimog'imga urildi. Ovqat suzildi. Dasturxon boshiga o'tirdik.

– Eh, bu tovuq qovurdoq qayerdan keldi-ya?



kun shu yerda dam olib turasan, endi. Keyin mana, o'qituvching qishloqqa olib boradi. Bu yil sen uchun, Xudo xohlasa, paxta tamom...

O'sha yili oktabrning qoq yarmigacha oq paxta terdik, undan keyin chanoqli paxta terdik, keyin esa dekabrning beshinchi sanasigacha ko'sak chuvidik. Har yilgidek, dalalarni qor qoplagandan keyin qaytdik.


* * *

Sho'ro tuzumining talvasasi, qayta qurish yillari, shiorbozlik avj olgan, yuqoridagi siyosatning beqarorligini namoyon etayotgan vaziyat. Kishilarda kelajakka ishonch yo'qolib, yuraklarda qandaydir qo'rquv turgan paytlar...

Ta'lim-tarbiya, ma'naviyatga e'tibor haminqadar bo'lib, nafaqat o'zimizga ikkinchi darajali odamlar deb, balki milliy ma'naviyatimizga tosh otishlar qayta jonlangan, maktablardagi ta'lim sifati pasayib, hatto o'qituvchilar tirikchilik tashvishida o'zlarini boshqa sohaga uradigan, maktab kelajagi, umuman, ta'lim-tarbiya e'tiborsiz qolayotgan davr edi.

Ayniqsa, maktabni ta'mirlash xoh u joriy ta'mir bo'lsin, xoh kapital ta'mir bo'lsin, asosan o'zi bankrotlik yoqasiga kelib qolgan, o'zini-o'zi oqlamayotgan jamoa xo'jaliklarining homiyligiga tashlab qo'yilgan yillar.

Yuz bor yalinib borasiz, ming bir minnatlar bilan maktabning tashqi tomonini, uzun dahlizlar va hovlini ta'mirlash uchun kerak bo'ladigan ba'zi bir ashyolarnigina berishardi. Maktab sinf xonalari esa o'qituvchilar va o'quvchilar kuchi bilan joriy ta'mirdan chiqardi. Hatto maktabni ta'mirlash uchun kelgan ustalarning ovqatini qilib berish ham biz – o'qituvchilarga malol kelib qolgan paytlar edi-da o'shanda. Bugun bu gaplarni aytsang birov ishonib,



birov ishonmaydi. Aslida bunday savobli ishlar muallimlar uchun malol kelmagan, biroq ro'zg'ordagi shart-sharoit bunga izn bermasdi u damlarda.

Eng qizig'i, shunday davrlarda kelgan tekshiruvchilar ham, mas'ullar ham maktabdagi ta'lim-tarbiyani, o'quvchilarning bilim darajasini emas, balki maktab devori oqlanganmi, shuvoq, bo'yoq qilinganmi, shiorlar osilganmi – shuni tekshirardi, xolos.

Avgust oyi edi chamasi. Shunday kunlarning birida Xalq maorifi tuman bo'limidan kelishdi.

– Maorifdan kelayotgan komissiyani sizning maktabingizga boshlab kelamiz, – dedi mudir menga jiddiy buyruq ohangida.

– Mudir bobo, iloji bo'lsa, boshqa maktabga olib borsangiz, shu desangiz, ayni paytda ahvolimiz tang, ta'mirlash masalasida ham ishni oxirga yetkazolmadik. Har yili ham uyda borimizni ishlatamiz, xabaringiz bor. Oyligimni ham uyga olib bormayotganligimga yarim yil, bir yil bo'lib qoldi-yov.

– Menga qarang, dardingizni dasturxon qilmang. Hozir men boshlasam bilasiz kimni dardi og'ir ekanini. Endi eng ishonganimiz, siz. Boshqa kimga ham ishonay? Ana, tomorqangiz bor, ijaraga ham yer olgansiz...


– Pudrat deng, mudir, pudrat.

– Ey nima farqi bor, yerdan daromadingiz bor-da ishqilib.

– Ha, daromad meniki emas, bolalarimniki, bolalar ishlaydi u yerda. Qolaversa, zimmamda ro'zg'or, undan oshib tushgan maktab degan katta ro'zg'or tashvishlari ham bor.

– Bolalar siznikimi? Bo'ldi-da endi... aytdim-ku dardingizni aytavermang deb, eshitgim yo'q. Biror yo'lini qiling.

– Hay, mayli, bolalardan yana gapga qoladigan bo'ldim-da. Har yili, uyni ta'mirlaymiz deb bolalar




tomorqada tinmay ishlashadi. Yana birigadadan ham ikkinchi ekin mavsumida, pudratga yer olib, unda mehnat qilib u-bu narsa orttiradi: Men bo'lsam, doim ularning topganini maktabdagi keldi-ketdiga-yu maktabni ta'mirlashga ishlataman. Bundan ortiq noinsoflik bormi?!

Mana bu gal ham shunday bo'lyapti... Uydagi bo'yoqmi, qummi, sementmi, taxtami, mixmi, boshqami, borini yana maktabga olib keldik. Boshqa ilojimiz ham yo'q. Ishdan bushay desam, bo'shatmaydilar. Nafaqaga esa hali bor. Bu yog'i ayolimning gapida ham jon bor.

Bechora, to'g'ri aytadi: «Bolalaringiz uzzukun ishlab orttirgan narsalarni qachongacha maktabga tashiysiz? Bir sizga qolganmi, shu maktab?! Topshiring-ey, xo'jayin, shu ishingizni... Ana kim qilsa, qilaversin, bir yil emas, ikki yil emas, doim ahvol shu, oyligingizni-ku oxirgi marta qachon ko'rganimni bilmayman. Qo'ying endi... shu bolalar topganiga ham maktabingiz sherik bo'lib qoldi. Bolalar katta bo'layapti. Katta yeyman deydi, o'qiyman deydi, hali ularni uylash, chiqarish kerak. Sizning esa maktabdan boshqa dardingiz yo'q. Maktabni ta'mirlashgayam – siz; uning ustasini hojatini chiqarishgayam – siz, maktab bolalarni musobaqaga olib borib kelish, ularning xarajatiyam sizda. Bu tekshiruvchilarni-ku gapirmay qo'ya qolay. Sizdan boshqayam o'qituvchi bordir. Sizdan boshqayam odam bordir axir shu maktabingizda. Qanaqa odamsiz o'zi?»

Ha, uning tinimsiz javrashlari, ba'zan o'zimga ham achchiq, ammo ochiq haqiqatdek tuyiladi.

– Boshqalar ham qilyapti, onasi, – deyman unga.
– Ko'ryapman qilayotganlarini. Hech kim sizday qo'li ochiqmas, odamlar uyiga jon tortadi hozir, siz esa...



– Qo‘y endi onasi, shu yil ham bir amallaylik. Yanagi yil yaxshi bo‘lib, hammasi iziga tushib ketar.

– Yanagi yilingiz tugamaydi sizni. Bilganingizni qiling-ey.


Ayolimdan shuncha gap eshitib, yana har yilgiday maktab ta‘mirini yakunladik. Tekshiruvchilarni ham ko‘ngildagidek kutib oldik. Mudir janoblari ham xursand. Men esa oylik olmay turib oldindan maoshimning o‘zidan ikki oyga qarz ham bo‘ldim.

Bolalarimning onasi bir-ikki kun araz qilib men bilan gaplashmay yurdi.

Bir kuni xotinigga biologiya muallimimiz shu mavzuda gap boshlab, «Rahmat domlaga, maktabning kam-ko‘stini o‘zi to‘ldirib yuradi. Boshqa direktorlarga o‘xshab, hammasini o‘qituvchilarga tashlab qo‘ymaydi. Sizniyam tushunamiz, opa, shu sabab ro‘zg‘oringizda ham baland-past kunlar bor ekan», debdi.


Bolalarimning onasi ham shu mavzuda gap ochilishini kutib yurgan ekanmi, rosa dardini to‘kib solibdi. Lekin gapining oxirida «Mayli, nima qilsa ham maktab uchun qilyaptilar, savob bo‘lar» deb, mendan faxrlanib ham qo‘yibdi. Buni eshitib, men ham xursand bo‘ldim. Shunday paytlarda qilayotgan ishingdan rozi bo‘lib ketasan, kishi...

Shu kuni men ham uyga kelib bolalarimning onasini ko‘p maqtadim, o‘ziyam, maqtamay qo‘yganimga ancha bo‘lganmikan, deyman. Bir o‘zimdan ketib, unga «sovg‘a-povg‘a» qilsammikin degan o‘yga bordim, biroq yana qarzga oldingizmi, deb qolsa, nima javob qilaman, deb bu fikrimdan qaytdim...




*G'alla mustaqilligiga erishildi.
Xalqimizning soni qancha ko'paymasin,
bug'doyga bo'lgan ehtiyoj qondirildi.
Endi bug'doyni chetga sotadigan bo'ldik.
Bir paytlar hech kim bunga ishonmas edi.*

O'tgan asr to'qsoninchi yillarining boshi. Bahor nihoyalani, yozning jaziramasi o'zini ko'rsata boshlagan mahallar edi. O'sha kunlari maktabdagi davomat juda pasayib ketdi. Bitiruv imtihonlari yaqin bo'lishiga qaramay, bitiruvchilar deyarli kunora darsga kelmay qo'yidilar. Sababi – bug'doy o'rimi boshlangandi. O'sha paytlarda yurtimizning boshqa hududlaridagi kabi bug'doy o'rimi mavsumida biz tomondagi odamlar ham, yoppasiga bug'doyzorga yopirilishadi, bug'doyga yopirilishadi, konbaynga yopirilishdi. Uylarida yeyishga na noni, na bug'doyi qolgan oilarlardagi, boshlari egik erlarning ayollari, non so'rayotgan norasida bolalarning onalari, imtihonga kelishi kerak bo'lgan bolalarini yetaklab ko'chaga chiqishgan; bug'doyzorga chiqishgan, bug'doy o'ruvchi konbaynni poylagan, bug'doyni tashiguvchi yuk mashinalarini poylagan kunlar edi. Rais bobo menga yuzlanib, o'quvchilaringizni bu yo'ldan qaytaring, dedi. Meni ko'rgan o'quvchilar konbayn tomonga bormay, ortga qayta boshladilar. Uyida bug'doyi, noni qolmaganligini unutishgandek, xijolat tortdi ular, mulzam bo'ldi, bolalar. Men ham xijolat tordim: nega keldim o'zi bu yerga? Men ham yerga qarab qoldim, o'quvchilarimning ko'zlariga qaramaslikka harakat qildim. Ayollar, onalar, turli yoshlardagi xotin-xalajlar ortga qaytishmadi. Ular jonini garovga qo'yib, chang-to'zon ichra bug'doyzorni zabt etib borayotgan konbayn tomon tashlanishardi. Bug'doyzorni qo'riqlayotgan milit-



sionerlar nima qilarini bilmay qolishdi, «Qaytinglar, nima qilyapsizlar, bug'doyni o'rib olaylik, keyin sizlarga taqsimlab beramiz, ishoninglar», deya baqirishardi ular. Tik turib baqirishdi. Qattiq rezina tayoqlarini o'ynatib, baqirishdi, vajohat, jahl bilan baqirishdi, keyin esa tizzalab-tizzalab qolib, yiqilib qolib baqirishdi. Olomon ularni surib o'tishgani sabab, ular «tizzalab», «yonboshlab» qolishdi-da. Brigadir va rais bobo otiga qamchi soldi. Olomonni yo'liga ot soldi. Olomon to'xtamadi. «Hoy baraka topgurlar, bug'doyni yig'ib olaylik, barchaga birday taqsimlaymiz», dedi yalinib rais bobo. «Sizning uyingizda bug'doy bor, bizlarning bolalarimiz och, bir etak, bir etak olamiz, ko'p olmaymiz», – deyishdi yig'lamsiragan onalar. Rais boboning jahli chiqdi, shlyapasini boshiga mahkam bosdi. Otiga qamchi urdi, ayollarga-da qamchi tortgudek bo'ldi. Olomon ham alamini kimdan olishini bilmay turgan ekanmi brigadir va rais boboni kesak otib quvib soldi. Ortidan haqoratlab qoldi. Ularning ortlaridan ayollar qo'lidagi o'roqlarini ko'tarib qarg'anib qolishdi, qo'rqitgandek bo'lishdi. Ularni quvlab bo'lgach, so'ng kombaynni to'xtatishdi. Bir kombayn bug'doy bilan yarim olomon kifoyalanishdi. Kifoyalangan yarim olomon katta boylik topganday, uy-uylariga qaytishdi, yugurgancha qaytishdi, hansirab-hansirab qaytishdi; ortiga qarab-qarab qaytishdi. «Harna bugunimni ko'rib turay», deyishdi. «Darvozani endi brigadirga ham, militsionerga ham ochmaymiz», – deyishdi, ichkaridan darvozani mahkamlab qo'yishdi.

Yarim olomon – bug'doy tegmagan olomon, kombaynni yana bug'doy o'rishga boshladi, bir ayol konbayn haydovchining yoniga, yana to'rttasi konbayn ortiga chiqib olishdi. Qolganlari kombaynni ortidan kuzatib borishdi. Bu orada rais bobo,



hokim boboni va bir avtobusda militsionerlarni bug'doyzorga boshlab keldi.

Hokim bobo so'z oldi; u ishonch bilan gapirdi: hech kim och qolmaydi, dedi. Barcha bug'doyni yig'ib olaylik, hammaga teng taqsimlaymiz, hosilni biz uyimizga olib ketmaymiz axir, dedi. Olomon biroz tinchlanganday bo'ldi, shu gaplarga ishonganday eshitib, jim tikilib turishdi hokim boboga.

Hokim bobo qo'shib qo'ydi:

– Bug'doyga talabgorlarning barchasini ro'yxatini tuzinglar, – dedi. – Talabgorlar ovora bo'lishmasin, bug'doyni ro'yxat bilan uyma-uy yurib tarqatishni tashkil etasizlar, – dedi, tevarakdagi rahbar-u karchalonlarga.

Hokim boboning ko'zlari chaqnab ketdi, ko'zlari kattalashdi, peshonasidan quyuq ter yumaladi, cho'ntagiga qo'l soldi. Dastro'mol chiqmadi. Rais bobo epchillik bilan o'z dastro'molini olib hokim boboga uzatdi. Hokim bobo dastro'molni peshonasi uzra uch-to'rt bor tortdi, egasiga qaytardi. Egasi dastro'molni qaytib olayotib, hokim boboning qizarib, bug'riqib ketgan yuzini yana bir-ikki artib qo'ydi.


– Rahmat, rahmat, – bosh silkidi hokim bobo.

– Rosa terlab ketibsiz, – shunday deb rais brigadirga qaradi. – Sovuq choying bormi, olib kel-ey, – dedi keyin jerkib.

Hokim bobo entikib nafas oldi, chuqur-chuqur nafas oldi. Katta-katta nafas olib-chiqardi. Shu tarzda u beixtiyor olomonga katta gapirib qo'rganligini anglab qoldi.

Rais boboning dastro'molini yana bir bor so'rab oldi. Dastro'molni peshonasiga qo'yib, chuqur o'yg'a toldi, xayollanib, ma'yuslanib qoldi...

Bug'doy tegmagan yarim olomonning qoni qaynagan, tomirlari ham sovudi. O'roq va etaklarini mahkam ushlab turgan qo'llari ham biroz yumshadi.



G'azabli ko'zlariga ma'no kirgandek bo'ldi. Ko'zlari yerga qaradi, oyoqlariga qaradi. Oyoqlari ularni yana uy-uylariga tomon yo'lga boshladi. Men ham ularga ergashdim.

Rais bobo menga yuzlanib, «Ertaga siz ham kelib bug'doy boshida turing», deb qoldi...

– Imtihonlarchi, atestat yozish kerak, – dedim taysallab.

– Ular keyin, keyin ham bo'laveradi.

Bu payt quyosh ham horgan, tafti so'nib, Bobotog'ning bag'riga bosh qo'yayotgan edi. Bug'doyzordan qishloqqa olib kiruvchi yo'lda hamqishloqlarimni to'xtatdim. Ular hovurlaridan tushib, boshsiz olomondan yana hamqishloqlarimga aylangan edilar. Negadir shu payt bir va'zxonlik qilgim keldi. Boshladim, va'zxonlikni-da uddasidan chiqdim.

– Hamqishloqlar! Bu to's-tupolon kimga kerak? Buguningiz o'tib turibdi-ku, sabr-qanoat qayerda qoldi? – dedim. Chorak soat gapirdim... – Bitiruvchilar, bolalaringiz eratayoq maktabga, imtihonga borsin. Ota-onalar va boshqalar uy-uyiga, bitiruvchi o'quvchilar mening ortimdan, – dedim...

Bitiruvchilar bilan birga uyga keldik. Qorong'i tushib bo'lgandi. Hovliga kirishim bilanoq xotinimni chaqirdim.

– Onasi, chordoqda qancha makkajo'xori bor? – so'radim shosha-pisha. – Makkajo'xori deganda sutasi bilan nazarda tutayapman, qo'shib qo'ydim keyin.

– Ozroq bor.

– Ozrog'ing qancha, xotin?

– Yigirma qopcha chiqsa kerak.

– Ularning uch qopidan bir qopga yaqin makkajo'xori uni chiqishi mumkin. O'tgan yili bedapoyadan bo'shagan yerlarga bolalarim makka qadab yaxshi hosil olgandi. Qolgani shu ekan.

– Abdulla, Shokir, ikkalang chordoqqa chiq, olti qop qolsin, qolganini olib tushinglar.

– Domla, bu yerda ko'proq ekan.

– Yaxshi, olib tushaveringlar.

Shimimni kamaridan ushlab ko'tarib qo'ydim, maqtanganday bo'lib. Xotinim menga boshqacha qarab qo'ydi. Yomon-yomon qarab qo'ydi.

– Faqat makkajo'xori unidan non qilib yeyilsa, ichlari qotib qoladi odamni, – dedi. Yana bir-ikki og'iz nimalarnidir g'udurlab ilova qildi.

– Unda sen bolalarga nima qilib berayapsan?

– Ozroq bug'doy uni bor, shundan xamirga bir kosa, bir kosa qo'shib qoriyapman.

– Ozroq bug'doy uning qancha?

– Yarim qopga yaqin keladi.

– Unda o'zimizga yetti kosa olib qol-da, o'n kunga yetib tursa bo'lar, qolganini bolalar olib chiqsin.

Bug'doy uni chindan ham kam ekan. Besh kosa olib qoldik. Yana o'n bir-o'n ikki kosacha chiqdi.


– Necha kishiga yetmadi, – dedim, bilib turgan bo'lsam ham.

– O'n sakkiz kishiga.

– Abdulla, Shokir men bilan yuringlar, qolganlar o'z uylariga borsin.

Shaharchaga jo'nadik. Soat kechki 22 lardan oshgan, avtobus qatnovi to'xtagan. Yayov jo'nadik, piyoda jo'nadik, gurung-gurung qilib jo'nadik, ikki o'quvchim qurshovida, uchovlon jo'nadik. Ikki chaqirimdan sal uzoqroq masofadagi yo'l. Shaxdam-shaxdam qadam tashladik, ildam-ildam qadam bosdik.

Sobiq o'quvchilarimdan biri – Zokir shaharda non sexini boshqarishi yodimga tushib qolgandida. Ergashvoy o'g'lini uylantirgan to'yida bu haqda o'zi aytgandi. «Ustoz, xizmatlar bo'lsa biz tayyor, to'y-hashamga nonmi, pishriqlarmi, pulni begona qilmang», degandi, azamat.



Qishloqdan chiqayotganimda shularni eslab, shaxdam-shaxdam qadam bosib boraverdim. Biroq manzilga yaqinlashganda, sexga yaqin kelganda, qadamim o'z-o'zidan sekinlashdi. Qanday bo'lar ekan, ichimda ming bir xayol aylandi. Yana shunday kunlarda, ortiqcha un bormikan, sotishga un bormikin... bo'lmasa-chi, xijolatga qo'yaman-ku, cho'ntakda pul ham kam, uyda ham maqtanarli ahvol emas.

– Domla, yetib keldik, – deyishdi Abdulla va Shokir bir ovozdan.

Ularning gapini eshitmagandek, sex eshigidan sal nari borib to'xtadim. Kimnidir kutayotgandek yo'l chetiga chiqib turdim.

– Kelinglar, biroz shu yerda tin olaylik.

Ular ham tushunishdi shekilli, biroz emas bir soatga yaqin u yoq-bu yoqdan gaplashib o'tiribmiz, chog'i... Oq tusli jiguli mashinasi kelib shundoqqina sex eshigi ro'parasida to'xtadi. Mashinaning tungi chiroqlari ko'zimizni qamashtirdi. Chiroqlar o'chdi. Jigulidan tushib kelayotgan kishi biz tomon ildamladi.

– Iye-iyе, domlajon, ustoz qaysi shamollar uchirdi, – Zokir menga tomon talpindi. Salom-alikdan keyin: – Keling domla, ichkariga kiraylik, – dedi.

Men esa Abdulla va Shokirga qaradim.


– Kelinglar, ukalar, sizlar ham kiringlar, – mulozamat qildi Zokir.

– Yo'q, aka, biz shu yerda kutib turamiz, – deyishdi bolalar xijolatli ovozda.

– Hoy, kiringlar. Tortinmanglar! – Mezbonning bu gapidan keyin ular ortimdan ergashishdi.

– Domla, biz tomonlarda?...

– Ha bir ish bilan keluvdim... – merovlandim, gapimni chaynab.



Bu orada hammamiz Zokirning ortidan sex nonpazlari ovqatlanadigan xonaga kirdik.

– Olim, choy-poy olib kel, – ishchilaridan birini chaqirib dedi Zokir.

Hash-pash deguncha oldimizda issiqqina ko'k choy, issiq non va kran jo'mragi tagida yaxlab turgan tarvuz hozir bo'ldi.

– Domlajon, bir kelib qoldingiz, anchadan beri hech suhbatingizni olmaganman. Maktabdagi darslardan tashqari, maktabda sizdan yegan shapalog'im haliyam esimda. Shu shapaloq ta'sirida institutlarni ham bitirib qaytdim. Oqidan bir piyola, bir piyola... ko'pmas, domlajon, endi buyam bizning hurmatimiz, ustoz.

– Shogirdlarim oldida... – dedim men keyin Abdulla va Shokirga qaradim.

– Olim, bolalarga xonangga joy qil, o'zing yaxshilab qarashgin ukalarga.

Kelishimning maqsadini aytaolmay qiynalib ketdim. Chunki, hech qachon o'zo'quvchilarim oldiga biror iltimos bilan bormagan edim. Ertalabdan beri tanovvul qilmagandim. Oqidan oz-oz oldik, gazagi tarvuz bo'ldi. Xijolatdan qotib turgan boshim biroz qizidi. Zokirga, uni yo'qlab kelishimdan muddaoni dangal aytdim.


– Domlajon, bu gapni rang-u ro'yingizdan sezgandim. Agar oqidan ozginadan ichmaganimizda hech narsa demay, dardingiz ichingizda qaytib ketgan bo'lardingiz, – dedi Zokir kulib.

Ha, u chindan ham haq edi.

– Olim, beri kel. Yaxshi, oliy navli undan bir qopini ol-da, mashinaga yukla.

– Yo'g'-e, o'zimiz. Ovora qilmaylik.

– Domlajon, ovorasi bormi? Siz – o'zingiz uchun bo'lsa, ikki dunyoda ham kelmasdingiz. Siz ovora



bo'lasiz-u, men ovora bo'lmaymi. Meni xijolat qilmang.

– Sen ham menga qo'shilib ichding, mashinani qanday boshqarasan?

– Xavotir olmang, domla... Olim haydaydi mashinani. – Shunday deya Olimga yuzlandi. – Ma, kalit. Mashinani qizdir. Ustozimni uylariga olib bor.


«Jiguli»ning old o'rindig'iga Olim bilan yonmayon o'tirib, bir-birimizga qarab bosh chayqashib qo'zg'alar ekanmiz, Zokir ortimizdan ikki qo'lini ko'ksiga qo'ygancha, bizlarni kuzatib qoldi. Yo'lga chiqdik. «Jiguli»ning old chiroqlari nuri ostida atrofni kuzatib boryapman. Tungi yo'lni, «katta» yo'lni yoritib borayotgan chiroqlar, anhor yoqalagan yo'lga qarab jadallashdi, «Jiguli» tezlashgani sayin ko'ksimga mayin shabada urila boshladi. Xayolim allaqayoqlar gadir sayr etdi, ko'nglim allanechuk mutaasir bo'lib ketdi. Ichim to'lib ketdi. Beixtiyor ko'zimda yosh qalqidi. Mashinaga kelib urilayotgan shabada ko'zyoshlarimni silabo'tdi. Ko'zyoshlarimni ko'zimdan artib o'tdi, ko'z yoshlarimni yuzimga yoyib o'tdi. Yuzimga yoyilgan ko'z yoshlarim mayin shabada ta'sirida yuzimni namlab qo'ydi, ko'ksimni, ko'kayimni namlab qo'ydi. Hayot zavqini bir on, bir zumcha bo'lsa-da chuqur his etdim, ta'sirli-ta'sirli his etdim. Shu on negadir umrim samarasiz o'tmayotganligi haqida o'yg'a toldim, ancha vazmin, ancha yoqimli xayol ummoniga g'arq bo'ldim...

O'g'ilning hikoyasi

Birinchi qo'ng'iroqdan so'ng, ilk bor sinfxonaga kirar ekanmiz, bizni kutib olgan muallima salom-alikdan keyin qo'lidagi ro'yxatga qarab, birin-ketin ism-sharifimizni o'qiy boshladi. Oldingi partalarning birida o'tirgan o'quvchining ismi-sharifi o'qilmadi. U ro'yxatda yo'q edi. Hech yodimdan ko'tarilmaydi. O'sha ismi-sharifi o'qilmaganning chindan ham boshqa o'quvchilardan yoshi kichikroq edi. Jumladan, mendan ham. U zamondagi tartib-taomillarga ko'ra, belgilangan sinfga ro'yxatdan ortiq o'quvchi qabul qilinmas edi.

Xullas, bo'ldi tomosha. O'sha ism-sharifi chiqmagan «o'quvchi» o'qiyman deb turib oldi. Muallima uni aldadi, avradi: keyinroq kelib o'qiysan, dedi, senga ota-onang ko'p va xo'p yaxshi narsalar olib beradi, dedi. Yo'q, u baribir, unamadi. Qo'lidan yetaklab darsxonadan chiqarishmoqchi bo'lishdi uni. U esa shundoqqina sinfning partasiga o'tirib oldi, «chiriq» solgancha partani mahkam ushlab oldi, partaga kanaday yopishib oldi.

Keyin bu ishga ota-onasi aralashdi. Uning ota-onasi sinfxonada hozir bo'ldi. Ota-ona bolasidan ko'ra qaysarroq ekan. «Farzandimiz o'qishi kerak, shu yil, hozir o'qishi kerak, hammaning bolasi o'qir ekan, nega bizniki o'qimaydi?» deb turib olishdi ular. «Bolangizning yoshi yetmaydi», deyishdi. «Yoshi yetmasa ham aqli butun», deyishdi ota-onalar. «Bizning bolamizni birinchi sinfga shu yil qabul qilsa, davlatmiz kam bo'lib qolmaydi», deyishdi. Baland-balandlab aytishdi, asabiylashib, g'azablanib, jahllanib, terlab-terlab, og'zidan tupigi otilib aytishdi bu gaplarni.




Muallima: «Ro'yxatdan ortiqcha bola qabul qila olmaymiz, bu – mumkin emas, sizlar tushunmas ekansiz, bolangiz qanday tushunsin», dedi. Asabiy ota-ona esa terlab ketgan yuzlarini yenglariga artishdi. «Boshqa bola keyingi yil o'qisin, mening bolam shu yil o'qiydi», deyishdi. Ota-ona bab-baravar aytishdi, bu gapni, jo'r bo'lib aytishdi. Sinfdagi barcha o'quvchilar xavotirga tushib qolishdi. Ularning bu iddaosidan qaysi birimizni o'rnimizda o'qir ekan, deb bir-birlariga qarab olishdi. Xullas, masala tobora jiddiylashdi. Masalaga maktab direktori aralashadigan bo'ldi. Maktab direktori mening otam edi. Men xotirjam edim, hech bir ota o'z farzandining o'rniga boshqa bolaning o'qishini xohlamaydi, deb o'ylardim. (Ayniqsa, yoshi boshqalardan ham, mendan ham kichikroq «o'quvchi»ni). Sinfxonadagilarni direktorning salobati bosdi. Hamma jim. Boyagi janjalkash ota-onalar ham.

Direktor muallimaning joyiga bir muddat o'tirdi. Masalani eshitdi, biroz o'ylab qoldi, hammaga bir-bir qarab chiqdi, menga uzoqroq qarab qoldi. Keyin o'rnidan turdi. Sinfxonadan chiqib ketdi. Masala yechildi, shekilli, ortidan muallima va ota-ona chiqib ketishdi. Muallima qaytib kirdi, ismi-sharifi chiqmagan o'sha «o'quvchi»ga qarab: «Hoy, yig'loqi, sen o'qiydigan bo'lding», dedi. Keyin muallima menga ma'noli qarab qo'ydi.

Ertasi kuni esa mening maktabga chiqmasligim ma'lum bo'ldi. Chunki o'sha ismi-sharifi chiqmagan «o'quvchi» aynan mening o'rnimga o'qiydigan bo'libdida. Maktab direktori ushbu masalani shunday yechgan ekan...

Men qattiq ranjidim, jahlim chiqdi. Chunki o'sha «o'quvchi»ning yoshi mendan kichikroq edi. Men uchun bu qaror mutlaqo noto'g'ri edi. Buni men ulkan nohaqlik, adolatsizlik, deb qabul qildim, otam olib kelib bergan chiroyli sumkamni ham yerto'laga uloqtirdim. Onam:




– O‘qishning erta-kechi yo‘q bolam, keyingi yil albatta borasan maktabga, otang senga bir erkalik qildi-da, lekin o‘zi seni juda yaxshi ko‘radi, bolam, – deya taskin berdi. Keyin: – Bor, bolam, qo‘ylarni o‘tloqqa olib chiq, bir yil ana-mana deguncha o‘tib ketadi, – dedilar.

Men, jahl bilan qo‘ylarni kaltaklab ko‘cha eshikdan olib chiqdim, shu payt yo‘lda ismi-sharifi chiqmagan «o‘quvchi» maktabga ketib borar edi. O‘shanda men uni kaltaklamochi bo‘ldim. Ortidan biroz yugurib bordim. To‘xtadim. Ortga qaytdim. U qiz bola edi...

Oradan yillar o‘tdi men o‘sha paytda adolatsizlik deb hisoblagan holatni aslida odillik asosda qilingan qaror ekanligini anglab yetdim. *Zero, adolatli qaror to‘g‘ri va qonuniy qarordan ustundir.* Jamiyatda har bir qalbi pok inson doim tom ma‘nodagi adolatga talpinib yashashga intiladi.

Aslida jamiyatda muvozanat, bag‘ri kenglik, o‘zgalar manfaatiga o‘z manfaati kabi hurmat bilan qarashdek, insoniy fazilatlar noyob bo‘lib borayotgan bir paytda, shaxsiy manfaat, xudbinlik, o‘zini ko‘rsatish, manmanlik, har ishdan o‘z manfaatini izlashdek illatlar tobora urchiyotgan zamonda bunday adolatni ta‘minlash, shunga hissa qo‘shish asil odamiylikka xos eng yorqin fazilatdir.

O‘sha voqea, mo‘jazzgina bir hayot yo‘limda bugun erishgan marralarimga o‘zining beqiyos hissasini qo‘shdi. Shu birgina voqeada bayon etilgan masalani bu tariqa hal etish zamirida otamning mavjud vaziyatga bahoni bir necha yillarni oldindan ko‘ra bila holda berishi, chuqur mulohaza bilan, qishloqni kichkina jamiyat bilib, o‘z manfaatidan hamqishloqlar manfaatini ustun qo‘yishga o‘zida kuch topa olganligi – meni hamon qoyil qoldiradi. Bunday qarorga kelish jarayonida otam o‘z farzandi oldidagi burchini unutmagan bo‘lsa ham o‘zgalar uchun manfaatli yo‘l tutishi o‘rinli bo‘lib, mustahkam irodaning, ezgulikka qurilgan qat‘iyatning mahsuli edi.



Aynan shu fazilatlar mening vujudimga ham singib ketishini istayman.

Illo, otam shu qishloq ahliga saboq berar va shu qishloq maktabining rahbari sifatida faoliyat yuritgan ekan, avvalo barchaga namuna bo'lishi, o'z farzandining ko'ngli qanday o'ksib qolishini his etgan holda o'zгалar farzandini ham ko'ngli o'ksib qolishini anglashi lozim edi. Chunki, murabbiy nafaqat o'quvchilar, balki ularning ota-onalari o'rtasida ham hurmat-e'tiborga sazovor bo'lishi kerak. Vaholanki, har bir farzand, qaysi bir ota-onaning jigarbandi sanaladi. Maktab direktori va murabbiy uchun o'z farzandini ham barcha shogirdlar qatorida bir nazar bilan ko'rish eng ulug'vor fazilatdir... Otam ayni shu holatda tutgan yo'l bilan nanga sabr-qanoatni, halollikni, o'zгалarni hurmat qilishni, iymon-insofni, o'z manfaatidan xalq va o'zгалar manfaatini ustun qo'ya bilishni hamda buyuk adolatni ong-u shuurimga singdirishni shu qarori asosida o'rgatgan...

* * *

Yoshim yetmishdan o'tdi. Hovlimni hatlab ko'chaga chiqaman. Bolalarim kengaytirgan yo'l va undan narida anhor. Anhor va yo'l o'rtasidagi mo'jazgina, so'lim, bahavo joyda bog' qildik. Bog'ning o'rtasiga kursi o'rnatganmiz. Har kun chiqib, bir bor shu kursini yo'qlayman. Yo'l va anhor oralig'idagi bog' o'rtasidagi kursini. Suv sokin shildirab, ba'zan esa mavjlanib oqadi. Bu yo'lni ikkiga ajratib oqadigan anhor ustidagi ko'prikdan farzandlarim va shogirdlarim, ularning bolalari, nabiralari, hamqishloqlar o'tib-qaytaveradi... hayot qaynaydi, umr o'taveradi...

Umr maktab, saboqdir magar,

U kitobdir – hayot bitilgan.

Umr – xitob, eshitsang agar,

Saodat bor unda kutilgan...

ILTIJO

Jannat – onalar oyog‘in ostidadir.

Hadisi sharif

O‘shanda yo oltinchi, yo yettinchi sinflarda o‘qir ekanman, chog‘i. Demak, o‘n ikki, yo o‘n uch yoshlarda bo‘lsam kerak. Sizlarga hikoya qilmoqchi bo‘layotganim – ushbu voqea bir umr xotiramda muhrlanib qolgan.


Yarim tun edi. Qo‘shni xonadan jajjigina ukamning bo‘g‘ilib-bo‘g‘ilib qilayotgan xarxashasi-yu, akalarimga, opalarimga, hatto menga endilikda esa ukachamni katta qilayotgan ko‘hna beshikning «g‘ichir-g‘ichir»idan uyg‘onib ketdim.

Beshikning g‘ichirlashi tezlashgani va balandlagani sayin ukachamning ham ovozi bir parda oshib, balandlana-balandlana, avjiga chiqib borardi. Ora-sira, onajonimning «piq-piq» qilib yig‘layotganligi ham eshitilardi.

Ustimdagi ko‘rpani boshim uzra tortib oldim. Ko‘zimni yumib, qulog‘imni ham berkitib oldim. Nafas chiqarmaslikka urinib, o‘pkamni havoga to‘ldirdim. O‘zimni hech narsani eshitmayotganlikka oldim. Uxlamoqchi bo‘ldim. Ammo, afsuski, uyqum allaqachonoq qochib ulgurgan ekan, uni qayta tuta olmadim. Ko‘rpadan boshimni chiqardim, chuqur-chuqur nafas oldim, xo‘rsinib-xo‘rsinib nafas oldim. O‘pkam bo‘shashganday bo‘ldi, lekin ko‘nglim to‘lib ketdi, o‘zim ham allanechuk bo‘lib ketdim.

Aksiga olib, o‘sha tunda qishlog‘imizda chiroq ham yo‘q. Derazadan tushib turgan oy shu‘lasini hisobga olmasak, zim-ziyo qorong‘ilikni tasavvur qilavering...

Otajonim esa yuqori sinf o‘quvchilarini paxtaga, cho‘lga olib ketgan. Ha, aytgancha, yodimdan ko‘tarilay debdi. Otajonim – o‘qituvchi, direktor,



shu sababli o'sha paytning talab-qoidalariga ko'ra, deyarli har yili kuz faslini, paxta terimida, cho'lda o'tkazardilar. Ko'pga kelgan to'y edi-da bu. Sekin o'rnimdan qo'zg'aldim. Qorong'i xona devorini paypaslagan cha borib, ukacham yotgan xona eshigini tovush chiqarmasdan, sekingina ochishga harakat qildim. Chunki xona eshigi ko'p yillar davomida ochilib yopilaverganidan «g'ichir»lab ochilgandan, kishini g'ashiga tegadigan bo'lib qolgandi-da.

Kirsam, onajonim boshini beshikka suyagan cha ukam yotgan beshikni «g'ichir-g'ichir» tebratar, ba'zan boshini asta ko'tarib, «piq-piq» yig'lab olar, yana nimalarnidir yig'lamsirab pichirlagan cha, bir maromda beshikni tebratardi.

Onajonimning mijjalaridan oqqan ko'z yosh yonoqlaridan sizib, ukachamning yuziga tushdi shekilli, u yana avjiga oldi, yig'i ovozi bir pardaga ko'tarildi.


O'sha paytlarda men o'zimni qo'lidan ancha-muncha ish keladigan tap-tayyor dastyor sanasam-da, ayni damda onajonim va ayniqsa ukachamga hech bir nafim tegmayotgandan xijolat tortayotgandim.

Biroq, jilla qursa onamni yupatishga taskin-tasalli beruvchi so'z topishga tirishardim. Ulardan ko'z uzmay boqib turibman-u, ammo taskinli so'z topolmay qiynalaman.

Shundoqqina derazadan tushib turgan oy shu'lasiida yalt etib onajonimning ko'z yoshlari ukamning yuziga tomganligi ko'rinib ketdi. Ko'z yosh uning yuziga tushganida murg'ak ukam cho'g'day yuzini tirishtirib ko'zchalarini yumib olardi. Ovozi esa bat-tar avjlanardi.

Axiyri o'zimni tutaolmadim.

– Onajon, Bobiyga nima bo'ldi? – dedim, uni ikki yarim yashar singlim shunday deb chaqirardi. – Isitmasi balandmi, nima qilamiz? Yuring, do'xtirga olib boramiz, yo kinna kirdimikin, kinnachi kam-pirni chaqirib kelaymi, a?..



– Sodiqjon bolam, ukangni badani cho‘g‘, isitmasi baland, issiqning zo‘ridan yonib ketyapti. Endi nima qildim, qay yerga boshimni uraman, endi, qay go‘rga borman? – shunday deb, onajonim boshini beshikka qo‘ygancha tebratishda davom etardi.

Men nima qilarimni bilmay, o‘z yotog‘imga qaytdim.

Bir mahal onajonimning ovozidan uyg‘onib ketdim.

Onajonim boshimda turgancha:

– Sodiqjon, Sodiqjon, tur bolam, ukangga qarab tur, – derdilar, qo‘limdan tortqilab.


Men o‘rnimdan turgach onajonim hovliga chiqdilar. Beshikni tebrata turib, sekingina derazadan tashqariga qaradim. Onajonim hovlimizning bir chetidagi stolchaga o‘tirib olgan, qo‘llarini fotihaga ochgancha, osmonga qarab nelarnidir iltijo qilib so‘rardilar. Osmonda oy yarqirab shu‘la sochib turardi. Onajonimning ozg‘ingina jussasi stolchaga hamohang tebranar, uning lablari esa tinmay pichirlab, titrab, butun vujudi bilan iltijoga egilardi. Egilgan vujud tebranishdan to‘xtadi, va nihoyat, qo‘llar duoga ochildi, duoga ochilgan qo‘llar yuzga tortildi. Men esa hech narsa bilmandek zo‘r berib, beshikni tebratardim.

Ertasi kuni tush ham bo‘lmay turib ukachamning harorati tushib, chehrasi ochildi, miyig‘ida kuladigan bo‘ldi, ko‘zlarida uchqun paydo bo‘ldi, ko‘zlarini o‘ynatadigan bo‘ldi. Yaratganga shukr, ukacham sog‘aydi.

Men shu tobda onajonimning nima deb iltijo qilganlarini bilgim kelardi.

Shu voqeadan roppa-rosa bir yilcha o‘tdi-yov, yana paxta terimi boshlangan edi. Adashmasam, oktabrning birinchi o‘n kunligi. Ha, aniq esimda, chunki o‘sha voqeaning ertasiga otajonim cho‘ldan bir kunga javob olib uyga kelgandi, shuni aniq eslayman.

Yarim tunda men yotadigan xonaning eshigi sekingina, qiya ochildi. Uyg‘oq edim. Onajonim hovliga



chiqdilar. Ularning yotogʻi ichkari xonada boʻlib, u yer-ga men yotadigan xona orqali kirilardi. Shuning uchun boʻlsa kerak, onajonim bizni uygʻotib yubormaslik uchun eshikni sekingina ochib, hovliga chiqdilar.

Men derazadan hovlining bir chetiga, oʻsha kichik stulcha tomon qaradim. Ha, oʻylaganimdek, xavotirim bejiz emas ekan. Onajonim yana qoʻllarini fotihaga ochgan-cha, osmonga qarab nelarnidir iltijo qilardilar.

Men hech narsani koʻrmayotganday koʻr-paga kirib oldim. Bir muddat oʻtib, uxlab qolibman. Erta-si kuni saharda turib yuz-qoʻlimni yuvib, uyga kir-sam, bildimki, otajonim ham tong mahali yetib kel-gan ekanlar. Buni ayvonimizda turgan bir nechta tarvuz-qovunlarni koʻrib angladim. Axir ular choʻl-ning tarvuz-qovunlari edi-da.


Hovlimizning markazidagi mehmonxonada ota-onam nonushta qilib oʻtirishardi. Men otajonimga sekin yaqinlashdim. Ular menga qoʻl berib soʻrash-dilar. Otajonim bilan bir-birimizga tuygʻularimizni koʻpam oshkor qilmas edik. Ularga hech qachon erkalik qilmasdim, ularning huzurida oʻzimni kat-talardek tutishga harakat qilardim. Lekin otajonim-ning kayfiyati yoʻq paytlarini ichki sezgim bilan dar-rov ilgʻab olardim.

Bugun ham buni anglashim uchun koʻp vaqt ta-lab qilinmadi. Lekin ularning oʻzlariga hech narsa demadim.

Qurtovani yaxshi koʻraman. Onajonim bugun ham ayni shu ovqatni xoʻroz qichqirmasdan pishirganlar shekilli, dasturxonga qarab quvonib ketdim, keyin is-siqqina choyni hoʻplab, nonushtaga kirishdim.

Onajonim bilan gurunlaridan shuni bilib oldim-ki, otajonim kecha choʻldan qoʻshni tumanga borish zarurati bilan kelgan.

Oʻzi oʻqiydigan texnikumdan paxta terimiga, qoʻshni tumanga jalb etilgan akam kecha kechki



soat 9 larda shifoxonaga tushgan ekan. «Ko'richagi yorilib ketibdi», debdi do'xtirlar. Lekin jarrohlikdan keyin ichagi buralib ketgan ekan, – deb qo'shib qo'yishganmish. Shuning uchun jarrohlik ham og'ir kechganmish, akam rosa qiynalibdi.

Hozir esa ahvoli yaxshi ekan, otajonim shunday dedilar.

Onajonim esa Yaratganga shukronalar aytdilar. Vujudi tebrandi. Lablari pichirladi. Qo'llari fohihaga tortildi.

Otajonim ham endi hammasi ortda qolgani, akamning baquvvat ekanini bot-bot ta'kidlab, Yaratganga shukuronasini bizdan yashirmadi.

Onajonimning kechagi iltijosi ko'z o'ngimga kelib-ketdi. Xayolga berilibman. Onajonimning ko'ngli sezgan ekan. Farzandlari boshiga ish tushsa, onalarning ko'ngli sezishini eshitgan edim-ku, ammo ushbu voqea sabab bunga yana bir bor to'la ishondim.


Lekin ular bu haqda otajonimga ham, menga ham hech narsa demadilar.

O'sha voqealardan keyin oradan qancha vaqt, necha yil o'tganini bilmayman-ku, ammo men maktabni bitirish arafasida sinfdoshlarim bilan bitirish kechasiga tayyorgarlik ko'rib, kechki soat sakkizlarda uyga qaytgan edim. Darvozadan kirishim bilan yana o'sha kichik stulga ko'zim tushdi. Yana o'sha manzara: stulchaga o'tirib olgan, onajonim qo'llarini fohihaga ochganча, osmonga qarab nelarnidir iltijo qilib so'rardilar.

Osmondagi yarim oy to'lishib bormoqda go'yo. «Yana nima bo'ldi ekan», deb o'yladim, yuragim jizillab ketdi, etim uvisha boshladi.

Bilsam, o'sha kuni otam to'satdan shifoxonaga tushib qolgan ekanlar. Aytganча, otamning ahyon-ahyon qon bosimi ko'tarilib tursa-da, lekin shu kunga qadar hech qachon shifoxonaga tushmagan edilar.

Men shundan xavotirda edim. Har xil xayollarga bordim, yomon-yomon xayollarga bordim. Biroq



ko'nglimning bir chetida allanechuk xotirjamlikni ham tuydim. Chunki, mening farishta onajonimning iltijosini albatta, Yaratgan eshitadi, otajonim albatta, shifo topadi, deb o'yladim.

Oradan bir-ikki kun o'tdi. Otajonimni ko'rgani shifoxonaga bordim. Otajonimning chehrasi ochiq edi. Qo'shni ayolning bexosiyat gapi rost chiqmadi, Xudoga shukr.

O'sha yil sentabr oyining uchinchi kuni, men talaba bo'ldim, katta shaharda o'qishni boshlavordim. Ko'p qavatli uyning, eng baland qavatida, onajonimning gapiga ko'ra, «Xudoga yaqin qavati»dagi xonadonlarning birida yolg'iz o'zim turaman.

Bir kuni shom mahali, qozonga ovqatning masal-liqlarini soldim, keyin uning pishishini kuta boshladim.


Tashqarida yomg'ir shitir-shitirlab, mayda-maydalab, ezib-ezig'ilib, chiroq nurlarida o'ynoqlab yog'moqda edi. Ko'nglim qa'rida allaqanday nurli tuyg'ular junbisha keldi. Chamamda, bu sog'inch tuyg'usi bo'lsa kerak. Ha, shubhasiz bu sog'inch edi. Shu paytgacha uzoqroq joyga safarda bo'lmaganligim uchun, balki umuman safarda bo'lmaganligim uchunmi, bilmadim yuragim xapriqib ketdi.

Qishlog'imni, bolaligim o'tgan so'qmoqlarni esladim. Hovlimizni, yaqinlarimni, ayniqsa, onajonimni sog'inganman, bu aniq...

Deraza oynasidagi bug'dan hosil bo'lgan pardaga xayolan onajonimning suratini tushira boshladim.

O'xshamadi, o'chirib tashladim. Boshqa oynada yana qayta chizdim, o'xshamadi. O'zi mendan rassom chiqmaydi, buni yaxshi bilaman...

Ammo shu tobda meni xayollar komiga tortgan ekanki, allapaytgacha ulardan uzilolmadim, bir payt qozonning «varaq-varaq» qaynashidan o'zimga keldim. Onajonim berib yuborgan dasturxonchamni stol uzra yozdim, ovqatni suzib, sovushini kutib, kitob varaqlay boshladim.



Bu mening doimiy odatim. Illo, kechki ovqat mahali kitobmi, gazeta yoki jurnalni varaqlamasam ko'nglim joyiga tushmaydi.

Varaqlab o'tirgan kitobim sahifalarida beixtiyor moziy gavdalandi.

Buyuk shoh va shoir Zahiriddin Muhammad Bobur saroyi...

Negadir hamma bezovta ko'rinadi. Tabiblarning boshi qotgan. Humoyun Mirzo og'ir betob. Bobur shoh chuqur qayg'uga tolgan. U nimalarnidir mahzun o'ylamoqda... Balki, farzand mehri qarshisida bu dunyoda barcha erishganlari: unga berilgan martaba, in'om hech narsa emasligi haqida g'amgin o'y surayotgandir?!

Ha, zurriyodlari yarim dunyoni uch yuz yil larzaga solgan buyuk sarkarda va davlat arbobi, she'rlari va nasriy asarlari dovrug'i butun olamga ketgan go'zal va nafis qalb sohibi shoh va shoir Bobur hazratlari farzandining dardiga shifo izlab nochor ahvolda qolgan. Xayolidan nimalar kechmoqda. Shoh bunchalar mahzun bo'lmasa?

Va nihoyat, ana, Bobur o'rnidan turib, xasta bo'lib yotgan Humoyun Mirzo atrofida aylandi-da, qat'iyat bilan «Sening dardingga men kafil, jigarbandim, jonim senga sadqa, ey, karami keng Parvardigorim, o'zing mehribon va rahmdilsan, jon kerak bo'lsa mening jonimni olgin», – deydi...

Shu lahzada daf'atan onajonimning o'sha stulchaga o'tirgancha ko'kka qarab iltijo qilyotganligi, yolborayotganligi ko'z o'ngimda namoyon bo'ldi.

Nega onajonimning chap qo'li tez-tez uvishib, yuragi tez-tez bezovta qilib turishi boisini nogahon fahmlab qoldim.

Ko'zlarim qay mahal yoshga to'lganini payqamabman. Ovqat ham sovub ulgargan edi. Men bunga e'tibor bermasdim. Uchqur sog'inch xayollari yana meni o'z doimiga tortgandi.

VATAN


«Vatan nima?» – degan savolning javobini uzoq o‘yladim. Kunlar, oylar, yillar o‘yladim.

Yayov, avtomobilda, poyezdda, samolyotda, neki ulovga chiqar bo‘lsam, shunda ketar chog‘im, o‘ttizdan oshib, qirqqa yetayotgan umr yo‘llarimda Vatanning ta‘rifiga tugal so‘z topolmay o‘ylarga toldim.

Tong sahar turar chog‘im, nonushtada, ishga kelarda, tushlik qilarda, ishdan qaytarda, kechki ovqat, oynayi jahon qarshisida o‘tirib ham, yotar chog‘im, ko‘zdan uyqu qochganda, tunlar uzun bo‘lganda, xayol surarda, tong otarda, quyosh botarda o‘yladim Vatan neligin... xullas, ko‘p va xo‘p o‘yladim...

Vatanni neligin «Avesto»dan izladim, Spitamen suratiga termulib, chuqur o‘y surdim, Kultegin va Bilgaxoqon bitigiga ko‘z yugurtirdim, Xos Hojibning «Qutadg‘u bilig»idan, Buxoriyning «Al-Jome-as sahih»i-yu Termiziyning «Sunnan Termiziy»idan. Farobiyning «Fozil odamlar shahri»dan, Beruniyning globusi-yu «Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklari»dan, Ibn Sinoning «Tib qonunlari»dan, Marg‘iloniyning «Al-Hidoyasi»dan, Xorazmiyning «Al-jabr val-muqobala»si hamda «Kitob surat ul-arz»idan, Farg‘oniyning «Samoviy harakatlar va umumiy ilmi nujum»idan izladim.

Ot choptirib borar sheryurak bahodir Manguberdidan so‘radim, safdoshi Temurmaliq ham chuqur o‘yga toldi, kekxa Kubro esa otga qamchi soldi, «Yo Vatan, yo sharofatli o‘lim», – deb qoldi.



Vatanni hamon ta'riflolmay, Amir Temurning moziy saltanatiga termuldim, «Temur tuzuklari»-ni varaqladim, Ulug'bekning «yulduzlari»dan, Navoiyning g'azalidan, «Xamsa»si, bari-bari asaridan, Boburning ko'z yoshidan tomgan ruboiylari, «Boburnoma»sidan, Avloniyning «Alifbosidan», Fitratdan, Behbudiyan, Cho'lponning «Kecha va kunduzi» va «xalqidan», Qodiriyning «O'tgan kunlar»idan, Usmon Nosirning xotirotidan, Islom bobomning «Kelajagi buyuk O'zbekiston»idan, Erkin Vohidovning «O'zbekim»idan, Abdulla Oripovning «O'zbekiston»idan izladim.


Ular Vatanga bergan ta'riflar turli-tuman, chek-chegarasi yo'q, o'xshashi ham qiyosi ham yo'q, lekin ularning barchasi haqdirlar. Zero, har bir insonning qalbida o'z dunyosi, Vatani bor.

Yana aytishdiki, Vatan – hech kimga berilmas ma'vodir, dushmanning oyog'i qirqiladigan tabaruk tuproq.

Vatan Ona ekan, shunday bag'ri keng, qadamlaringni ko'ksiga qo'ysang, suwab yasharkan seni. Yaxshi-yu yomon bolasin tishida tishlab o'tar ekan Vatan. Subhidamda, tol tushda, uzzukun, uzun tun taraladigan Ona allasi ekan Vatan!

Vatan – ota yurt, ajdodlaring ko'milgan qabriston, mung'aygan pastakkina tomli uy ekan... Ota-onang izlari qolgan ko'chalar, birinchi bor qorni ko'rgan, o'ynoqi qorga hayratlanib termulgan joying ekan Vatan. Vatan – birinchi bor bahorni tanigan, ilk bor varrak uchirgan, birinchi marta hayitlik olgan yering, birinchi muallimingni, birinchi muhabbatingni tanigan makon ekan – Vatan.

Deydilarki, Vatan – ordir, nomusdir, qomusdir, sharafdir-shondir. Vatan – opa-singil, aka-uka, qarindosh-urug'im... Vatan jigargo'shalarim yurti, otamni, meni va farzandimni tebratgan beshik, ana



shu tabarruk beshik izlari chizilgan zamin, ana shu muqaddas beshikning g'ichirlagan kuyi ekan – Vatan! Akam bilan poyga o'ynab kirar eshik ekan – Vatan. Ha, chindan ham o'xshashi yo'q ekan Vatanning, ilohiy tushuncha ekan Vatan, Vatan – sajdagoh ekan, onam kabi qiblagoh, otam kabi tog' ekan – Vatan.

Murg'ak singlimni asragan kabi muhofaza qilinadigan, akamdan g'ururlangan singari g'ururlanadigan, ukamdan faxlangandek faxrlanadigan, ona va opamning ibosiday pok xilqat ekan – Vatan!

Faqat odamlarigina emas, bir siqim tuprog'ining isi ham aziz ekan Vatanning.

Vatan – sharqiroq jilg'alarga boy vodiy, teptekis qumliklardan iborat cho'l-u biyobon – betakror manzaralar, so'lim bog'lar, anhoru soylar, to'rt faslining beqiyos ob-havosi bilan mo'tadil, serquyosh makon ekan. Vatan – shirindan-shakar mevalari, shifobaxsh o'simliklari-yu, zilol buloqlari bisyor Tangrining inoyati ekan.


Allalxusus, Vatan shunday ilohiy nozanin ekan-ki, ijodkor ham, san'atkor ham uning sevgisiga musharaf bo'lishni o'ziga saodat deb bilarkan.

Berilgan jamiki ta'riflar xayolim qatlarida bir-bir gavdalandi, sado berib izma-iz o'ta boshladi. Bir necha yillar davomida tafakkurimda charxlangan jo'ngina o'z ta'rifim ham Vatan borasidagi tavsiflarga qo'shib, charxpalak misoli ong-u shuurimda aylana ketdi.

Har bir ta'rifning o'zi bir olam, ma'nosi bir olam, kishilar qalbidagi Vatanlar jam bo'lgan olam edi.

Vatanga teng keladigan tushuncha nedir? – deb o'zimga qo'ygan sovolimga nihoyat javob toganday bo'ldim!

Peshonam tirishib, ko'zlarim qisildi, jiddiylashdim. Aytdimki, har holda Vatan neligini angladimku, ta'riflay bildim-ku, bundan juda quvondim,



ko'zlarim kattalashdi, peshonamdagi chiziqlar ortga chekindi. Qo'llarim kerishib oldi, qo'llarimga, bilaklarimga quvvat indi, qaddim alifdek tik bo'ldi, oyoqlarimga ham g'ayrat qo'shilgandek tuyildi. Xona bo'ylab, g'ururlanib qadam bosa ketdim.

Biroq, ko'ksimni, ko'kayimni uvishtirgan qaysar ko'nglim, bag'riga Vatan jo bo'lgan ko'nglim, Vatanga berilgan barcha ta'riflarni hali tugal emas, deb qoldi. Tugal javobni topa olmading, – deb turib oldi...


Nogahon «Agar so'z qalbdan chiqsa – qalbga borib joylashadi. Bordi-yu u faqat tildan chiqsa – quloqdan nariga o'tmaydi!» - degan hikmat yodimga tushdi. Tag'in Basriyning «Mo'minning tili qalbining ortida bo'ladi. Agar biror narsani gapirishni xohlasa, uni qalbi bilan tadabbur qiladi, so'ng tiliga chiqaradi», – degan rivoyatini esladim.

Shularni o'ylab, ko'nglimdan qattiq ranjidim. O'zimni tili qalbining ortida bo'lgan insonlar toifasidanman, deb sanar edim, har on ko'nglim va tilim bir gapni der edi. Lekin, Vatan ta'rifidan ko'nglim to'lmadi. Tilim ko'ngildagi tafsirga rozi bo'lmadi. Nochor qoldim, nima qilarimni bilmay, axiyri o'zimga aytdim: bugun o'z ko'nglim bilan tortishmoqdan o'zga choram yo'q...

Umrim davomida Vatanni anglash uchun ko'rgan-bilganlarim, eshitgan-o'qiganlarim, yiqqan ma'lumotlar, dalillar, ular asosida yozilgan hamda uni anglab yetish va ta'riflash uchun sarflagan mehnatlarim kammi dedim? Vatanni anglash, bu tushunchaga izoh berish uchun umrim ham kamlik qilardi dedim?!

Tap tortmay: «Albatta kamlik qiladi», – dedi ko'nglim.

Undan battar ranjidim, jahlim chiqdi, ovozim qaltiradi, qoshim uchib-uchib qo'ydi. Ko'z ostimda titroq chiziqlar tez-tez yugura boshladi...



Men o'zimni, o'z yurti tarixni yaxshi o'zlashtirgan, o'zligini anglagan va ayniqsa, Vatanini to'la anglagan, sevadigan hamda sevganini juda yaxshi biladigan, yurtining har bir qarich yerini besh qo'lday biladigan, tugal biladigan inson deya baholab yuruvdim...

Biroq, ko'nglimning e'tirozi boshimni xam qildi, meni uyaltirib qo'ydi. Yuzim alvonlandi, qizarib ketdim, ko'nglim buni sezdi. O'zim ham sezdim keyin ko'nglimni jerkib berib, uning o'zini savolga tutdim.

– Ey, ko'nglim, qani aytgin, mening tilim sening ortingda emasmi? Sen bilan emasmi? Sen bilan tilim hammaslak emasmi?! Unda o'zing ayt, Vatan sening nazdingda nedir?

Nihoyat, ko'nglim menga tavoze bilan yuzlanib:

– Vatan hech bir ta'rifga, hech bir tashbehga sig'maydi, uni izohlab beradigan tushuncha yo'q – Vatan izoh doirasida emas! Vatan bu – mening mulkim, – dedi. – Sen esa haqiqatan, tili mening ortimdagi mo'min insonsan. Lekin senga o'xshash, sendan-da ming karra ziyodroq kishilar ham bu zaminga kelgan va kelurlar, ularning son-sanog'i, adog'i bo'lmagay.

Ular ham Vatanga, ya'ni kim mening mulkimga tugal ta'rif topmagan va topmaslar, buning uchun sen aslo ranjima!

Shuni bilginki, mening mulkim – Vatan ilohiydir, anglaginki, shuning uchun bandasi bu sirli ma'voga tugal ta'rif bera olmaydi...

Men ko'nglim qa'ridan otilib chiqqan bu sadoga so'zsiz bosh egdim. Illo, ko'nglim ayni haqiqatni aytgan edi.

1999-yil

AYOL

Ojiza demang ayolni...

Undan yana qarz so'rab kelishdi. Qarz emas, to'g'rirog'i, pul so'rab kelishdi. Chunki, undan qarz olganlarning birortasi ham shu paytgacha qaytarmagan. Istisnolar bo'lishi mumkin, birontasi ehtimol qaytargan chiqar, lekin shunda ham u hech bo'lmaganda olgan pullarining chorak qismini qaytarmagan.

Ha, Sumbula opa shunday ayol. Har gal eshik qo'ng'irog'i jiringlasa: «Kim keldi ekan, kim bo'lsa ham pul so'rab kelmagan bo'lsin-da», – deya yuragi jizillaydi. Bu gal ham shunday bo'ldi. Eshikning tirqishidan qaradi, tanimadi.

– Kim u? – so'radi, keyin o'zidan-o'zi xavotir bilan.

– Men, men, bizlar haligi... hamqishloqlaringmiz, Sumbulajon.

– Kim, kim?


– Biz, biz, qishloqdan keldik.

Sumbula opa eshikni ochsa, qorachadan kelgan elliklardan oshgan ayol, yonida yigirma-yigirma besh yoshlardagi qizi bilan turibdi (Qizi deb o'ylaydi-da, chehrasi o'sha ayolga o'xshagandan keyin).

– Tanimadingiz-a, Sumbulajon, bu men Oysaatman, bu qizim Sharofat. So'rash opang bilan, Sharofat...

– To'g'risi, tanimayroq turibman. Shaharga kelganimgayam o'ttiz yilcha bo'lib qoldi-da.

– Hoy o'lay, esingizda yo'qmi, qishlog'imizdagi magazin yonidagi ko'chada yashardik, ey astafirillo,



hozir ham yashaymiz, o'sha Oysaatman, Bahrom-boydi xotini.

Mehmon ayol shu chog'da: «Ha sizmi, qo'shni», – deyishini kutdi. Sumbula opa hayron bo'lib, eslay olmay turavergandi. Ayol yana davom etdi:

– Esladingizmi, siz uchinchi sinfda o'qiyotganingizda, men o'ninchi sinfda o'qirdim, maktabda, shu Oysaatman-da.

– Ha, ha, esladim, esladim. Kelinglar, kiringlar ichkariga. Darrov taniyolmaganim uchun aybga buyurmaysizlar.

– Hechqisi yo'q, aylanay. Siz qishloqqa bormay ketganingizga ancha bo'lib edi-da. Mana, qizim Sharofatgayam aytdim: seni opang bilan tanishtirib kelaman deb, bular yosh-da, sizni tanimaydi. Qishloqdan chiqib ketganingizda bola bo'lgan-da. – Ayol qizning yelkasiga turtib qo'ydi. – Tanish Sharofat, Sumbula opang bilan.

– Qizingiz chiroyli ekan, Oysaat opa, – shunday deya qizga yuzlandi, – Sharofat, o'qiysanmi, ishlay-sanmi, shaharda yurgan qizlarga o'xshaysan-a?

– Ha, anchadan beri shahardaman, o'qishni bitirib, ishlab yuribman...


– Hali turmushga chiqmadingmi?

– Chiqqan, chiqqan, opasi, bolalariyam bor bunim-di, eri bilan ijaraga turib ishlaydi qaysidir korxonada.

Keyin u qizining juda mehnatkashligini, o'qimishli, uyim-joyim, ota-onam deyishligini, bu yer-gayam shu qizi uchun kelganligini qo'shib qo'ydi.

– Hali yosh ko'rinadi qizingiz, Oysaat opa, men o'qiydimi deb o'ylabman.

– Hamma shunday deydi deng, Sumbulajon, bizning o'zi palagimiz shundaymikin, zotimiz o'zi yosh ko'rinadigan xilidanmi, deyman-da, meniyan hech kim oltmishga boryapti, demaydi.



Mehmon ayol tillo tishlarini atay ko'rsatayotganday og'zini katta ochib kuldi. Qizi bu holatdan xijolat tordi. Buni sezgan Sumbula opa, mayli sizlar bermalol o'tirib turinglar men hozir choy-poy keltiray, dedi-da qo'shni xonaga chiqdi.

– Yo'q, yo'q, ovora bo'lmang, ovora bo'lmang. Biz qaytamiz haligi qizimni... Sizga tanishtiray, deb keluvdim...

– Yo'g'-ye, quruq og'iz bilan kuzatsam, qanday bo'lar ekan...

Mehmoni shunchaki qizini tanishtirishga kelmaganligini anglagan Sumbula opa choy qo'yish hamda agar pul so'rab kelgan bo'lsa, nima deb javob qaytarishni o'ylab olish uchun oshxonaga chiqdi.

– Aylanay, Sumbulajon, ovora bo'lmang-a.

– Hozir, hozir. Hech bo'lmasa, bir piyola choy quyay.

Choyni damlab kelgan Sumbula opa, choy qaytara turib, gap boshladi:

– Xush kelibsizlar, tanimabman-a qarang. Juda xijolatda qoldim, – dedi kulib. – Keyin umrning o'tishini qarang, shaharga kelganimga ham ancha-muncha bo'lib qolibdi-ya.

– Ey, nimasini aytasiz. Biz yaxshi eslaymiz, siz maktabda yaxshi o'qigansiz, mana, shaharga o'qishga keldingiz, kam bo'lmadingiz. Endi shahar, shahar-da vaqt tez o'tsayam, baribir, shahar yaxshi-da, Sumbulajon. Bizniyam deng, kelganimiz asli shu. Shaharda sizdan boshqa hech kimimiz yo'q. Sharofatjon xo'jayini bilan ancha-muncha pul yiqqan, bu kvartira qurg'ur ham kun sayin qimmatlab borayapti. Pulni topish ham o'zimas ekanda. Uch yildan beri shu shahardan kvartira olamiz, deydi. Ozgina yetmaydi, qolib ketadi, ozgina yetmaydi, qolib ketadi. Axiri, mana sizning oldingizga boshlab keldim Sharofatimni, Sumbulajon. Agar bu yil ham ololmasa, qolib keta-




di. Pul qurg'uram turarmidi, qo'ning kiri-da... ketib qoladi. Shu desangiz, qarz so'rab keldik, ikki oygina-ga, ko'pgamas, Sumbulajon. Bilaman, bizdan boshqa ham sizdan qarz so'raydiganlar ko'p, nima qilay, men ham umid qilib keldim-da. Shu qizim uyli bo'lib olsa, qarzingizni-ku qaytaradi. Singlingiz bo'lib, yoningizga kirib, xizimatingizni ham qiladi, sizni bir umr opam deydi, duo qilib yuradi-da, o'rgilay.

– To'g'risini aytsam, agar shunday pulim bo'lsa, jonim bilan berardim. Hozir o'zimdayam yo'q, siz aytgan shu qarz olganlar ham olganlarini qaytar-mayapti. Agar birortasi qaytarganda ham berib tu-rardim. Yetmasa, bir xonali olinglar, asta-asta ikki xonali qilib olasizlar.

– Shu o'zi, olmoqchi bo'lganimiz ham bir xona-li-da, Sumbulajon, bir xonali... ikki xonaliga sharoit qayda deysiz?!

Oysaat opa yarim soatcha gapi-gapidan uzilmay, ora-orada issiq choydan, issiq-issiq ho'plagancha, dardini dasturxon qildi. Ayol boshi bilan ko'p ish-lar qilganligini, eri unchalik ham ro'zg'orga kirishib ketmasligini, beg'amroq ekanligini ham qistirib o'tishni unutmadi. Sumbula opa esa mehmonining eri Bahrom akani xayoliga keltirdi. Bahrom aka bir umr yaxshi ishda obro'li ishlaganligini bilardi, tuzukkina ro'zg'or qilishini ham eshitgandi.

- Qancha yetmayapti o'zi?
- Bir ming ikki yuz.
- Bir xonaligami.
- Ha, bir xonaliga.
- O'zi qancha ekan.
- Ikki ming olti yuz.
- Unda ozgina emas, deyarli yarmi yetmayotgan ekan-da.
- Ha, shunday desayam bo'ladi, aylanay.



Sumbula opa bir oz o'ylanib qoldi, qat'iyatlilik qila olmadi, yumshab qoldi. Qishloqdoshlariga ko'z qiri bilan bir-bir qarab oldi. Ular boshini quyi sol-gancha, o'tirardilar.

– Mayli, agar qarz olganlarning birortasi qaytar-sa, berib turarman. Lekin vaqtida qaytarasizlar. Bir-ikki kundan keyin xabar olinglar. Mabodo, qarz olganlar shu kunlar ichida qaytarishmasa, mendan xafa bo'lish yo'q.

– Xo'p, Sumbulajon, yana bir o'ylab ko'ring, sha-harda tanish-bilishingiz ko'p, bir yordam qiling, aytgan vaqtingizda qaytaramiz... jon singlim.

Oysaat opa uyning yo'lagidan tusha-tushguncha qulluq qilib ketdi.


Ikki kundan keyin shom mahali eshik jiringlab, Sharofat kirib keldi. Bir muddat o'tirgan Sharofat-ning pulni olgach og'zi qulog'iga yetib, qayta-qayta rahmat aytdi. Keyin qarzni vaqtida qaytarishini tak-rorlab chiqib ketdi. Ko'chada kutib turgan xo'jayi-niga pulni uzatar ekan, Sharofat Sumbula opadan ko'p minnatdorligini, pulni vaqtida qaytarish ker-akligini tushuntirdi. Xo'jayini ham uning gapla-rini ma'qulladi. Shu tarzda er-xotin ijaraxonaga qanday yetib kelganliklarini ham bilmay qolishdi. Ijaraxonaga kiriboq, telefonga yopishgan Sharofat kvartirasini sotuvchiga sim qoqdi; salom-alikni-da unutdi.

– Notarius tayyormi? Aytuvdim-ku, gaplashib qo'ying, deb, vaqtini ertaga soat o'n bir yarimga bel-gilang, – dedi.

Xo'jayini, uning gapini bo'lib:

– O'n birni yarmini nima qilasan, o'n bir deyaver-da, – dedi.

– O'n bir yarim yaxshi-da, dadasi, birdan tushlik qilib nishonlaymiz uyimizni.



Xo'jayini xotini «dadasi» deb manzirat qilganiga xursand bo'lib ketdi. Bu so'zni eshitmaganiga ancha bo'lgandi-da.


«Yaxshi qizga o'xshaydi. Hay mayliga, qaytarar, savob bo'ladi qishloqdoshim shahardan uyli bo'lyapti-ku», deya quvondi Sumbula opa ham. Qachon qaytaraman dedi, ikki oygina dedimi, ha shunday, dedi u o'ziga-o'zi gapirganday.

* * *

Sumbula maktabni bitirgach, katta-katta maqsadlarni ko'ngliga soldi. Shaharga o'tlanarkan, katta sumkaga yaxshi ko'rgan sigirining sutiga qilingan shirmoy ko'lchalarni, yana bir sumkaga go'sht-u moyni, bir-ikki kiyim-kechagini avaylab soldi. Ota-onasidan kaltagina oq fotihani oldi. Katta shaharga qarab o'tlanarkan, poyezdga chipta olish asnosida, o'ziga o'xshash yana ikki qiz bilan tanishib qoldi. Ular ham katta shaharga o'qishni maqsad qilib, «katta» odam bo'lish orzusini diliga tugib olgan qizlar ekan. Bir-birlari bilan shularni gaplashib, tezda yaqin dugona ham bo'lib olishdi.

Shu payt poyezd ham bir qattiq silkinib oldi, bir qattiq «nafas» oldi. Bu – jo'naymiz, degani edi, qizlar o'z joylariga mahkam o'tirib oldi. Poyezd g'ildiraklari aylana ketdi: «taqir-tuqur»... Bu bir tekis allalovchi ovoz jo'r bo'lib, qizlar shaharga ham yetdilar. Shunda ular bir-birlari bilan yana uchrashib turishga kelishishdi.

Shu yili uch qizning ikkisi talaba bo'ldi. Sumbula esa tayyorlov bo'limida qoldi. Ko'ngli o'ksimadi, o'qishga keyingi yil albatta kirishiga ishondi, umid qildi, ikki qiz uni yupatdi. Bu ikki qiz kolxoz raislarining qizi ekan-da, shu sabab ular tayyorlov bo'limi qilib o'tirmabdi, o'qishga birdan kirib qo'ya qolishibdi.




Keyingi yil Sumbula ham ularning safiga qo'shildi. Bir orzusiga yetdi, talaba bo'ldi. Diplomni qo'liga olgan Sumbulaning qishloqqa qaytgisi kelmadi. Ana endi keyingi orzulariga erishish mushkullasha bordi. Uning orzusi bisyor edi-da. Shu bois u shaharda qolishga qaror qildi. Shaharda turmush qurdi, ro'zg'or tikladi, katta shaharda katta orzularga erishishning o'zi bo'lmaydi, albatta. Shunga yarasha yashashga intilish, shunga yarasha mehnat qilish kerak edi.

Sumbula ham shunday qildi, u ko'p ishladi, ter to'kdi. Oilaviy sharoitlarini har jihatdan badastir qildi. Sharoitlarini yaxshiladi, yaxshilab-yaxshilab oldi. Bu sharoitlardan o'zigina emas, balki aka-uka, opa-singil, amma-xola, tog'a-jiyan deganday, barcha yaqinlar beminnat foydalanishadigan bo'ldi. Birining o'g'li, birining qizi katta shaharda o'qiyman, deydi, shu yerda ishlab qolaman, deydi.

Ukalari ham hali uylanmagan, ularni uylash kerak, singilni uzatish bor. Sumbula ana shu tashvishlar bilan yashadi. Sumbulasiz oilaning biror ishi bitmay qoldi. Sumbulaning ko'magi hammaga beminnat bo'lib qoldi. Beminnat ko'mak oila a'zolari uchun ham odati holga aylanib qoldi.

Avvaliga u, ukalarini o'qitdi, uyladi. Sekin-asta ularga uy-joy ham qildi, mayliga, mana mashina ham o'zimizda bo'lsa ma'qul, deb birin-ketin har biriga mashina ham olib berdi.

Endi o'qiyman degan qarindoshlarning ham keti uzilmaydigan bo'ldi. Biri o'qishni bitirib joyi sovimay, salom bilan ikkinchisi kelib turadi, deng. Buyam mayli, bora-bora ikki-uchta bo'lib keladigan bo'ldi, bu – abituriyentlar. Bitirgani ham ketmay, shaharda qolishni odat qilib oldi. (Bitirdingmi ket, joyni bo'shat, – deydi, o'qiyotgani bo'lsa, o'zlariga-o'zlari. Qarabsizki, shu gapni aytganlar ham o'qishni biti-



rishi bilan o'z gaplarini unutilishadi-qo'yishadi, shaharda qolaman deydi...) O'qishni bitirib, o'zini eplab ketsa-ku xo'p-xo'p, lekin aksariyat hollarda ularning oyoqqa turishi uchun Sumbula balogardon.

Bularga-da, o'zida kuch topgan Sumbulaga endi qarindoshlar ichida, shu jiyaning uchun birgina uy olib berib tur, asta-asta pulini ham qilib berarmiz, deguvchilar ko'paydi. Biri keldi, ikkinchisi keldi. Ishlarini bitirishdi. Eng «noumid» ketdim degani, ham uy-joyning ma'lum qismiga yarasha pulni qarz bahona olib ketdi.


Sumbula hammasiga chidadi, nafaqat yaqin qarindoshlari, jigarlarini qo'llab-quvvatlash, balki o'ziga mutlaqo notanish hamqishloqlarini ham joniga ora kirish uning kasbi-koriga, hatto turmush-tarziga aylandi. Bu ishlardan u hech charchamadi, tolmadi.

Lekin, ba'zi-ba'zida uyidagi abituriyent-u, talabalarga ham, xo'jayiniga ham bildirmay, uyning biror kunjida bekitiqcha ko'z yosh qiladigan bo'ldi. Ko'nglini bo'shatadigan bo'ldi. Tez-tez bo'shatilayotgan ko'ngilning, o'zi ham bo'sh idish kabi, huvillagan hissiz maskanga aylana bordi. Uning ko'ngli bo'sh bo'lib qoldi. Chunki unda bunga asos bor edi. Asoski, u uzoq yillar farzand kutdi. Xudodan so'radi.

Xudo ham unga farzand berish o'rniga nuqul yaqinlarining farzandlariga g'amxo'rlik qilishni yuklagandek, go'yo...

Sumbula yaqinlarining bir farzandini asrab oldi. Shundan so'ng bir oz ko'ngli taskin topdi. Lekin shunda ham u yaqinlariga yordamni bardavom qilaverdi.

Illo, u peshonamga bitilgani shu ekan, deb o'zini ishontira oldi. Yaqinlariga yordam ko'rsatishni bir umr gardaniga oldi. Shu sababdan-da, o'zini ishga ko'proq urdi. «Ish, ish va yana ish uning bosh shioriga aylanib ulgurdi. Sumbula o'zini ish bilan ovutadigan, ish bilan chalg'itadigan bo'lib qoldi.



Yaratgan unga ishlagani sayin, topganini qarindoshlarining ehtiyojiga sarf qilgani sayin, davlatini ziyoda qilib beraverdi. U chin ma'noda davlatmand bo'ldi...


* * *

Sumbula opa qo'llab-quvvatlagan qarindoshlarning ikki-uchtasi oqibatli chiqdi. Hech bo'lmaganda, ular og'zaki bo'lsa-da mehr ko'rsatishga urinishar, ahyon-ahyon kelib opaning holidan xabar oladigan, «bizning yutug'imiz hammasi siz tufayli opa, siz bo'lmasangiz shularga erisharmidik», deydigan bo'lishdi. «Dam oling endi, ko'p ishladingiz, mana endi biz bormiz... sanatoriylarga boring, sayohatga chiqing, hajga boring, hali ko'rasiz, sizga uni qilamiz, buni qilamiz, qilamiz qotiramiz»lashib qolishdi.

Sumbula opa bunday paytlarda miyig'ida kulib qo'yardi-da, shunday derdi:

– Men ishlamasam bo'lmaydi, zerikib qolaman, kasal bo'lib qolaman. Sanatoriylaringayam ulgurarmen hali. Qiladigan ishlarim ko'p, mana, hademay, sizlar ham bolalaringizning tashvishiga tushib qolasizlar. Menga o'zlaringizni eplab-seplab yursalaringiz shuning o'zi katta sanatoriy. Meni sanatoriyga, hajga yubordigan mablag'laringga, ana Yo'ldoshning o'g'li kontraktda o'qiyapti, shunga qarashinglar, Nasibaning qizi to'y bo'lyapti, yordam so'rab kelgan... yordam qilinglar. Tursunpo'lat akaning bu yil hajga navbati kelar ekan, u kishiga qarashinglar, kunora menga telefon qiladi, besh oy qoldi, to'rt oy qoldi ataganingni ber, deb... Menga yordam berishni istasangiz ana shu insonlarga ko'mak qo'lini cho'zinglar...

Hol-ahvol so'rab, sanatoriy-yu sayyohatga yuboruvchilar bu gaplardan, bir oz xijolat tortdilar, yuzlari qizargandek bo'ldi, boshlarini xam qilishdi. Bir



oz sukutdan keyin o'zlarini tiklab yana gapga tushdilar:

– Opajon, umr bo'yi birovlar uchun ishlaysiz, o'zingiz uchun ham yashang-da endi. Bizga ularning qizig'i yo'q. Biz faqat – sizni bilamiz...


– Meni bilganlaring uchun aytayapman-da, bu gaplarni. Ularga yordam qilsalaringiz menga yordam qilgan bo'lasizlar. Agar men ham faqat o'zim uchun ishlaganimda, sizlarga kim yordamlashardi? Ular ham xuddi sizdek umidvor, ularga ham kimdir qarashishi kerak.

– O'zlarining sharoitlari yaxshi, qo'ying, ularni o'ylamang... biz faqat siz uchun hamma narsaga tayyormiz. Ular bizga biror marta ham yordam berishmagan, axir.

Opalari oldidagi bir umr qarzdorliklari, ularga qancha qilsalar ham kam ekanligi haqidagi uzoq suhbatdan so'ng «oqibatli» qarindoshlar uylariga qaytishdi. Xayrlashuv payti tez-tez kelib turishlarini ham aytishdi, albatta.

Mehmonlarni kuzatgan Sumbula opa, beixtiyor uzun o'yga toldi. Allanechuk mahzun xayollar uni chulg'ab oldi. Xayollari uni yaqin va uzoq o'tmishga yetakladi, bugungi mehmonlarning, abituriyentliklari-yu talabalik yillari, ishga joylashishlari, uy-joy qilishlari hamda o'zining ularni deb yelib-yurguranliklari bir-bir ko'z o'ngidan o'tdi. Shunisiga ham shukr, dedi, og'ir xo'rsinib hayotidan bir qadar mamnun bo'ldi. Televizorni u kanaldan, bu kanalga oldi. Tayinli gap yo'q... Ko'ngli qadrdon musiqani tusab qoldi. Zamonaviy musiqaviy markaz murvati-ni bosdi, xonaga mumtoz navo oqib kira boshladi. Divanga cho'zildi.

Charchoqlari chiqibmi-chiqmay, uyg'otuvchi soat ham o'z kuyini boshladi. Yana yangi tong otdi, yana ish, yana yangi tashvishlar boshlandi...



* * *

Sumbula opa asrab olgan farzandiga astoydil, chin onalarcha mehr qo'ydi. Bola ham mehrli bo'ldi. Mehr-ribon bo'ldi. Shularni o'ylarkan, Sumbula opaning ko'ziga beixtiyor yosh qalqiydi.


Kunlarning birida avtohalokatga uchraganida, u bir muddat yotib qolgandi. O'shanda o'zidan bahra olgan barcha yaqinlari qochib qolgan kezlari, jigar-bandi unga ko'p mehr ko'rsatdi. O'z o'g'lidek qaradi. Shundanmi, Sumbula opa tutingan farzandiga cheksiz mehr ko'rsatdi.

Farzand ham risoladagidek o'sdi. O'qidi. Oila qurdi. Bola-chaqa ko'rди. Yaxshi kasbning egasi bo'ldi. Katta kasbning sohibiga aylanib, mansab pillapoyalarini birin-ketin zabt eta bordi. Katta-katta davralarda yuradigan bo'ldi.

Sumbula opa o'g'lini maqtaydigan, tez-tez maqtaydigan bo'ldi. Televizor kanallarini tez-tez aylantiradigan bo'ldi. O'g'lini televizorda ko'proq ko'radigan bo'ldi. Katta-katta davralarda vaqt o'tkazayotgan o'g'li endi tobora kamnamo bo'lib qolgandi-da, qo'ng'iroqlari ham kamayib borar, onayizorning sog'inchidan bexabardek edi.

Buni yaxshilikka yo'yib, Sumbula opa atrof-dagilarga: «O'g'limni vaqti yo'q, uni ko'p bezovta qilmanglar, ishini qilaversin. Kerak bo'lsa o'zi keladi, shunda gaplashasizlar, deydigan bo'ldi. O'g'lining barcha yutuqlaridan quvonib yurdi, faxrlanib yurdi, unga shu kifoya edi, go'yo...

Goh-gohida atrofni yana yaqin-uzoq qarindoshlardan iborat, abituriyentu talaba qurshab qolsa, o'g'lining o'rni bilinib-bilinib qolardi. Shunda u bayram va tug'ilgan kunlarni intizorlik bilan kutardi. Oylar, yillar shu zayl o'tadigan bo'la bordi.



Yillar o'tar, o'tayotgan bu yillar o'zi bilan onaizor jismi-jonidagi kuch g'ayratni ham hamroh etib olib ketayotgandek edi.

Sumbula opaning ham endi shashti pastlab borar, ko'ngildagi yolg'izlik bu yoshdagi aksariyat kishilar kabi unga ham ta'sir etmay qolmayotgandi. Endi uning o'zi ham tez-tez og'rib qolar, dardini hech kimga aytmas, kasallikni ish, qolaversa, mayda tashvishlarni hal etish bilan yengaverardi.


Ba'zida ishdan qaytgach, o'g'li va nevaralarini ko'rgisi kelib necha bor shaylanar, lekin «yaqinda bayram, yaqinda tug'ilgan kun-ku, o'zlari kep qolar, deya bu fikridan qaytardi. Ertaga yana barvaqt ishga chiqishi kerak, ishlashi va ishlash shart...

Nihoyat kutilgan diydor payti keldi, bugun uning tug'ilgan kuni. «Boshqalar kelmasa ham o'g'lim, albatta, keladi», deya o'ylardi u. Dasturxon tuzab qo'ydi. Bir soatga qarab qo'ydi, bir qozonga qarab qo'ydi.

Mana, eshik qo'ng'irog'i bosildi. Uning o'g'li keldi. Nevaralarining qiy-chuvi uyni to'ldirdi. Sumbula opaning ko'ngli osmon bo'ldi. Shu kuni u kelinini ham ko'maklashgani qo'ymadi. O'zi xizmat qildi. Tug'ilgan kun o'ziniki bo'lsa-da, ushbu kunda ham o'g'lini ko'p maqtadi. Televizorda bot-bot ko'rayotganligini, radiodan ovozini eshitayotganligini, qo'shnilar ham shu haqda gapirayotganligini to'lib-toshib gapirdi. Tug'ilgan kun o'g'liniki edi go'yo...

Kelin nevarasini o'ynatayotganda, sekingina o'g'lidan so'radi:

- Tinchlikmi, nega kayfiyating yo'qdek.
- Tinchlik, tinchlik, hammasi joyida. O'zingiz yaxshimisiz, men ham ko'p kelaolmayapman...
- Sen endi o'zingga yarasha rahbarsan, mas'uliyatining bor, ishing ko'p ishingni qilaver. Bizlar kerak bo'lsa, o'zimiz boraveramiz. Asosiysi, ishing yaxshi, o'zing tinch bo'lsang bo'lgani, bolam.



Sumbula opa o'sha kuni o'g'lining kayfiyatida nimadir o'zgarish sezdimi, yo'qmi bunisi qorong'u, lekin bir falokat yuz berishini onalik qalbi sezgan ekan. Ko'p o'tmay shu falokat sodir bo'ldi.

Sumbula opaning bormagan joyi qolmadi. Boshini ne-ne eshiklarga urdi. Hatto nochorlikdan folbinlarning ham eshigini qoqib ko'rdi, bechora...

To falokat arimaguncha uyqusini topmadi, bedor bo'ldi, sho'rlik. Igna ustida yurgandek behalovat, azobda yurdi. O'z dardini tamoman unutdi, kasalligini-da unutdi. Tunu kun Xudoga iltijo qildi, Yaratganga yolbordi. Najotkorim o'zingsan, dedi, bitta o'tinchim shu, dedi, qayta-qayta aytdi, kecha-kunduz aytdi, kunduz-kecha takrorladi iltijolarini.

Sumbula opaning iltijosi Yaratganga yetdi. O'g'lining boshidan falokat aridi. Cumbula opa ko'zlariga yosh oldi, ko'z yoshlarini artdi. Bu quvonch ko'z yoshlari edi. Ko'nglini ajib bir tuyg'ular chulg'ab oldi, u o'z hayotidan mamnun bo'ldi. Hayot ko'ziga yana avvalgidek yaxshi ko'rinib ketdi, yangi havaslar uyg'otdi. Hayotdan u rozi bo'ldi.

Ushbu hayot yo'lida, anglagani shu bo'ldi va o'ziga-o'zi shunday dedi: «Qilgan yaxshiliklaring qolib ketmas ekan, Yaratganning o'zi har bir ezgulikning ajrini, bahosini berishi muqarrar...»

BO'YNOQ

*Uni o'ldirishdi. Bo'ynoqni o'ldirishdi,
bolalikdagi do'stimni o'ldirishdi.
Bolaligimni o'ldirishdi. Shu-shu
bolalikda boshqa do'st orttirolmadim.
Juda erta ulg'ayib qoldim.
Balog'atga yetgandan so'ng do'st topish...*

Jazirama saraton mahali edi, yoz chillasining qoq o'rtasi, yalangoyoq yursang oyoq kuyadigan payt. Bilasiz, qishloqda bu paytlarda oyoq yalang yurishadi. Peshin mahali, oilamiz jamuljam uyimizning orqa tomonidagi yong'oq soyasida, supada tushlik qilib o'tirgan edik. Supa shundoqqina hovlimizdan oqib o'tadigan ariq ustiga o'rnatilgan.

Ariqning supa qismi beton qilingan, qolgan qismi esa ochiq. To'rxaltaga solingan katta tarvuz yaxlab turishi uchun ariqqa tashlab qo'yilgan. To'rxaltaning tutqichi katta tosh ostiga bostirib qo'yilgan.

– Supaga chiqsang, bir yo'la, tarvuzni ham olib, chiq o'g'lim, – dedilar onam.


Pochamni shimarib, ariqqa tushdim. Bir mahal ariqdagi suv to'qlinlandi, mavjlanib ketdi, tarvuz qalqiy boshladi.

– Singlim, suv ko'paydi, – dedi.

– Men esa, qo'shnimiz piyoz paykaliga bog'lagan suvni ochib yubordi, – dedim.

– Onamlar esa, tarvuzni olib kel, oqib ketmasin, yaxlagandir axir, – dedi.

Ariq qo'shnining devori ostidan o'tib keladi. Devorning narigi tomonida suvning shalop-shaloplagini eshitildi, «shalop-shalop» tovush balandlashdi, tezlash-




di, yaqinlashdi, devorning bu tomoniga ko'chdi. Qarasam Bo'ynoq ariq ichidan o'qdek uchib kelardi – u birpasdan, supaning tagidan o'tdi, tarvuzning ustidan o'tdi, keyin esa qo'shnining devori tagidan ham o'tib ketdi... Oradan 2-3 daqiqacha o'tdi, ortiga qaytdi, suv ham ortga qarab to'ldinlandi. Tarvuzni olmoqchi edim, Bo'ynoq meni turtib o'tib ketdi, uchib o'tib ketdi... ariqqa yiqildim, usti-boshim jiqqa shalabbo bo'ldi. Hovlida yurgan, o'tirgan, turgan borki kuldi, rosa kuldi, tanamdagi qon boshim tomonga yugurgandek tuyildi. Yuzim qizarib, o'zim uyalib ketdim. Bo'ynoq yana ortga qaytdi... uning oldini to'sdim, biroq u yana meni yiqitib o'tib ketdi. Kulgu bo'ldi, yana mazax bo'ldi... Aziz kitobxon, mening holatimni anglagandirsiz. Kulgidan yoki mazaxdan bunchalik qizarmadim. Bo'ynoqning gapimga kirmaganidan, mening oldimga yugurib kelmaganidan, aytganimni qilmaganidan, ilk marta shunday bo'lganidan qizardim. Chunki, Bo'ynoq hamisha, har qanday sharoitda ham hammadan ko'ra menga ko'proq quloq solardi-da.

* * *

Buynoq mening itim edi, uni men ko'zi endi ochilganida, uyga olib kelgandim. Bilasiz, kuchukvachchaning ko'zi u tug'ilgandan keyin bir hafta o'tgach ochiladi. Demak, uni uyga tug'ilganining sakkiz-to'qqizinchi kunlari olib kelganman. O'shanda bobomni zotdor kuchugi bolalagandi. Bu voqea bundan uch-to'rt yil oldin, aniqrog'i, uch yarim yil ilgari qish oylari sodir bo'lgandi... Qor-qirovli kunlar. O'shanda oltita kuchukvachcha ichidan aynan shunisini tanlagandim: o'zi rangi qora-yu bo'yni va peshonasi oqini.

Tog'am, boshqasini tanla, bunisi o'zimizda qoladi, hali boqa olasanmi yo'qmi, deya bir oz taysallab turgandi.



– Men shunisini olaman, – deb qat’iy turib oldim.
 – Bobomga ham aytdim, shunisini olaman. O’tgan kuni ularning oldida shuni tanlab ketuvdim...

Bobom ayvonda gapimizni eshitib turgan ekanmi yonimizga keldilar:

– Olib ketaver, – dedilar. – Anchadan beri aytib yuribsan...

Shundan so’ng tog’am ham ko’p qaysarlik qilmadi.

O’zining rangi qop-qora-yu bo’yni va peshonasi oqligi uchun kuchukchamga Bo’ynoq deya nom berdim. Bo’ynoq deb chaqiradigan bo’ldik uni. U ham buni ma’qullagandek, chaqirganimizda dumini likillatib qo’yadigan bo’ldi. Shundan beri unga mehrim tushdi, unga o’rganib qoldim. U ham menga o’rganib qoldi...

Bog’chaga borarimda, keyinchalik maktabga ham meni kuzatib qo’yar edi, bu sodiq do’stim... Maktab darvozasiga borib yetganimizda sinfdoshlarimga itimni ko’rsatib, maqtanadigan bo’ldim.

Bilardimki, Bo’ynoqning ko’pchilikka hushi yo’q edi. Shuning uchun ham maktab darvozasiga yetib kelganimizda joyida tappa to’xtab o’tirib olardi. Dumini bejo likillatishga tushardi, tilini osiltirib olardi, boshini sarak-sarak qilib turardi. Shu zahoti: «Bo’ynoq, bor endi uyga jo’nal!» derdim ataylab. Bo’ynoq ham gapimga kirib, sekin qo’zg’alardi, ortga qaytardi...


Sinfdoshlarim buni ko’rib:

– Qanday qilib o’rgatib olgansan Bo’ynoqni? – deya qiziqishardi.

– Ey, Bo’ynoqni men hech narsaga o’rgatganim yo’q, uning zoti o’zi shunaqa aqlli, – derdim.

– Ol-a, hecham bo’lishi mumkin emas, o’rgatmasang orqangdan kelmaydi shu yergacha. Biror narsa berib kelib o’rgatib olgan bo’lsang kerak-da. Sumkangni ko’rsat-chi...

Men ularga javoban sumkamni ochib ko’rsatardim. Aslida-ku ularning gapida ham bir oz jon bor edi. Uni



biror narsa berib o'rgatmagan bo'lsam-da, Bo'ynoqni juda yaxshi boqardim, risoladagidek ovqat bilan ta'minlardim, shaharliklar itiga qanday izzat ko'rsatssa, men ham ulardan kam qilmasdim izzatini... Shundan bo'lsa kerak, Bo'ynoq ortimdan qolmasdi.

Maktabdan uyga borishim bilan darvozaning oldida meni Bo'ynoq kutib olardi. Men unga ataylab: Hoy, Bo'ynoq haliyam kutib o'tiribsanmi, yong'oqning tagiga o'tib, soyada mazza qilib yotmaysanmi, derdim. Bo'ynoq – bu gaplarimni eshitib, dumini likillatib kelib, oyog'imga suykalardi.

– Ey, bor joyingga, bor, erkalanma, – deb qo'yardim, xursandligimdan o'zimni qo'yarga joy topolmay.

Uylariga bizning ko'chadan qaytguvchi sinfdoshlarim, Bo'ynoq haqida, iting har kuni maktabga seni kuzatib borib, keyin darvozalaring tagida qaytishingni kutib o'tiradi-a, deya hayron edilar.

– Ha, o'zi shunaqa, unga bu ishni hech kim o'rgatmagan, – derdim.


– Bobongning iti yana bolalasa, bizga ham bolasi-dan olib ber, iltimos, olib berasan-a, olib beraman, de, – yalinaradi o'rtoqlarim.

Meni ularni rosa yalintirardim. Keyin katta odamlardek salmoqlanib: bilmadim, o'zi bu safar nechta bolalar ekan. Ularni ham oldindan aytib qo'yishadi. Erkagini olish qiyin, chunki hamma erkagini tanlaydi, urg'ochisi qolib ketaveradi, urg'ochisini olsalaring, mayli, olib beraman, – derdim.

– Ey, urg'ochisini bizning uydagilar ham qo'yishmaydi-da. Erkagidan olib ber, jo'ra, mana o'zingga olgansan-ku.

– Menga bobomlar nabirasi bo'lganligim uchun berganlar-da... Mayli, bitta urg'ochi, bitta erkak qilib olsalaring, olib berishim mumkin, – rozilik berardim men...

– Biz ikalamiz ham qanrindoshmiz-ku, ana otangdan so'ra ishonmasang, – deydi gina aralash, Shodivoy...



– Yaxshi-yaxshi so‘ramasam ham bilaman qarindoshligimizni. Bobomning iti bolalasin, juft qilib olib beraman dedim-ku, olib beraman... Senga ham.

Qish oxirlab qoldi. Fevral tugash arafasida. Bu orada sinfdoshlarim tinch qo‘yishmadi, meni ham rosa egovlashdi. Bobomning iti qachon bolalaydi? Bolaladimi? Menga olib berasanmi? Va hokazo, va hokazo...

Bobomning iti qachon bolalashini men qaydan bilay, har yili shu vaqtda bolalardi. Aytdim-ku, olib beraman, deb, – jig‘ibiyron bo‘lardim men.

Qariyb besh-olti oy mobaynida ikki sinfdoshim biznikiga kun ora qatnadi. Shu bahonada ular mening uydagi ancha-muncha ishlarimga qarashvorishdi.

Oxirlab borayotgan fevral kunlarining birida nihoyat bobomning iti bolaladi. «Sirtlon bolaladi», dedilar bobom, uyimizga kelganda.

– Kechagina borganimda hali bolalamagandi-ku?

– Yo‘q, u bolalagan, bugun – uchinchi kun.

– Unda tog‘am atay aytmabdi-da, menga... – xafa bo‘ldim.

– Ha, tog‘ang qizg‘angan-da, sendan.


Har kuni ikki bor bobomnikiga qatnay-qatnay, sinfdoshlarimga bir juftdan kuchukvachchalarni olib berdim. O‘ziyam shu kundan boshlab, bo‘sh qoldik, deguncha sinfdan shu mavzu asosiy suhbatimiz mazmuniga aylandi. Bamisoli hammamiz zoologiya fanida o‘tiribmiz-u, unda itlar mavzusida munozara deng. Sinfdosh oshnam ham ko‘payib, keyingi yilga buyurtmayam oshgandan-oshib borardi.

Shunga yarasha men ham bo‘sh kelmasdim.

– O‘ylab ko‘ramiz derdim, – kattalarday jiddiy-lashib, sovuqqon ohangda.

* * *

Bo‘ynoqning bu betamizligidan ko‘p xijolat tortdim, shalabbo ustimni quritish uchun hovlining oldiga, kungayga o‘tdim.



Shunda onam, «bolam, kel, ovqatingni yeb ol», deb meni chaqirib qoldilar.

– Keyinroq yeyman, – dedim erinchoq ovozda.

Bo'ynoqdan yomon jahlim chiqqandi. Agar u hovlining old tomoniga o'tsa, kaltak bilan yaxshilab adabini bermoqchi edim. Lekin Bo'ynoq yonimga kelmadi. Qaytanga ariqda chopishga ham qanoat qilmay, darvozadan chiqib, shundoqqina yo'ldan naridagi anhorga tushib oldi. Shu kuni anhorda kechgacha izg'igan, anhor kechgan – Bo'ynoq uyga tomon darvoza hatlamadi. Uyga kirmadi. Men ham uni yo'qlamadim...

Ertasiga sahar mahal bir qizil jiguli darvozamiz tagida to'xtadi.

– Kim ekan, chiqib qara-chi! – dedi, akam.

Chiqsam, ko'chaning boshidagi qo'shnimiz ekan.

– Akangni chaqir, – dedi, u muhim gapi bordek, jiddiy.


– Qo'shnimiz Sattor aka sizni chaqiryapti.

– Nima ishi bor ekan ertalabdan, – akam to'ng'ilagancha darvozadan chiqdi. Sal o'tmay, uyga qaytib kirdi. Og'ilning yonidagi bostirmadan aravani oldida, g'izillatib ko'chaga chiqib ketdi.

Men bunga hangu mang bo'lib qoldim. Biroq, shu tarzda xayolimga: «Magazinda nimadir tarqatishayotgandir-da, dedim-da, ertalabki choyga o'tirdim. Yarim soatlar o'tgandan keyin, akam aravani g'irilatganча darvozadan kirdi va shosha-pisha, darvozani berkitdi. Nima olib keldi ekan, – deb uning oldiga chopib bordim... qaragam... aravada Bo'ynoq yotardi. Aniqrog'i Bo'ynoq emas... uning jasadida...

Kecha ariqdan chiqmay o'zini u yoqdan bu yoqqa urgani bejiz emas ekan-da. Men bo'lsam, uni kun issiqligiga shunday qilyapti, deb o'ylabman. Uni kimdir zaharlabdi. Kimdir unga dori beribdi, – dedi akam ma'yuslanib.

Men nima qilarimni bilmay qoldim. – Kim? – deya oldim xolos.



– Bilmayman.

Kecha Bo'ynoqdan ranjigandim. Qattiq xafa bo'lgandim undan. Bugun ayni damda esa, ahvolim kechagidan yuz karra yomonroq edi.

– Bo'ynog'ing baribir aqlli ekan, o'z hovlimizda jon bermay, dalaga borib jon beribdi. Aslida itlarni zaharlashganda, yaxshi itlar o'z hovlisida o'lmaydi. Ular o'ligini egasiga ko'rsatmaydi deb eshitganman. Bo'ynoq shunday yaxshi it, senga haqiqiy do'st ekan, – dedi akam tasalli berib. – Tag'in xafa bo'lma. Xuddi shunday, Bo'ynoqqa o'xshaydiganidan kuchukcha olib kelib beraman, – deya qo'shib qo'ydi.

– Bo'ynoqqa o'xshaydigani bo'lmaydi. Uning o'zi bitta edi. Uni ham o'ldirishdi... Do'stimni o'ldirishdi. Endi men hech qachon kuchukcha asrab olmayman... – Ko'zinga yosh qalqidi.

– Qo'y endi, yig'lama... Kelgan balo shunga ursin, istasang itingni shu yaqin oraga tomorqaning chetiga, shaftolining ostiga ko'mamiz, – dedi.

Akamning bu gapiga qo'shilmadim, judayam g'ashim keldi. «Kelgan balo» degan gapni noo'rin qo'lladi. «Bo'ynoq tasodif bilan o'lganida aytsa, bo'lardi. Yo falokat bo'lib, mashina o'rib ketganda ham aytsa bo'lardi, axir uni zaharlashdi, uni o'ldirishdi-ku!»

Iloyim, itga zahar berganlar, sodiq do'stga zor bo'lsin!

Akam mening ovoz chiqarib aytgan bu gapimga o'zicha kulib qo'ydi.

Hadisi sharifda keltirilishicha: «Jannatga kiradigan o'n nafar hayvonning biri vafodor itdir». Shunday deb o'zimga tasalli bermoq bo'ldim, biroq ayni damda buning sira iloji yo'q edi.

Bo'ynoqni ko'mdik, bolalikdagi sodiq va vafodor do'stimni ko'mdik...

SHE'RLAR

VATAN


Pastakkina loyshuvoq tomdir,
Mening momom aytgan Vatani.
Panja izi paxsa devordir –
Mening bobom aytgan Vatani...
Mening momom, bobom sen, Vatan!

Tol yog'ochdan beshik ham alla –
Mening onam aytgan Vatani.
Bobotog'san, qalqonginam, tog'
Mening otam aytgan Vatani...
Mening onam, otam sen, Vatan!

Suyanchig-u ham madadkori –
Mening akam aytgan Vatani.
Mehriboni, opamdayin oy –
Mening opam aytgan Vatani...
Mening opam, akam sen, Vatan!

Hayo, ibo kabi pok xilqat –
Mening singlim aytgan Vatani,
Jasur o'g'lon kabi bir jo'mard –
Mening ukam aytgan Vatani...
Mening singlim, ukam sen, Vatan!


Bolalik uy – bozor go'shasan,
Ayolimning aytgan Vatani.
Olamda ne tansiq, o'tasan –
Farzandlarim aytgan Vatani...
Mening o'zim, oilam – Vatan!




So'lim - Surxon, O'zbekistonim!
 Mening xalqim suygan Vatani...
 O'zbekiston, O'zbekistonsan!
 Sayroq dilim suygan chamani,
 Mening jonim, tanim sen, Vatan.

YIGIT BO'LSA

Behudaga shon-sharaf bekor,
 Yigit bo'lsa, ori bo'lsin.
 Kerak emas hurliqo ham,
 Sadoqatli yori bo'lsin.
 Yigit bo'lsa burgut bo'lsin,
 Sor-lochindek baland parvoz,
 Qadar iga to'lsin havas.
 Yo pirim, deb yoqa tortsa
 Raqib ko'ksi yerni ko'rsin.
 Yulduzlarga kamon otsa,
 Nishonga bexato ursin.
 Yigit bo'lsa, do'stga sodiq,
 Do'shmanga-da mard bo'lsin.
 Zinhor g'irrom qo'l olmasin,
 Sheryurak deb nom ololsin...
 Yigit bo'lsa,
 o'z yaylovi,
 o'z o'tovi,
 tog'i bo'lsin,
 Samolarga tenglashgudek
 El ichra ardog'i bo'lsin...
 Yigit bo'lsa,
 Sanamlarning aqlin olar
 Sehri bo'lsin.
 Eng avvalo,
 Ona yurti,
 Vataniga
 Mehri bo'lsin...

**ANGLAB YETARMIKIN?**

Nega havolanar,
O'ttiz yoshida –
Qaydin bilar ekan
Falak gardishi
Ne sinovlar bitgan
Hali boshiga...
Nega havolanar,
Qirqdan oshiboq,
Ellikning qoshida
O'tgaymikin kunlar.
Shunday chog'
Nega havolanar
Ellikdan o'tib,
Padarin qaddi dol,
Yetmishga yetib,
Ona ham qolgan-ku
Munkayib nochor,
Ayni izzat-ikrom
Ko'rar yoshida,
Alifdek g'oz turmoq
Ayting ne darkor?!
Seni deb bukilgan zotlar qoshida?..
Nega havolanar,
Bola qurg'urlar,
Oltmishga boryapti o'zlari,
Anglab yetarmikan
Nega buncha dadil
Aytar so'zlari...
Holbuki. Ularning
Ko'ragin kerib yurishin siri –
asl mazmuni-yu
asl ma'nosi –
Otasining roziligi,
Onasining duosi...




SEVGI ELIGIYASI

Men seni shunchalar sevaman,
Uning taftida,
charog'on bo'lg'usi
qora sukunat.
Zim-ziyo qabrim ham nurlarga to'lib,
ustida qip-qizil
qizg'aldoqlar kulgusi...
Qizg'aldoqlar, qirmiz qonimdan,
Rang olar,
Olar mendan jon...
Ishon, ishon...
Men seni shunchalar sevaman...
Sevgi taftida,
kul bo'lg'usi,
do'zax ham kuyib,
Arosat ko'prigi ham
yonar bu taftda,
Alalxusus,
Jannat qolar
ikkimizga va
Qiyomatga qolar undagi diydor...
Ishon, ishon...
Men seni shunchalar sevaman...

QISH O'YLARI

Bahor bilan meni aldama,
Garchi suyuk yozning chillasi.
O'ziga xos xazonrezgi ham,
Oppoq qorni qo'msaganman men.

Yog'aversin pag'a-pag'a qor,
Oydinlikka cho'lg'ansin olam,
Ko'ngillarda barq ursin izhor,
Qo'msaganman oqko'ngilni ham.




Ko'ngil, ko'ngil qorga aylangin,
Erib, mayli jilg'a bo'l zilol.
Obihayot bo'lib shaylangin,
Hayot shavqin qo'msaganman men.

Qor bilandir qishning fayzi ham,
Qishda yoqqan yomg'ir begona.
Qahratonda tansiq quyosh ham,
Onamdayin mushfiq parvona.

Oldda yomg'ir, rangin kamalak,
Quyosh porlar, ko'char saraton.
Oltin kuzak – to'kin rizq, demak,
Holbuki qish hali hukmron.

HAVASMAND BO'L

G'alamisning asl kasbi shu –
Hasad bilan yo'g'rilgan kori.
Bor bisotin ochsa hamki, u
Tirnoqchalik topilmas ori.
Bir baloni boshlamasa gar,
Tinch yurolmas, ko'ngli to'lmaydi,
Hatto hasad qon bo'lib oqar,
To tirikdir hasad o'lmaydi...
Havasmandni xushlamaydi u
Shundanmikin bog'i ko'karmas,
Baxillik-la soladi qutqu,
Ezgulikka qilganicha qasd.
Aytisharku, illat va hikmat
Orasida mudom borar jang.
Odamiylik bo'lsa gar odat, –
Hasadgo'yning holi bo'lar tang.




DO‘STLIK

Yomg‘ir yog‘sa, ehtiyoj bor soyabonga,
Mushkulotda, musibatda do‘st kerakdir.
Do‘stlik hissi fazilatdir har insonga
Do‘sti ko‘pni har jabhada siylar taqdir.
Sadoqat va vafo zinhor ro‘yo etmas,
Ming yillarki do‘stlik qadri baland tuyg‘u.
Do‘sti yo‘qni odil kishi odam demas,
Sadoqatga yor bo‘lganlar yashar mangu...

KO‘NGLIM ARO BIR MASKAN

Ko‘nglim aro
Bir maskan
Bunyod etgum
Shubhasiz
Unda adolat
Hakam
Iymon qadrin
Ko‘rasiz...
Ne ish qilsam
Xayotda
Ezgulik deb
Qilgayman,
Insoniylikni
Dilga
Sharaf-shon
Deb bilgayman.
Adolat-u halollik,
Hamda or-nomus iymon,
Insonga oliy
Boylik,
Baxt garovi
Begumon...

**ISHQ**

G'amdan zimiston yasab,
Boshimga balo etma.
Men zulmatdan qo'rqaman
Vahshiyni ravo etma.
Chin bo'lmasa mayliga,
Sevaman de, ey jonon...
Shugina bir so'zingdan
Umrim bo'lsin charog'on.
Xayotbaxsh bu so'zingni,
Yashirib yurma dilda,
Bu sir qiynar o'zingni,
Olam oshiq muxfilda...
Sevaman degan bir so'z
Ajalni ham o'ldirar.
Jon taslim qilar chog'da,
Qalbgga hayot to'ldirar.
Aslida bu olamni
Tutib turgay muhabbat,
Sevgi bilmas odamni
Yo'qlik kutadi albat.
Qalbida ishqi yo'qlar,
Yashamaydi, kun ko'rar,
Shul boisdan insonlik
Sha'nidan yiroq ular.
Men-chi sevdim, sen-sevding,
Ikkimiz ham insonmiz,
Odamiylik shevasin
Ishqdan topgan qo'sh jonmiz...



KO'NGIL

Men bilmasman o'zim kimligim,
Bilganlarim barchasi – yolg'on,
Sen o'rgatma menga menligim,
Tabiatim – otamdan qolg'on.

Men bilmasman o'zim kimligim,
O'z otamdan meros qondirman.
O'zingga boq, o'zingni bilgin,
Men onamga jonday jondirman.

Men bilmasman o'zim kimligim,
Ayo ko'nglim, dil ochganmisan
O'zganimas, meni anglagin,
Yoxud mendan voz kechganmisan?!

Men bilmasman o'zim kimligim,
Ko'nglim, meni eshitganmisan,
O'zga bir ishq seni ko'ydirar
Jismi jondan hol so'rganmisan?!

Men bilmayman o'zim kimligim,
Ko'nglim menga bildirganmisan
Shodlanasan o'zga shodlansa –
Hech bir meni kuldirganmisan?!

Men bilmasman o'zim kimligim,
Ko'nglim meni suydirganmisan?
Ko'z yoshimni artganding qachon,
Ishq totiga to'ydirganmisan?!

Men bilmasman o'zim kimligim,
Oshkor ayla endi sen yurak,
Barbod etsin sukut, jimligim,
Men o'zligim topishim kerak...


LAYLIM, AYTGIN

Sogʻinch faqat menga payvandmi
Faqat mening koʻzimda dardmi,
Faqat mening yuragim kemtik,
Dilim gʻubor, dunyo begardmi?

Otash yoqar yuraklarimni,
Vujudimni koʻydiradi oʻt,
Sogʻinch siqar kuraklarimni,
Yolvoraman, gunohimdan oʻt.

Vajohati ortar zulmatning
Tugamaydi izi kulfatning
Hayotimning fayzi ketdimi,
Yorugʻ kunlar erib bitdimi?
Kechirsang gar ne boʻladi, ayt,
Yurak-bagʻrim tavba qilgan, qayt?!

Meni qiynar bir achchiq savol,
Faqat menmi Majnuni behol
Javob topmoq boʻldi koʻp mahol
Laylim, aytgin vafo roʻyomi,
Bevafolik – ramzi dunyomi?
Yo, ishqimiz yolgʻon maʼvomi?



SEVGI

Sevgi hissi har bir yurakda
Oshyon qurmas degani yolg'on.
Ishq aslida har bir tilakda,
Orzularda erur namoyon.


Kimning agar ko'ksida qalbi,
Tuyg'ular-la tug'yon urgaydir.
Uning sevgi bo'lar matlabi,
Hatto yorin tushda ko'rgaydir.
Insonni hech kim Vatansiz,
Bexonumon tasavvur qilmas.
Bulbul bo'lmagandek chamansiz,
Odam qalbi sevgisiz bo'lmas.

LOLA

Lola, yuzing bunchalar qizil,
Yuragimdan o'tar shunday qon.
Sen o'zingga meni qondosh bil,
Vujudimda sening kabi jon.

Lola, qalbing ichra ko'rdim dog',
Xuddi mening armonim misol.
Sen ham mendek turib sahar chog',
Hayotingga tilaysan iqbol...

Bobo quyosh saxiy, bokaram,
Ikkimizga baxt bergay hali.
Bir-birimiz qutlaymiz, erkam,
Dildan shodlik toshgan mahali.



SEVIB KO'R


Sen ham mendek sevib ko'r,
Ishq zahrini sezib ko'r.
Mendek xasta qalb bo'lib,
G'am dashtini kezib ko'r.

Sen ham mendek bedor kut,
Sog'inib, intizor kut.
Xayol surgin mast bo'lib,
Aftodahol bemor kut.

Sog'inch ko'zingga botsin,
Tonglar otsin yuzingda.
To'zim tilab o'zingga,
Sevgan yoring xumor kut.

Shunda balkim sezarsan,
Muhabbatning qudratin.
Ishq zari-la bezarsan,
Hayot degan ne'mating...

Insonligingni anglab,
Otash sevgi tufayli.
Yoringni Majnun aylab,
O'zing bo'lgaysan Layli...



MEN BILGAN HIKMAT

Kitobni xo‘p o‘qidim,
Qancha she‘rlar to‘qidim,
Hikmat qidirib bedor,
Ilhomga men intizor.
O‘zimni o‘tga urdim,
Achchiq-chuchukni ko‘rdim,
Ba‘zan keldi do‘ppi tor
Topmay dilga bir mador
Yillar sabog‘in oldim,
Hayot darsida toldim.
Bilsam shudir haqiqat:
Asil hikmatdir – otam,
Ulug‘ ne‘matdir – onam.



QALTIS SAVOL

Yana bir bor o'yla ushbu savolni,
Nechun adolatni to'smoq bo'lasan?
O'z boshingga chorlamagin zavolni,
Bir kun adovatga mahkum bo'lasan!

Nahot, fahming shunchalar kalta,
O'zingni kim deya idrok etasan?
Agar bilsan-ki, sen – ojiz bir banda,
Nega avliyolik da'vo etasan?!

Dono xalqda bor qadim hikmat,
«Echki, qo'y osilgay o'z oyog'idan»,
Holbuki, sen – odam, ongli mavjudot,
Qo'rqmaysanmi axir Haq so'rog'idan?

Nafsga botib toki qulog'inggacha,
Uning yo'rig'iga yurgaysan nechun?
Bulg'angan mehringning bulog'igacha,
Hirs-havas ko'rsatar jismingga kuchin!

Koshki, nafsdan tonib, odam bo'lsayding,
Afsus, tuzalmasdir nafsga qul bo'lgan.
Agar Yassaviyni o'qib ko'rsayding,
U aytar: «Nafs quli – tiriklay o'lgay!»

МУНДАРИЖА

Сўзбоши ўрнида	3
Ота – устоз	5
Илтижо	34
Ватан	43
Аёл	48
Бўйноқ	61

ШЕЪРЛАР

Ватан	69
Йигит бўлса	70
Англаб етармикин?	71
Севги элегияси	72
Қиш ўйлари	73
Ҳавасманд бўл	74
Дўстлик	74
Кўнглим аро бир маскан	75
Ишқ	76
Кўнгила	77
Лайлим айтгин	78
Севги	79
Лола	79
Севиб кўр	80
Мен билган ҳикмат	81
Қалтис савол	82

ОТА – USTOZ

Ota – ustoz	84
Iltijo	114
Vatan	121
Ayol	126
Bo'ynoq	139

SHE'RLAR

Vatan	146
Yigit bo'lsa	147
Anglab yetarmikin?	148
Sevgi eligiyasi	149
Qish o'ylari	149
Havasmand bo'l	150
Do'stlik	151
Ko'nglim aro bir maskan	151
Ishq	152

Ko'ngil	153
Laylim, aytgin	154
Sevgi.....	155
Lola	155
Sevib ko'r.....	156
Men bilgan hikmat.....	157
Qaltis savol.....	158

Адабий-бадиий нашр

НУРИДДИН МУРОДОВ

ОТА – УСТОЗ

Муҳаррир

Феруза ҚУВОНОВА

Мусаҳҳиҳ

Мадина МАҲМУДОВА

Бадиий муҳаррир

Насиба РАҲИМОВА

Саҳифаловчи

Дилдора ЖҲРАБЕКОВА

Техник муҳаррир

Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АИ № 252. 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 25.04.2017 й.да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма табағи 4,75. Шартли босма табағи 7,98.

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғози.

Адади 500 нусха. Буюртма № 118.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММ да тайёрланди ва чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 147-00-14; 129-09-71;

Маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87

факс –273-00-14;

e-mail: yangiasravlod@mail.ru







Нуриддин
Муродов

Ота-устоз

Баъзан ўзимиз ҳақимизда бизни яхши билгувчиларга ўз манфаатимиз, ўз нафсимиз нуқтаи назари ила уқтирмоқчи бўламиз. Баъзида эса воқеликнинг ибтидосини ўзимизга мослаб оламиз. Интиҳосини тўла англаб-англамай, торгина манглаймиз мулки, шундай ҳам маълумгина қисми ишлагувчи миямизда эринибгина енгил мушоҳада, торгина фикр юритамиз. Бошимизни ортиқча қотиргимиз келмайди. Ўзимиздан даҳо ясаб оламиз. Кибр ва манфаат таъсирига осонгина тушиб, пировардида комилликдан анча йироқлаймиз, сўнг бир-биримизнинг тақдиримизни белгилашга-да шайланамиз. Тап тортмай бунга жазм этамиз. Бир-биримизни айблашга ошиқамиз. Лек ич-ичимиздан қасд этаётган амалимизни риёдан бошқа ҳечлигини билсак-да, ўзимизни беайб санаймиз ва шунга даъво қиламиз. Яна негадир катта ҳарфларда “Мен-Мен”лаб, иккинчимизга оид тугал хулосага келмоқчи бўламиз.

Бирок, борлиқ ҳодисаларининг аслияти, аслиятнинг моҳияти фақат Унгагина аёнлигини, ожиз банда ҳақда узил-кесил хулоса қилиш ёлғиз Ҳақгагина хослигини тан олгимиз келмай, ғурурга соядек эргашамиз, муқаддас ўзликни таҳдид остида қолдирамиз, иймон кўчасидан йироқлаймиз, виждон йўлидан эгик бош билан ўтамиз, алаалоқибат азиз бошимизни ҳам қилиб юришга одатлантириб кўямиз, аммо азизлик, эгик бошни тарк этиши муқаррарлигини эса тушунишни ирода қилмаймиз... нега?



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

ISBN 978-9943-20-225-2



9 789943 202252

N. Murodov